



3/1989

ЁШ КУЧ

Бу сонда

Ўқитувчининг
бугунги сўзи

Дарслик ҳам
боланинг ризқи

Эмин Усмон
этиқод йўқолдими?..

Эртанги шифокор —
бугун пахтакор

Улуғбекнинг болалиги

Ҳамза хотирамизда


Қизлар шеърляти

Китоб ўқишни
биласизми?



Тошкент радиотехникумининг ўқувчилари танлаган соҳалари бўйича халққа яхши хизмат қилиш учун астойдил билим олмоқдалар; Бунинг учун техникумда қулай шароит, ўқувчиларда эса истак етарлидир.

А. КУДРЯШОВ фотоси



Ўқувчилардан қарздормиз... (съезд таассуротлари)

Дилфуза ҒАНИЕВА
Тошкент шаҳридаги 254-мактаб ўқитувчиси,
Бутуниттифок ўқувчилар съездининг
делегати.

Съезд таассуротларини қоғозга тушириш жуда қийин. Делегатлар кайфияти, нотиклар ҳаяжони, буларни фақат кўриш, ҳис қилиш мумкин.

Ҳаётимда биринчи марта шундай катта анжуманда иштирок этишим. Назаримда съезд олдимизда турган муаммоларни жуда осонгина ҳал қиладигандек эди. Аммо ишнинг биринчи кунини яқунлангач, нотикларнинг фикрларини эшитгач, таълиқланганимни сездим. Мактаб ва умуман халқ таълими олдида шу қадар кўп масалалар йиғилиб қолган эканки, уч кунда уларнинг барчасига жавоб топиш сира мумкин эмас эди: Ким билади, балки «турғунлик даври» бўлганида, ҳамма иш битармида? Қоғозда албатта!

СССР Халқ таълими Давлат комитети раиси Г. А. Ягодиннинг «Таълимни инсонларварлаштириш ва демократиялаш орқали унинг янги сифати сари» мавзусидаги доклади менга жуда ёқди. Доклад сермазмун, энг асосийси унда ҳар бир ўқитувчининг тилининг учиди турган, юрагида тошдай турган муаммолар кўтарилган эди. Масалан: мактабларда гуманитар фанларни қисқартириш сира мумкин эмаслиги, балки гуманитар фан соатларини кўпайтириш орқали таълимни янада гуманитарлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Биз бир қонунни яхши биламиз: ўқувчи ўқитувчисини ҳурмат қилиши шарт. Бироқ кўпинча, мактаб ва ўқитувчи ўқувчи учунгина эканлиги хотирамиздан кўтариллади. Докладда худди ана шунга — ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатга алоҳида эътибор берилди. Бу масала қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Ўқитувчи ўзи ва ҳамма учун қулай бўлган ўқувчиларни тарбияламаслиги керак. Бундай ўқувчилар билан ишлаш осон, албатта. Бироқ келажакда ундан зўр инсон етишади, дейиш қийин. Биз кўпроқ ўз мустақил фикрига эга бўлган, дедил фикрлай оладиган ўқувчиларга аҳамият беришимиз керак. Ўқувчига китобдан ёдлаб олган текст учун эмас, балки шахсий фикрига баҳо қўйса, мақсадга мувофиқ бўлади. Токи у баҳслашишга ва шахсий фикрини ҳимоя қила олишга ўргансин, ўқитувчи айтган ёки китобдаги барча фикрни ҳам қонун деб қарайвермасин. Бунга ўргатиш учун эса, улар учун фақат ўқитувчи эмас, балки ҳамсухбат, дўсти, акиси, опаси бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Улар биз — ўқитувчиларни «ўз одами» деб қабул қилсалар, бу йўлда энг асосий тўсиқдан ўтган бўламиз, менимча.

Бунинг илдизи жуда кўп масалаларга бориб тақалади. Масалан: мактабларимизда қобилиятли ўқувчиларимиз кўп. Бироқ ўқувчининг қобилияти доим ҳам «ярқ» этавермайди. Ўқитувчининг маҳорати эса худди ана шу пайтда кўринади. Болага ўқитувчи биринчи ёрдам қўлини чўзиши керак. Агар ҳар бир ўқувчимизни яхши била олмасак, унга қандай ёрдам берамиз? Докладда қобилият — табиат тўхфаси эканлиги ва уни кўра билиш ҳам зарурлиги таъкидланди.

Яна бир қизиқ фикр ўртага ташланди. Ўқувчининг хулқига баҳо қўймаслик. Хулқини баҳолаш билан биз ўқувчиларимизни чегаралаб қўямиз, демак яна ўзимиз учун қулай бўлган ўқувчи керак. Ўқувчи ўз фикрини дангал айтдими, тамом, хулқини «қониқарли» деб белгилаймиз, ўзини кўрсга чиқариб қўямиз. Ахир бу тарбия эмас-ку! Гарчи баҳсли томонлари бўлса-да, менга бу фикр жуда ёқди.

Докладда «қалбаки учлар» алоҳида қайд қилиб ўтилди. Ўқувчига қалбаки «3» баҳо қўйгандан кўра, «2» қўйиш керак. Бироқ чоракдаги «икки»лар собиға синфда қолдиришга шошилмаслик керак. Чунки синфда қолган ўқувчининг программани ўзлаштиришига ҳеч ким кафолат бермайди. Бундай ўқувчининг балки бошқа фанлардан ўзлаштириши яхшидир. Акс ҳолда эса қўлга берилдиган ҳужжатда «қониқарсиз» баҳолари қайд қилиб қўйилсин. Ўқувчига эса шу фанни қайта ўқиш ва топшириш ҳуқуқи берилсин.

Кадрлар масаласи. Айни шу масала мени жуда

қизиқтирди. Чунки мактабларда маош учунгина ишлаётган «ўқитувчи»лар оз эмас. Докладда шундай фикр ўртага ташланди. Ҳар бир студентнинг қобилиятдан келиб чиқиб 2 мутахассисликка тайёрланса (адабиёт — музыка, меҳнат — физкультура, математика — физика.) Бу айниқса қишлоқ мактаблари учун қулай бўларди. Мактаб ислоҳоти — йўл қўйилган биринчи хатомиз бўлди. 6 ёшли болаларни мактабга қабул қилишга тайёрмизми? Болани 6 ёшдан ўқишга мажбур қилиш тўғрими? Йўқ!

Ўқув программалари-чи, бир-биридан чалқаш, мураккаб, тушунарсиз. Уларни нашр қилишдан аввал амалда қўллаб кўриш керак. Назария доим ҳам практикага тўғри келавермайди. Г. А. Ягодин дарсликлар бўйича конкурс эълон қилингани ва қўлёзма дарсликлар амалда тасдиқлангач, ўқитувчининг талабига кўра нашрдан чиқарилишини айтиб ўтди.

Докладда бугунги кун мактабларига психологлар зарурлиги таъкидланди...

Музокарада сўзга чиққан нотиклардан менга айниқса Совет Болалар фондининг раиси А. Лиханов, воронежлик ўқитувчи Н. Картавцева, экспериментал илмий ишлаб чиқариш педагогика бирлашмасининг бош директори Амонашвили Ш., Москва Давлат Болалар академик музыкали театрининг директори Н. Сац, ВЛКСМ МК нинг биринчи секретари В. Мироненко, Москвадаги 825-мактаб директори В. Краковский, актёр Р. Биков, 10-синф ўқувчиси Н. Новодворская, Калинин областидаги қишлоқ мактабининг директори К. Терентьева...ларнинг фикрлари айниқса ёқди. Мана улар фикрларидан қайдлар:

Терентьева. — Ўқувчи қаерда яшайдиган қатъи назар билим олиши керак. Бироқ қишлоқ мактабларининг аҳволига қараб, йиғлагинг келади. Тасаввур қилинг: 1 хонада 20 та ўқувчи бўлса, улардан 7 таси 1-синфда, 8 таси 2-синфда, 5 таси 3-синфда ўқийди. Уларга 1 ўқитувчи галма-галдан тема тушунтиради. Демак, 1 кунлик дарс учун ўқитувчи камида 10 та консепт план ёзади. Шунча план ёзишга қачон улгуради? Бу ҳам майли, бир хонада таълим олаётган 1, 2, 3-синф ўқувчиларининг билим даражаси нима бўлади? 45 минутда 3 та синф программасини тинглаши, ахир ақл бовар қилмайди-ку? Терентьева шу ҳақда гапирар экан, ўз фикрини «Болаларнинг айби нима? Қишлоқда туғилганими?» — деб яқунлади.

Секциялар ўз ишини бошлаганда, бухоролик бир ўқитувчи (афсуски исми фамилиясини суриштирмабман)нинг нутқи ҳаммани ҳаяжонга солди.

Чўпон болаларига дарс берадиган бу ўқитувчи ишлайдиган мактаб кичкинагина кулбада жойлашган экан. Кулба ҳам биров қаттиқроқ аксирса қулайдиган аҳволда, бунинг устига у ерда на электр, на сув бор экан. Бу «мактаб»да ўқувчилар учун егулик нарсани фақат орау қилишгина мумкинлигини бухоролик ўқитувчи юртдошимиз йиғлаб гапириб берибди. Секция йиғилишида айтилган бу гапларни эшитган — иттифоқимизнинг турли бурчаларидан келган ўқитувчи ҳамкасбларимиз кўз ёшларини тийиша олмабди.

Съезд баҳона мен кўпгина қишлоқ мактабларида ишлайдиган ўқитувчилар билан гаплашдим. Барининг дарди бир, болаларни ўқитиш учун шарт-шароит йўқ, мактабларимиз бир аҳволда, айрим районларда ўқитувчилар етишмайди. Болаларни овқатлантириш ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Бунақада улар нимжон, касал бўлмай, ким касал бўлсин. Шунда беихтиёр ўйлаб қоласан: ҳақиқатан ҳам, болаларнинг айби қишлоқда туғилганими? Ваҳоланки, ўқишга чанқоқ, қобилиятли болаларнинг аксарияти қишлоқдан чиқади.

Амонашвили: Бизда ўқитувчилар зўр бажарувчиларга айланиб қолгани ёмон. Ўқувчиларни бугун биздан, педагогикамиз (!) ва муносабатимиздан ҳимоя қилишимиз зарур. Ҳар бир болага «экологик ёндашув» зарур...

Миллий мактаблар ишини марказдан ҳал этиб бўлмайди. Мактабларимиз миллий бўлишини тилимизга белгилаб бермайди. Ҳар бир мактабда миллий руҳ яшамоғи керак. Агар биз ҳар бир ўқувчига «экологик ёндашмас» эканмиз, ундаги қобилиятни сўндираемиз, самимийликни юлиб ташлаймиз. Агар уларда «ўқитувчининг айтганини қилу, қилганини қилма» фикри туғилса, бу бизнинг фожиамиз бўл-



майдими? Ўқувчилар жуда синчков бўлади. Шунинг учун мактабда ўқитувчилар ўқитиш сифатини яхшилаш учун ҳаракатга тушиб қолсалар, «комиссия келади, шекилли» деб куладилар. Комиссия учун ўтилган дарс билан ҳар кунги дарснинг фарқини ўқувчилар билмайди, дейсизми? Билади. Биз эса бутун маҳоратимизни «меҳмонлар» олдида кўрсатамиз»...

Съезд олдида 4-синф ўқувчиларидан иншо олдим. Уларга иншо қалб дафтари эканлигини, ундаги ҳар бир жумла самимий бўлиши кераклигини тушунтирдим. Иншоларни ўқиб, ҳайратда қолдим. Қизиғи шундаки, 4-синф ўқувчиларининг иншоларидаги самимийлики 9-синф ўқувчиларининг иншоларидан топа олмадим.

Сабаби...

Съездда менга 10-синф ўқувчиси Наташа Новодворскаянинг нутқи жуда ёқди. У мактабда этика, эстетика, санъат фанлари ўқитилса ва «бу фанларни мутахассис олиб борса», деган фикрни айтди. «Бизни, — деди у — гўзалликни кўришга, уни ҳис қилишга ўргатишмаган. Бунда ким айбдор — ўқитувчимиз, ота-оналарми ёки ўзимизми? Шу пайтгача аниқ жавоб топилгани йўқ. Мактабларда икки йилдан бери ЭҲМ фани ўқитилди. Аммо ЭҲМнинг ўзи бўлмагач, унинг назарий томонини ўрганишдан нима фойда? Ўқув программалари ва дарсликларни ҳар бир ўқитувчининг ўзи тузиб чиқса, унга дарсни ўтиш қизиқарли, бизга эса тушуниш осон бўлади. УПК да бир кунлик умримиз бекорга кетади. Шунинг ўрнига бизга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлардан қачон ва қандай фойдаланиш ҳақида лоақал қисқача ўргатилса, яхши бўларди. Ахир укол қилишни билиш учун медицина институтини ёки билим юртини битириш шартми?

Кўпинча юқори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари орасида низо туғилади. Агар юқори синф ўқувчиларига синф раҳбарларини сайлаш ҳуқуқи берилса, шу низоларга чек қўйилармики...

Мени айниқса Р. Биков ва Н. Сацларнинг нутқи ҳаяжонга солди. Улар асосан ўқувчиларимизнинг эстетик тарбияси ҳақида гапирдилар. Ўқитувчи кимдандир «сахийлик» кутиб ўтирмаслиги керак, талаб қилишни ҳам билиши керак.

Энг зўр кошоналарни болаларга бериш керак. Улар санъат масканига келганларини оstonадан сезсинлар. Дарҳақиқат, болаларнинг театрга ўз ҳолларича борганини биласизми? Биз уларни 1-синфдан театрга олиб борамиз. Аммо Ёш томошабинлар театрининг бир соатлик спектаклини кўргач, бола театрга боришга безиллаб қолди. Спектаклни мириқиб кўриш учун шароит ҳам бўлиши керак. Театр биносичи, у болаларда яхши таассурот қолдиради-ми?

Съездда тил масаласига алоҳида эътибор берилди. Она тили дарсларини қисқартириб бўлмаслиги қайд этилди.

Мактабда соф ўзбек тилида гапирадиган ўқувчи, ҳатто ўқитувчини топиш қийин. Шу ўринда телевидениенинг ҳам роли катта. Экрандаги нотиклар тилига ҳеч эътибор берганмизми? Мен ўзбек актёрлари гапирганда ҳайратда қоламан, наҳотки луғат бойлиги шу қадар фариб бўлса? Экран орқали гапираётганларнинг нутқи эътибор берсангиз, шевага хос нутқни эшитасиз. Ўзбек тилига таржима қилинган фильмларда ҳам шевага хос нутқ ҳукмрондир.

Съезд материаллари билан бизга А. А. Дубровскийнинг «Шифокорнинг ўқитувчига очик хати» номидаги китобчаси берилди. Уни ўқиб даҳшатга тушасан. Агар уни «Ёш куч» журнали ўз саҳифаларида эълон қилса яхши бўларди... Биз — ўқитувчилар, ўзимиз сезмаган ҳолда болалардаги турли касалликларга сабаб бўлар эканмиз. Бу касалликларнинг замини уларга бўлган муносабатимиздан келиб чиқади.

Озгина бош қотирсақ...

Комсомол. Бу сўз бир вақтлар жасоратга чорларди, чўққиларни забт этишга ёрдам берарди, туганмас шижоатдан, ўй-хаёлларнинг поклигидан далолат берарди. Бир вақтлар шундай эди... Бир вақтлар. Ҳозир институтда комсомол ходими бўлиб қолсанг борми, ўзинга ёки беғамларча ёки ачинишу ҳамдардик ҳисси билан қараётган нигоҳларга рўбарў келасан. Яқинда бир талаба қиз билан «дилдан» суҳбатлашиб қолдим. У ўзининг комсомолга бўлган муносабатини яшириб ўтирмасдан очиқ айтиб қўя қолди: «Комсомол деганда менинг тасаввуримда значок тақиб, бир даста қоғозни қўлтиқлаб олган ёш бюрократнинг образи намоён бўлади. У бир қўли билан тепада осиглик турган шюорлар ва транспарантларга ишора қилса, иккинчиси билан ақлдан озадиган даражада ниманидир исбот қилишга уриниб, ваъда бериб, нимагадир чорлаб ва кўпинча пўписа қилиб кўкрагига уради». Бу гапларни эшитиб ачиниб кетдим. Ўзимча кўйиниб, бунақа муносабатлар қаердан пайдо бўлаётганини тушуниб етишни ўйлаб бошладим...

«Коммунистик ёшлар союзи — партиянинг қўлидаги асбобдир, у ёшлар оммасини ўз таъсирига бўйсундиради». Бу ифода Сталиннинг қаламига мансуб. Бизнинг ёшлар ташкилотимиз ана шу принцип билан бир неча ўн йиллар давомида яшаб келди. Уни ўзаро муносабатлар принципи бўйича тайёр қоида деса бўлади: қаранг, бир томондан «асбоб», иккинчи томондан «бўйсундирувчи». Кейинчалик эса «асбоб» сўзи ўрнига анча демократроқ атама — «ёрдамчи» деган ифода пайдо бўлди. Принцип бўлса аввалгидек қолди, энди фақат тантанавор сатрларда ёзиб қўйилди, холос: Агар партия «Лозим!» деса, комсомоллар «Баҳарамиз!» деб жавоб қайтаришади. Яқин-яқингинада омма комсомолнинг бўйсундирувчи таъсиридан қутулиш учун тинчсиз қаршиликлар кўрсатиб келди. Қандай шаклда? Аъзолик бадалларини тўламай қўйишди, ҳисоб варақаси ва билетларини йўқотишди ёки улар бепоеён мамлакат бўйлаб қилинган сафарлар чоғида ўз-ўзидан ғойиб бўлиб қолаверди. Аппаратнинг минглаб ходимлари эса уларни қидириб топиш билан машғул бўлишди...

Комсомол обрўсини йўқотди. Аҳволни яхшилаш учун ҳийла-найрангга зўр беришди. Мамлакатда амалга оширилган ҳар бир ишни бевосита комсомолнинг номи билан боғлайдиган бўлиб қолишди. БАМ! Зарбдор қурилиш! Ажойиб ғоя турғилди: уни комсомол ёшлар қурилиши деб эълон қилиш мумкин! Фақат оммавийлик ҳақидаги принципни унутмайлик. «Комсомоллар! Ҳамма ўша ёққа, ҳамма жангга!» Ҳатто БАМнинг штабини ҳам ташкил этамиз! Яқинда билиб қолдик, кимдир Узоқ Шарқни ўзлаштиришга қарор қилибди-ю, бу ишни қандай амалга оширишни эса ўзи ҳам дурустроқ билмас экан: у иқтисодий, ижтимоий, экологик оқибатларини ўйламасдан бу ишга ҳалқнинг миллиард сўмлаб пулини совурди. Нега ўша пайтда комсомол қатъий қилиб «Йўқ», демади, ўйлашмача бу ҳаммага ойдин бўлса керак.

Ҳозир турғунлик даври ва унинг оқибатлари ҳақида кўп гапирляпти. Бу давр ҳали тарихчилар, иқтисодчилар, сиёсатчилар томонидан ўрганилиши керак. Мен эса бугунги кун комсомоли ҳақида ўйлаб қурилиш тақлиф қилган бўлардим. Аввалдан айтиб қўяй: мен ҳозирги кунда пайдо бўлиб қолган ВЛКСМни тарқатиб юбориш ҳақидаги назариянинг тарафдори эмасман, бу ташкилот, албатта, ҳеч шубҳасиз бор имкониятларини тўла сарфлаши лозим. Буни қандай амалга ошириш мумкин?

Комсомоллар ВЛКСМнинг XX съезидан кўп нарсаларни куттишганди. Комсомол фаолиятининг кескин бурилиш даврида катта ўзгаришлар бўлишига умид қилишганди. Афсуски бу умидлар оқланмади. Съезд худди аввалгилари каби гулдурас олишлар, суюқ танқид ва ўз-ўзини танқид, пуч сўзлар ёлғири остида ўтди. Биз газеталарни очиб делегатларнинг чиқишларини ўқидик. Улар жуда кўп нарсалар ҳақида гапирди, айна пайтда (дурустроқ ўйлаб қаралса) ҳеч нарса тўғрисида гапирмагандек туюлади. Ошкораликнинг кераклиги ҳақида, комсомолда қайта қуриш тўғрисида, ҳақиқий демократик ҳаракатларни ривожлантириш хусусида, экономикада ўзгаришларнинг нечоғлик лозимлиги мавзусида... Хуллас, ҳарқалай нима учун комсомол ёшларнинг ишончидан жудо бўлгани ҳақида ҳеч ким оғиз ҳам очмади. Тўхталишда ким конкрет айбдор, шаклбозлик, ташкилотни маъмурийлаштириш, аввалги ҳолатлар қайтарилмаслиги учун конкрет нималар қилиш керак — бу масалалар бўйича гапирилмади. Шундай қилиб, гапирдик, лекин бизнинг совет комсомоллари ҳақида эмас, умумий — қандайдир фалсафий тушунчалар умумлашмаси бўлган, ҳис этилмайдиган, сезилмайдиган, кўринмайдиган комсомол ҳақида гапирдик. Табиийки бунақанги «мавҳум» комсомолнинг душманлари ҳам ҳавоий бўлади: қуролланишни

авж олдираётган империалистлар, ғарб махсус хизмат маҳкамалари, капитализмнинг қора доғлари ва ниҳоят, ўзимиздаги баъзи бир етишмовчиликлар — гўёки бу ҳамма нарсани кўришга улгурмаётганлигимиздан эмиш.

Съезд қарорлари ҳам унчалик айтарли эмас: умумий таъкидлар, умуман олганда ўша-ўша устав ва ура-урчилик руҳидаги ватанпарварлик шюорлари. Тўлиқ баҳо бериш учун етарли вақт ҳам ўтиб бўлди ва далиллашга тўғри келади: съезд бўлди-ю, лекин у қайта қуришга мос эмас, мослашиш руҳида бўлди. У олий партия анжуманига мослаб ўтказилди.

Шов-шув бўлди-ю, ҳаммаси бирдан тинчиди-қолди. Ҳаммаси эскичасига давом этди. Фақат энди ҳар қандай тадбирга ҳам «Қайта қуриш» деган ёрлик ёпиштириб қўйиладиган бўлди. Ҳар қандай оддий қарор ҳам «янгилик фикрлаш» сифатида, ҳар қандай тўс-тўполон ва тартибсизлик «жадаллаштириш» сифатида талқин қилина бошланди. Юқоридан бериладиган буйруқлар ўрнини «Сен ҳали ўзингни қайта турган экан!» тарзидаги «демократик» сафсатабозлик эгаллади.

Комсомол ёшлар ҳаёти билан эмас, ташаббуслар ва ижодкорлик учун деярли йўл бермайдиган ва кўп нарсани таъқиқлаб қўядиган қарорлар ва қоидаларни юритиш билан яшаётган бўлса, бунга ким айбдор? Айбдорлар йўқ! Тўғрироғи улар бор, шубҳасиз, фақат ҳалигидея «умуман олиб қараганда» гина улар мавжуд. Конкрет қарасангиз уларни кўрмайсиз.

Ҳаммаси қоғозлар билан бошланади ва улар билан тугайди. Мамлакатимизда 40 миллиондан ошқ комсомол аъзоси бор, деярли ҳар бир ёш шу ташкилотга мансуб. Бу рақамлардан руҳингиз ўсиб кетади. Қаранг, бизда қанча онгли кишилар бор, мана буни олдинги сафда борувчилар деса бўлади, ғалабалар манбаи ҳам шулар! Ёшларнинг райкомнинг юқоридан белгиланган плани — кўрсатмаси бўйича қандай комсомолга кирганини, дуч келган одамни судраб олиб борганларини (ишқилиб ўтса бўлди) ҳамма билади. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозир ҳам билетини топириб ВЛКСМ сафидан чиқмоқни ўйлаб юрганлар бор. Бу ҳалол ва принципиал қадам бўлган бўларди! Аммо уни қандай амалга ошириш керак. Уставада бу ҳақда бир оғиз ҳам гап йўқ. Фақат қайсидир гуноҳингиз учун ҳайдалишингиз ёки 28 ёшга етишингиз муносабати билан озод қилинишингиз мумкин. Хуллас, биз ўзгаришлар бўлишини кутяпмиз-у, улғувор «ҳамма бўлсин» эса комсомолда ноҳўрларни ушлаб турибди...

Тошкент Халқ ҳўжалик институтининг баъзи студентлари ва комсомол етакчилари очик-ойдин шундай дейишмоқда: «Комсомол» — бир тикинки, қаерда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ўз фаолиятларини яроқсиз қилиб қўйсалар, у билан ўша ердаги тирқишлар беркитилади. Комсомол мажбуран жамиятимизнинг ҳамма фаолият жабҳаларига боғлаб қўйилган — натижада унинг ўз гоёлари, мақсадларини амалга ошириш учун кучи етмай қоляпти. Шундай экан, унинг обрў-эйтибори ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Умумий сиёсий иш юритиш картасида ўз ўрнини белгилаб олиш — комсомолнинг биринчи вазифаси. Афсуски XX съезд бунинг учун аниқ координатларни бергани йўқ, демак, эскисига қараб мўлжал олишга тўғри келади-да! Яқин йилларгача комсомолнинг юзта «шарафли» фаолият йўналишлари бўлгани ҳисоб-китоблардан маълум. Ҳафсала билан қилинган ҳисоб-китобларда эса 300 рақами қайд этилди! Натижа нима бўлди? Нима бўларди, «Комсомол ҳамма ишга алоқадор, у алоқадор бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ!» қабилидаги шюор пайдо бўлди. Айна, конкрет қайси ишларга алоқадор эканлиги афсуски, айтилмасди.

Нега бундай бўлиб чиқяпти? Жавоб беришга ҳаракат қилиб кўраман. Комсомолда ҳаракат тактикаси, илмий назария ва амалиёт йўқ, яна ҳам конкретроқ гапирадиган бўлсак, унинг ўз программаси йўқ. Бундан ўз-ўзидан шу нарса маълум бўладики, у сиёсий ташкилот сифатида жанговар эмас. Ёки бунга қодирмас. Кўплар эътироз билдиришади: УСТАВ бор-ку, унда комсомолнинг мақсад ва вазифалари кўрсатилган, яна КПСС Программаси ҳам борки, унда ҳам комсомолнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гап кетади. Унда маълум бўладики, ВЛКСМ партиянинг қўл остидаги, бевосита унга бўйсунувчи органи экан-да? Қизиқ, унда унинг ўз ҳуқуқлари қай даражада?

Хуллас, программа йўқ. Уставада эса ноаниқликлар ва чалкашликлар жуда кўп. У бугунги кунимизга тўғри келадики? Келинг, аниқлаб олайлик. Мана очиб ўқиб кўрайлик: «Бутуниттифок Ленинча Коммунистик ёшлар Союзи — совет ёшларининг илғор қисмини бирлаштирувчи мустақил сиёсий жамоат ташкило-

ти». Шошилманг! Ҳар қалай мустақилми ёки бугунги кунда биз кўриб тургандай, партиянинг озгина ҳомийлиги остида турувчимиз? Қоиданинг принциплари ва мазмунини аниқлаштириш талаб қилинади. Партия ВЛКСМ аъзоси бўлган коммунистлар орқали ташкилий томондан комсомолга сиёсий ва мафкуравий раҳбарликни амалга оширади. Қарорлар, қонунлар, кўрсатмалар ёрдамда эмас (улар комсомолда шундоқ ҳам тўлиб-тошиб ётибди), ҳатто энг арзимас масалада ҳам ҳар нарса ва ҳамма нарсани назорат қилиб туришигина ўз зиммасига олади. (Ҳозир бўлса комсомол одатдагидек юқоридан нима дейилишини кутиб туради).

Аниқлаштиришда давом этамиз. «Ёшларнинг илғор қисми» дегани нимани билдиради? Сен ўзингни илғор ёки илғор эмаслигингни қайси йўл билан аниқлайсан? Балки бу жуда осондир — ВЛКСМ аъзоси-ман, тамом, демак, илғор, агар аъзо бўлмасанг... Унда бу нарсаларни бошқа бир моҳият билан қандай туташтириш мумкин. Дейлик, атроф-муҳитни ҳимоя қилувчиларнинг ижодий ташкилоти, маданий обидалар ва ёдгорликларни асраш ташкилоти, рок музика ҳаваскорлари, ёки хулиган безорчиликни бостириш бўйича «афғон» командалари — илғори улар норасмий деб аталарди — комсомолнинг югур-югурларисиз, мутлақо ундан мустақил тарзда пайдо бўлди-ку! «Ёшларнинг илғор қисми» ифодаси менга ёш кишиларда ўзини фаришта деб (ёки илоҳий деб) билувчи тафаккурни ривожлантирадигандек таассурот қолдиради. Аиниқса комсомол аъзоси турли хил имтиёзлар — Олий ўқув юртига кириш, партияга ўтиш, чет элга бориб келиш каби қулайликларга эга бўлар экан, албатта у ўзини бошқача ҳис қила бошлайди-да!

Энди комсомол кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласини қараб чиқайлик. Ростдан ҳам ҳайрон қолишга асос бор. ВЛКСМ уставида кўрсатилишича барча бошқичдаги комсомол котиблари у райкомлардан бошлаб — КПСС аъзолари бўлишлари керак. Нима учун? Ахир бу нарса ҳақиқатан ҳам талантли бўлган ташкилотчиларга йўл бермай, чинакам амалпарастларга кенг йўл очиб беради-ку! Генерал бўлишни истамаган солдатни яхши солдат деб бўладими? Тайинлаб қўйиладиган «генерал» эса бундан ҳам ёмон.

Бугунги кунда комсомол бошқарув аппарати формализм туфайли ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотди, юқори-маъмурий ҳўкмдорликнинг кўплаб майда қароргоҳларига айлиб кетди. Олий юксакликдан ёшларга нима кераклиги аниқроқ кўринса керак-да! Пастдагилар ўз муаммолари ичида юқоридагиларни соғиниб қолмасликларни учун, келиб қоғозбозлик қилишга, кўзбўямачиликни амалга оширишга ҳалақит бермасликларни учун улар бу дунёдан милиция постлари орқали муҳофазаланиб олганлар. Мисол учун узоққа чопиб юрмаймиз. Тошкент шаҳар комсомол комитетидея аҳволни айтиб қўя қоламиз.

Ўз салтанатида — ўзи хон, ўзи бек. Бизда шундай бўлиб чиқди. Коллектив фикрнинг сўрамасдан бошлангич ташкилотга юқоридан «ўзиникини» тайинлашди, кўп ўтмай яна қақриб олишди — кўтариш керак бўлиб қолибди. Тошкент Халқ Хўжалик институтидея котиблар шунчалик кўп эдики, уларнинг ҳаммасини номма-ном эслаш ҳам мушкул эди. Шунга қарамасдан ҳеч ким фаолиятсизликда айбланмасди, камчилик учун ҳеч ким жавоб ҳам бермасди. «Мен ҳисобда турмайдиган ходим бўлсам, сизга ҳисоб бериб ўтираманми» — бунақа гаплар очик-ойдин айтиларди. Фақат яқиндагина демократик сайлов асосида озод қилинган комсомол котиби лавозимига иқтисод факультети студенти А. Данишевский сайланди.

КПСС уставида, менинг назаримда ажойиб бир банд бор. Унда айтиладики, агар партия МК навбатдан ташқари (фавқулодда) съездини қақирмас... навбатдан ташқари съездни қақирини талаб қилган ташкилотлар съездини қақирини бўйича партия МК ҳуқуқларидан фойдаланувчи ташкилий комитет тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Балки ВЛКСМ уставига ҳам шундай банднинг киритилиши ўринли бўлар?

Биз қайта қўрмоқчи бўлаётган ташкилот энг аввало ўз сиёсий йўналишига эга бўлмоғи керак. Давлат сиёсатини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда конкрет иштирок этиши, уларнинг замонавий ёшларнинг манфаатларига максимум даражада тўғри келишига эришиши, ҳар хил ҳаваскорлик бирлашмаларини тузиш ва қўллаб-қувватлаб туриш йўли билан ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириши лозим.

Муаммолар кўп, таклифлар ҳам оз эмас. Баъзилар аввало ёшларнинг иккинчи бир сиёсий ташкилотини тузиб, кейин уларнинг қайси бири яхшироқ эканлиги ҳақида ҳўкм юритишни таклиф қилишмоқда. Менимча бу шарт эмас. Ахир формализм у ташкилотга ҳам кириб боради-ку! Қисқа вақт ичида комсомолни маъмуриятчилардан, формалистлардан, амалпарастлардан, боқимандалардан тозалаш керак ва сўздан ишга ўтиш керак.

А. ТЎҚСОНОВ,

Тошкент халқ ҳўжалик институтининг ўқитувчиси.



РЕДАКЦИЯДАН: ушбу мақола билан ВЛКСМ қандай бўлиши кераклиги ҳақида мунозара бошлаймиз...



катта таълим-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни амалга оширади. Уша пайтда Ленинград расомлик институтининг талабаси В. Ситник у ерга эскизлар чизиш учун практикага келади ва Ҳамза билан кўришади. Ҳамза фаолиятини ёритувчи бир нечта эскиз чизади. Чунончи, «Ҳамза Й. Охунбобоев билан», «Ҳамза Зиё Саид билан», «Ҳамзани тинглаяптилар» ва Ҳамзанинг бир нечта кўринишдаги эскизлари шулар жумласидандир. Ҳамзанинг ён томондан олинган ушбу сурат ҳам шоирнинг ўзига қараб туриб (натурадан) чизилган.

Ҳамза 1925—26-йиллар Фарғона областининг Фарғона районида қарашли Аввал қишлоғида яшади. Бу вақт ичида у Аввал қишлоғида мактаб очиб кундузи ўғил ва қиз болаларни, кечқурун катталарни ўқитади. Деҳқонларни тегирмон биносига йиғиб, Ленин ғояларидан гапириб беради. Шунингдек, қишлоқда очкўз ва таъмагир мулла ва эшонларнинг найрангларини фош этади. Суратда — тегирмон биноси. Бу бинода Ҳамза меҳнаткаш халққа тушунтириш ишларини олиб борган.

Ушбу суратда юқоридан пастга томон тушган тор кўча ва «Оқ сув» дарёси устига қурилган кўприк тасвирланган. Ҳамза 1929 йил 18 март кунини сада қайрағоч тагида пойлаб турган икки қотил томонидан ўнг биқинига ханжар урилгандан сўнг тош бўрони остида ана шу тор кўчадан «Оқ сув» томон чопиб тушган эди. Унинг мақсади кўприкдан ўтиб «Шаланг тоғ»га чиқиб кетмоқ эди. Афсуски, бир оёғи кўприк устида ва бир оёғи ерда



Сувратларда қолган лаҳзалар

Таваллудига 100 йил тўлган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва революцион фаолиятига доир «теша тегмаган» маълумотлар кўп. Ҳамза меросида сақланаётган суратларнинг ҳар бирига қараб туриб алоҳида ҳикоялар яратиш мумкин. Мана, улардан айримлари.

Ҳамза чет эл сафаридан 1914 йилда қайтиб келганида йўлда терлама касали билан оғриган эди. У бу дарднинг оғир ва қаттиқ азобларига бардош бериб, вужуди қақшаб, хасталанган кайфиятда бўлишига қарамай жонажон ватани — Туркистонга ошиққан эди. Кейинчалик бу терлама касали Ҳамзанинг бир кўзига таъсир қилиб, уни хаста қилиб қўяди. Шунинг учун бир қанча вақт Ҳамза қора кўзойнак тақиб юрган. Бу фото ҳужжатда Ҳамза дўстлари Муҳиддин Иброҳимов ва Комилжон акалар билан бирга. Сурат остида Муҳиддин Иброҳимовнинг суратни Ҳамзага тақдим этганлиги ҳақидаги ёзуви билан 1915 йил 14 октябрь санаси қайд этилган.

Маълумки, Ҳамза ҳукумат топшириғи билан 1928 йили Шоҳимардонга боради. У ерда жуда

қолиб, абадий уйқуга кетди. Қотиллар, шайх ва эшонлар — диний фанатиклар ва ниқобланган босмачилар уни ваҳшиёна ўлдирдилар.

Ҳамза 1921 йили Қўқон шаҳрида маданият ва санъат арбоблари билан биргаликда юқоридаги қаторда ўнгдан чапга ЎзССР халқ артисти Обид Ҳасанов, Ҳамза, охирида ака-ука Рубиновлар. Иккинчи қаторда ўтирганлар, ўнгдан чапга биринчи Бадриддин Бахтиёров, тўртинчиси Тамаракхоним, пастдаги уч кишининг ўртадагиси ЎзССР халқ артисти Мирқил Миршоҳидов.

Ҳамзага Ўзбекистон Халқ ёзувчиси фахрий унвоний берилганлиги ҳақидаги Ўзбекистон ҳукуматининг Фармони. 1926 йил 27 февраль.

Ҳамзанинг Аввал қишлоғидаги мемориал уй музейга экспонат сифатида қўйилган кийимбоши. Бу музей адибнинг таваллуд топганига 90 йил тўлиши муносабати билан очилган.

Жўрахон УСМОНОВ,
педагогика фанлари кандидати.



Ўзбекистон Иқтисодий Широлар Жумҳуриятининг Марказий Ижроия Комитетининг Фармони.
Ўзбек тилида бир қатор пьесалар ёзиб, репертуяр яратгани, ҳамда улкан адабий фаолиятини назарда тутиб, Ҳамза Ҳакимзодага Ўзбекистон халқ ёзувчиси деган фахрий унвон берилсин.
Ўзбекистон Иқтисодий Широлар Жумҳуриятининг Марказий Ижроия Комитетининг расми.
Илҳом Охунбобоев
Ўзбекистон Иқтисодий Широлар Жумҳуриятининг Марказий Ижроия Комитетининг котиби
Челогузов
1928 йил 27 февраль
Солтқоновнинг ишлари



Фароғат КАМОЛОВА

Ўтаётган умр

Руҳимда ҳамиша паршонлик бор,
Қайталаб сўрайман бир саволимни.
Ўзим ҳам тушунмоқ истайман бекор
Туманда сузгандай сархуш ҳолимни...

Ҳар лаҳза номаълум жумбоқдай келар,
Гоҳ ортга, гоҳ олдга жим интилгандай.
Кўз тушмас жойларда гўё идрокнинг
Ениқ гавҳарлари унутилгандай.

* * *

Ранжимадим дўстимдан ҳам, душманимдан ҳам,
Бир дардли куй сеҳри билан яшадим гўё.
Истакларим нари қилди гуноҳсизлардан.
Художўйлар гуноҳини кечирди худо.

Муҳаббатнинг номи билан қўшиқлар битдим,
Фақат улар тўлдирсин деб бахтнинг камини.
Дўст-душманнинг гуноҳидан мен бирдай ўтдим,
Ва тушундим шундай яшаш бахт эканини.

* * *

Булутларда сарсон нигоҳим,
Юзларимдан оқди ёмғирлар,
Кўзимдаги сурагингизни
Томиб-томиб, қалқди ёмғирлар.

Дарахтларнинг шохлари оғир,
Менинг эса оғир хаёлим.
Узоқ кунлар бир сўрмадингиз,
Энди рақиб сўрайди ҳолим.

Е сизни деб кетарман бундан,
Е қуригар еллар ёшимни.
Умрим ўтар, ҳали кўтариб
Улгурмасдан эгик бошимни.

Учрашув

Ҳамма нарса ўзгаргандай: кийиминг,
сўзинг...
Овозингда нотаниш мунг, босиқ дил розинг.
Гўё ички дардларини очгандай энди
Ҳаётингнинг фожиаси — мағрур овозинг.

Лабларингда табассумнинг қотган сурати
Сўздан олдин айтар қалбинг изтиробидан.
Кўзларинг ҳам бир ўт билан ёниб туради,
Ҳозиргина узилгандай ишқ китобидан...

Савол

Сенинг йиғлаганинг — дард чекканингми?
Ўзингдан бир қадам чекинганингми?
Таскин сўрганингми?
Қийналганингми?
Билмам, топганингми, йўқотганингми?..

* * *

Нега ахир тўлмайди кўнги,
Тарк этмайди бу мажхул титроқ?
Тома-тома тугаётган ул
Нима ўзи? Недан бу фироқ?

Нега менинг тақдиримга ҳам
Таҳдид қилар бу сас, жим садо?
Нураётган у қандай асос,
Унутилган қайси ибтидо?

Кўзларимга ботибди осмон —
бир ҳаётий қалқмаган тўлқин.
Яна чорлар ва сўрайди жон
Тин билмаган ҳаракат учун.

Шамолларнинг энтикишидан
Тўкилади сўнги япроқлар.
Тарк этмаган оғриқдай дилда
Из қолдирар эски титроқлар.

* * *

Қанча юксакликка интилса қалбинг,
Шунча чуқур бўлар жароҳат изи,
Гўёки жароҳат баланд дарахтнинг
Қалбга чуқур ботган ҳаёт илдизи.

Қанча олисларга чорласа юрак,
Шунчалар яқиндан келар овози.
Гўёки энг яқин кишингга бир кун
Шивирлаб айтилган дилингни рози.

Ойнинг сайри

Ой эгилиб қарайди секин —
Дарахтларни кўрар жим турган.

Яна пастроқ эгилади ой —
Қарар очиқ деразалардан.

Сирли ёнар ердаги тошлар —
Ой изида қолган нурланиш.

Жимирлайди кўлларнинг юзи,
Вағридаги шугъладай таниш.

Қачонлардир тарк этган юртин
Кезиб юрган қизга ўхшар ой.

Таъқиб

Елкамда қўлларинг юк бўлиб қолди.
Доим таъқиб қилар хира бир хаёл:
Гўё дардларини ташлаб бўйнимга
Оргимдан қолмайди сен севган аёл.

На қувонч сурони, на дард сурати,
Кўнглимга ҳеч туйғу ташламас соя...
Билмайман, дилимнинг қайси ҳолати
Сенинг қиёфангдан излар ҳимоя.

* * *

Кўзларинг қувонса,
Учқунлар сочилар йўлларга гулдай.
маънос тортсанг азар,
Кўзларинг кўринар тиниқ бир кўлдай.
Кўзларинг илтижо қилсалар азар,
Унинг нолаасидан жонлар адодай —
Дунё эшигида бош уриб турган
Икки гадодай.

Сен агар...

Сен агар шоҳ бўлсанг, бўйин эгар халқ,
Истаб кўтармайди ердан бошини.

Сен агар қаландар жуббасин кийсанг,
Одамлар беради сўнги ошини.

Сен агар йўлбошчи бўлсанг мабодо
Ҳеч кимса эргашмас соянгдан ўзга.

Сўз ишқи

Иўқ, бизнинг умримиз йилларга эмас,
Дардли қўшиқларга ўлчаб берилган.
Бизга вақт туйғуси таъсирчан дилнинг
Оғриқ сезгисига ўхшаб берилган.

Одамлар бахт дея етган манзилдан
Бошлаган эдикми бу қийин йўлни?
Ҳаммани юпатган муҳаббат нечун
Тинсиз ўртайверар саргашта дилни?

Бизнинг-чун тақдир ҳам ҳеч асоссиз гап —
Севгининг ўрнида сўзни танламоқ.
Хатто энг бахтиёр кунларни яшаб.
Энг дардли қўшиқча айланмоқ.

Тарих

1. Ғолиб

Қоронғу хонани ёритар хира
Қора чироқ. Дафтар ва қалам.
Замонининг барча асрорин
Тафтиш қилиб ўтирган одам.

Излагани ҳақиқатмикан?
Муаррихми ёки донишманд?
Ҳозир унинг фикри ёдини
Сирли кўчирмалар қилган банд.

Қўлларида қадимий қилич,
Эҳтиётсиз синдирмасмикан?
Е халқига ҳақ сўз қиличин
Мерос қилиб қолдирармикан?

2. Акс-садо

Сарғайган китобнинг варақларида
Ботирлар дам берар учқур отига.
Маъбудалар йўл топар, сўзлар ном қўяр
Энг улғу халқларнинг рақобатига.

Карвонлар ўтган йўл. Изи йўқолган.
Қонлар тўкилган ер. Тилсимли тупроқ.
Фақат жим судралган жим садо қолган —
Кишанлар жаранги — яқин ва йироқ.

3. Орқама-орқа

Боши эгик ёлғиз йўлчини кўрдим,
Қочиб борар эди ўз нигоҳидан.

Кетаётган беш-ўн одамни кўрдим,
Улар диндан қайтган — жим оллоҳидан.

Бутун элни кўрдим — тилин унутган,
Чиқиб бораётган энди еридан.

* * *

Бир-бирдан фарқ қилмас кунлар,
Товушларнинг бир хил такрори.
Дарахтлардан барглар тўкилар —
Ўтаётган лаҳзалар зори.

Шамолларнинг борар жойи йўқ,
Ўтолмайди ўтган кун билан.
Йўл ишқида бир йўлчи хаёл,
Кетолмайди кетган йўл билан.

Соя солар олис уфқлар,
Қуёш тортар юзига Ғарбни.
Қора босиб келади бир тун,
Эза бошлар нимадир қалбни.

Кўзим — зиндон кўрганларимга.
Кўзларимни беркитаман жим.
Қабоғимга номаълум қушининг
Қанотлари тегар мулоийм.



Венера ИБРОХИМОВА



Дала гуллари

Қалбимга яқиндир дала гуллари,
Чорлар беилтифот, кўзга ташланмай.
Бошлаб келар экан сўқмоқ йўлларим,
Кемтик дилим қолар ортиқ ғашланмай!

Феълимдек кенг осмон,
Юлдузлар яқин —
Сирлашсанг бўлади то тонгга қадар.
Ешариб кетасан,
кўзингда чақин,
Сўзингда ўт,
Бунда қолиб кетсанг гар!..

* * *
Сени далаларга олиб кетаман,—
Зеби-зийнатларга банди бўлибсан.
Ортиқча ташвишлар ичра кўмилиб
Меҳрни ўзингдан йироқ билибсан.

Беғубор болалик чоғларни эслаб
Майсаларда ялангоёқ чопамиз.
Сохта сиполикни бир четга ташлаб,
Содда туйғуларни излаб топамиз.

Йўқ, сен аввалгидай қолишинг керак.
Уз-ўзингни қийнаб яшамоқ нечун?
Узни тўқис дея атаган чоғда
Сезиб турайлик-да меҳрнинг кучин...

Сени далаларга олиб кетаман.

* * *
Хайрлашиб кетди турналар
Гўё қолди юрагим бўм-бўш.
Мезонлардай хаёл чувалган,
Якка ўзим кезаман нохуш.
Кўримсизми бу боғлар азал,
Шабоданинг йўқми ифори?
Сукунатга жон бағишлаган
Қушлар куйин тутар хумори.
Йўқ, асир атолмайди дард:
Сезаяпман юракнинг кучин.
Қувончларни авайламоқ шарт
Турналарнинг қайтмоғи учун...

* * *
Эрк истаган эди хаёлларим,
Шунчалик имконлар бор экан, қаранг!
Ўзим жавоб топдим саволларимга,
Бу ерда тортилмас асаблар таранг.

Хайқиргим келади овоз етганча,
Сўнг қўшиқ айтмоқни истаб қоламан.
Ўзни тугиб олган ўттиз ёшдамас,
Ташвишлардан йироқ қувноқ боламан.

Сабабин излайман, аммо билмайман,
Рухимга енглик қайдан қуюлар?
Энди беҳудага қалбни тилмайман,
Яшамоқ бир тотли, гаштли туюлар...

* * *
Қалбга қувонч бўлиб кирганлигинг рост,
Эрта ҳали уни бахт деб айтишга.
Балки ўйларингга эмасдирман мос,
Балки тўғри келар йўлдан қайтишга.

Қалбимнинг боғлари кеч гулламоқда,
Лоқайд боғбон каби эрмак этмагин.
Гулларим сўлдириб, гулшан ўрнида
Армонлар тўшаб тарк этиб кетмагин...



Каромат ДУСТМАТОВА

Менинг онам

Менинг онам тандир ёнида
Эл-улус деб нон узган Аёл.
Тили узун бўлсин, боламнинг
«Узун тил» деб сўз узган хаёл.
Ғамғузори, ўчоқ бошида
Қайнатаркан, рўзгор қозонин
Қуриган ток синади «чарс-чурс»,
Виз кўрмаймиз ғийбат тўзонин.
Гирифторим, оғил ёнида
Юлдуз санаб тонг кутган онам.
Ҳомиладор ой кўнглин олиб
Челагида сут тутган онам.
Оҳу-зорим эшиги очик
Кафтида сув тутқазган жоним.
Қишлоқнинг чанг йўлакларига
Шафқат гулин ўтқазган жоним.
Менинг онам, моҳ менинг онам
Майсаражон, Майсарабону,
Сурма буви алқайди кун-тун:
Мусофир ой исинган жон бу.
Майсараой, Майсарабону...

Розияга мактуб

Шом келди. Қовоғи солиниб Қуёш
Кетиб қолдимикин Гончига томон.
Утаётган кунлар, кундузлар ювош
Тергамай қўйди-ку бизларни имкон?!
Кечки шабаданинг нафаси тегиб
Лоҳас дарахтларнинг жонлари кирар.
Ҳовлиқма дарпарда юз бор эгилиб,
Сен билан кечирган кунларни сўрар.
Юрагимни ечиб юборар Қувонч
Қоғозга ўрайман соғинчларимни.
Соддадил конвертдан топаман ишонч
Бериб юбораман илинжларимни...



Қимматхон
МАМАЖОНОВА

Она Ерга шукрона

Боғларнинг бағрида ҳорғин сукунат,
Мудроқ новдаларни жўнжитар қиров.
Япроқнинг қовжироқ кўксини босиб
Хогиржам йўл юриб кетмоқда биров.

Бепаноҳ хазонга айланиб бугун
Ерга урганича пешоналарин.
Барчанинг пойида кўкси ситилиб
Етган япроқларда менинг дардларим.

Билмадим, қисматга нелар битилган
Қанча, қандай кунлар ҳали олдинда,
Ниҳоят, япроқдай бепаноҳ эмас
Мен мангу қоламан сенинг бағрингда.

* * *

Дарахтларни босмоқда қайгу,
Йўқотади осмон рангини.
Бўғилади нозик япроқлар
Юта-юта йўллар гардини.

Пўст ташлайди шўрлик дарахтлар
Япроқларнинг бари меҳмондир.
Иссиқ гўша излаб қушчалар
Кетиб қолишлари аёндир.

Ҳавас қилса арзир дарахтга
Кек сақламас, қилмайди таъна.
Кўклам қайтиб келган қушларга
Жой беради бағридан яна...

Дўстимга

Яқин олиб мени кўнглиннга
Ҳасрат билан келибсан бугун.
Яхшироқ боқ ўнгу-сўлингга
Сендан ўзга дардсиз йўқмикин?

Адашдингми, инсон умрининг
Йўлларида йўқ деб ҳеч ғубор.
Ҳасратларинг тўккан кишининг
Сеникидан кўпроқ дарди бор...



Ойдин ШУКУРОВА

Бухоро

Шамол яшар харобаларда.
Ҳар тепада кезар хаёлдай.
Миноралар ернинг қағридан,
Келаётган нуруний чолдай.

Шошилиндда сени унутиб,
Тўда ўтар гуррос ва гуррос.
Фақат тунлар сенинг бошингдан.

Мозорларинг энг осуда жой,
Ғалвалардан йироқдай ётар.
Тонгда эса болаларингни,
Баҳодирлар руҳи уйғотар.

* * *

Энди мени ўз ҳолимга қўй,
Ғийбатлардан, ёлғондан бездим.
Мен сенингмас, ўзимнинг ҳозир.
Пастлашаётганимни сездим.



Кетмончининг меҳнати қадрсиз...

Яқинда мен журнал саҳифасида Зафар Саидовнинг «Ким бўлсам экан» номли мақоласини ўқиб қолдим.

Эртасига эрталаб кўлимга кетмон олиб эгат оралаганимда эса юрагимни бириктириб тирнарди. Бу ҳақиқатни рўй-рост гапириш изтиробиди эди.

Мазмундор бу мақоланинг қоқ ўртасида қавс ичига олиб ёзилган... (гарчи ҳозир кетмон ишлатилмасам ҳам...) деган ибора шаҳарликларникини билмадим, бироқ қишлоқдаги одамларнинг кўнглини ранжитади.

Ўйса ердан униб чиққандан то чеканка давригача йигит-қизларимизнинг кўлида кетмон, эрталабдан то оқшомгача ўйса пайкаллари оралиди. Бу хиёбон оралаш эмас, ўйзани бегона ўтлардан тозалаш ва қуюқ бўлиб қолган жойларини сераклатиб ягана қилиш демасдир. Ишонмасангиз айтиш шундай паллада далага чиқинг, у ерда нималар бўлаётганини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Айтиш-чи, олимларимиз қачон, нечанчи йили деҳқонларимизнинг ишини энгил қилиб, ўйзаларни беҳато чопиқ ва ягана қила оладиган тракторлар ишлаб чиққан? Шундай тракторлар ишлаб чиқаётган новаторларга эса эътибор берилмапти. Эсимда, 1988 йил 4 июнь кунини Ўзбекистон телевидениесининг «Ахборот» программаси орқали бир киши ўйзани ягана қиладиган трактор ишлаб чиққани ҳақида гапирди. Аммо, минг афсуски, олдимишдан оққан сувнинг қадрига етмаганимиздек, бу кишининг ишига ҳам юқоридаги мутасадди «бошлиқ»лар лоқайдлик билан қараётганликларини куюниб гапирди. Новаторларга муносабат шундай кетаверса, ҳали кўлимиздан кетмон тушмасам керак.

Ўтган йили 10-синфни битириб ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетига кириш учун имтиҳон топширдим. Аммо, омадим чопмади. Мандат комиссиясидан ўтолмай уйга қайтдим. Ҳозир эса кўлимда кетмон. Вилманки, бу кетмон кўлимдан яна кўп йиллар тушмайди.

Абдусамад ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё область, Қамаша райони
«Коммунизм йўли» колхозини аъзоси.

Ҳаёт курашдан иборатдир!

Азиз опа-сингиллар, покиза, оқида дугоналар, матбуот хабарларига кўра республикамизнинг ўзидагина бир йилда 270 та хотин-қиз ўзига ўт қўйган. Бизнинг Қашқадарё областимизда эса уч йилнинг ўзида 88 нафар. Ўз жонига қасд қилиб тирик қолганлар орасида ногирон бўлиб умрбод азоб чекадиганлари қанча, эҳ-ҳе! Нега кейинги вақтларда хотин-қизлар ўртасида ўзини ёқтиш кучайиб кетди? Нега бизнинг онгимиз шу даражага етдики, қийинчиликлар, арзимас сабаблар олдида ўлимни афзал кўряпмиз. Даҳшат! Қурбон бўлган, жароҳатланганлар орасида биз тенги ўқувчилар ҳам борлиги айтишга ачинарли. Фикримизнинг далили учун бизнинг Ульянов районидаги Ҳамза, Крупская номли мактаб 5—6 синф ўқувчиларини олайлик. Улардан бири «Тухмат қурбони» бўлса, иккинчиси пионер вожатийнинг танбеҳи билан ўз-ўзига ўт қўйди. Ҳозир бу ёш қизалоқларнинг ота-оналари қай аҳволда экан? Боболаримиз «Отам-онам деб йиғламоқ фарзандга қарз, лекин ҳеч бир ота-она болам демасин. Ҳеч ким фар-

занд доғини тортмасин», дейишади. Инқилобдан олдинги хотин-қизлар ҳаётини олайлик. Улар сабр тоқатлари билан неча йиллаб қаро чиммат остида, қанча қийинчиликларни энгиб яшаганлар. Уларнинг иродаси ва қатъияти бизларга ҳаммаша ўрнак бўлиши керак. Негаки ўлган бўлиб кетаверади. Эй, сиз ўзини ёқмоқчи бўлган аёл! Бир зум қизалоқингизни ўз ҳолингизга тушиб, гугурт чақмоқчи бўлаётганини тасаввур қилинг. Энди гугуртни ташлаб бир лаҳза ўйлаб кўринг. Ўзингизни ёққандан кўра, сизни ўлимга етаклаган омишларга қарши курашишингиз қизингизнинг келажаги учун яхши эмасми?! Ҳаётимиздаги тўсиқларни энгиб яшашимиз керак. Ҳаёт курашдан иборатдир.

Х. САФАРОВА.

Янгича фикрлайлик!

«Мардикор бозори» номли мазмундор мақола эълон қилинибди.

Мардикор бозори деган сарлавҳани ўқиб қадимги «қуллар бозори» ёдимга тушди, лекин ҳозир замон бошқача.

Участка бошлиғи милиция майори Аловиддин Сидиқалиев «Бизнинг вазирамиз «Мардикор бозори»нинг аҳволини яхшилаш эмас, жиноятга қарши курашдан иборат» дебди. Бозорнинг аҳволини яхшилаш кимнинг вазирамиз? Ахир унга қаторлар очиб, мардикорлар қатори, сувоқчилар, дурадгорлар қатори деб ёзиб қўйилса шунчалик тўполок бўлмас, шу билан жамоат тартиби ҳам сақланар эди-ку.

Турғунлик даврида шаклланган маъмурий-бўйруқбозлик усули ички ишлар органларига шунчалик сингиб кетганки, қайта қуриш деган янгича фикрлаш уларга яхши етиб бормаяпти. Бўлмаса, ўша бозор қаромғида бўлган ички ишлар органлари район ижроия комитетига жамоат тартибини сақлашга даҳлдор ўзгаришлар ўтказишни маҳаллий советлар олдида вазирамиз сифатида қўйиши мумкин эди-ку?! Йўқ, ички ишлар органлари фақат итбат қилишга, бўйруқни кўр-кўрона бажаришгагина ўрганиб қолишган.

Журналингиз ёзганидек кооператив тузиш керак, лекин улар ҳам халқ ва давлат назоратида бўлиши керак.

Абдумалик МУСТАФОВ.

Демократияни тушунтириб беринг...

Мен — 1969 йилда Қашқадарё область Ғузор район Киров номли совхознинг Янзикент қишлоғида туғилганман. Ота-онам иккаласи ҳам олий маълумотли мутахассислар. Мен 1986 йили ўрта мактабни тамомладим. Отам ўша йили қамалди.

1982 йил декабрь ойи эди шекилли, ота-онам ҳам ишда эдилар, уйимизга милиционерлар келиб бизнинг кўз олдимизда уйни тинтиб кўрдилар, бизлар қўрқиб турганимизда «отанг катталарнинг топшириғини бажармаганлиги учун қамаймиз», деб айтишди. Ота-онамлар ишдан қайтишгандан кейин бўлган воқеани айтдик. Нима сабабдан ўша вақтда топшириқни бажармаганлиги учун отамни қамаймиз деб қамашмади? Отам ишлаб юрди, бундан чиқди ўша йилларда у катталарнинг айтганини қилишга мажбур бўлган эканми? Мен ҳозир кўп нарсага тушуниб қолдим. Бу тўғрида газета ва журналларда очиқ-ойдин ёзилмоқда. Онам юқорига кўп мурожаат қилганлиги туфайли 1987 йил

25 февралда отам мажбурий меҳнатга ўтказилди. Отамнинг соғлиги яхши бўлмагани учун бизлар бориб қарашиб турдик. 1988 йил март ойида қайтиб келдик. Шундан сўнг онам ишлаш учун Киров номли совхоз директори Р. Ражабовга мурожаат қилди, директор онамга отамнинг қамалганлигини таъна қилиб иш бермади. РАПО раиси, райком секретарига мурожаат қилганларида ҳам шу гапни айтишибди, шундай дейишлари тўғрими? Раҳбарларнинг онамга айтган гапларига кўра бизнинг келажақда ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга отамнинг ноҳақ қамалганлиги таъсир қилар эканми? Шунинг учун онам бизларнинг келажагимизни ўйлаб отамдан ажралишмоқчи. Ҳақиқатан отам айбдорми? Нега бизлар кимлардир қилган хатолар учун бугунги кунда ота тарбиясидан маҳрум бўлишимиз керак? Мен отам қамалганлиги учун олий ўқув юртига ўқишга боролмадим. Оилада катта фарзандман. Онамга қарашдим. Мен демократияни тушунишни истайман. Лекин оиламиз тақдирда демократияни ҳис қилолмайман. Йиқилган одамни босиб ўтиш демократияга қарадимми? Менга жавоб топиб беринглар!

Феруза ЖАЛИЛОВА.

Йигитмисан, номингни оқла!..

Яқинда район марказига кетаётган автобусда бир ноҳуш воқеага гувоҳ бўлдим. Автобус эндигина қўзғалган пайтда икки йигит шошиб чиқди. Йигитлардан бири орқа ўриндиқлардан бирида ўтирган ёшгина қизнинг ёнига бориб чўкди. Иккинчиси унинг ёнига тик туриб олди. Автобус қўзғалиши билан, ўша ўриндиқдаги қизнинг ноҳуш қичқиргани, жаҳл билан айтган ҳақоратли сўзи эшитилди. «Қўлингизни торт, аҳмоқ!» — дейилган овоздан ярқ этиб орқамга қарадим. Ҳалиги беярашиқ кийинган йигит қизга шилқимлик қилаётган экан. Атрофдагиларнинг аччиқтизиқ гаплари ҳам йигитга таъсир қилмади. Йигит уларни ҳам осонгина жеркиб ташлайверди. Бир пайт автобус навбатдаги бекатга етиб келиши билан қиз шошиб турди-ю, йигитнинг кўндаланг қўйилган оёғига қоқилиб, автобус ичида юзтубан йиқилди. Ановилар шарақлаб кулиб юборишди. Ҳамма уларга нафрат билан қаради. Автобусдаги эрақ зоти нафратомуз тикилишдан бошқасига ярамади. Шундай пайтларда йигит бўлиб туғилганимга пушмон ейман. Йигит зотиға номуносиб иш қилганларга нафратим кўзийди. Менин бу гапим чиллаки йигитларга ёмон таъсир қилиши мумкин. Лекин, йигит бўлиб туғилган аввал ўзини, кейин бошқаларни ҳимоя қила олиши учун ҳам жисмоний чиниқиши шарт!

Рисолат МАЪДИЕВА,
Қашқадарё область, Ғузор районидаги
34-ўрта мактаб ўқувчиси.

Ҳар кимга тақлид қилавермайлик!

Тенгдошларимизнинг кўплари жуда ғалати. «Мода бўлган» дейишса, ҳатто итнинг терисини ҳам ёпинволишади. Кейин ўзларини замонавий ҳисоблаб шод-хурсанд юришади. Тўғри, модага мувофиқ кийиниш замонамизга фазилат, лекин баъзи «замонавийларни» кўрсангиз ҳуркиб тушасиз: сочларини кўрса, эртақлардаги ялмоғиз ҳам бармоғини тишлаб қолади: алламбало рангларга бўялган патила-патила. Энгиларидаги ки-

йимда кўзойнак таққан алламбало кимсаларнинг суратими-ей... Шу матоҳларни кийволиб кўчада сал букчайиб, қўлларини ён тарафга кериб, беўхшов юриш қилиб кетаётган йигитларимизни кимларга ўхшатиш мумкин?! Шуми мода? Шу ҳам замонавий кийинишми?! Бу уст-бош билан маданий дам олиш уйларига, истироҳат боғларига эмас, қўпол бўлсаюм ўрмонга маймунлар билан дўстлашишга бориш керак! Фақат маймунлар қочиб кетмаса бўлгани.

Оқ кўйлак, яхши дазмолланган костюм-шим кийиб галстук таққан, сочларини ўрта-миёна қирқтирган йигитларимиз қайда-ю, палапартиш кийинган «современный»лар қайда? Пала-партиш кийиниш палапартиш ҳаёт кечиретишга, палапартиш дунёқарашга асос солади. Бунақаларда оилага масъулият, бола тарбияси учун қайғуриш, ота-она олдидидаги бурчини ўташ туйғуларини занглаб, йўқ бўлиб кетади. Шуниси хавфли холос...

Раъно САЛОМОВА.

Истагим...

Наманган область, Чортоқ районидаги 115-мактаб интернати ўқувчилари журналга ёзган очик хатда ҳозирги давримизда етилиб қолган муаммолар ўртага ташланган. Энди бу хатга жавобан амалий тадбирлар белгиланса яхши бўлар эди.

Ҳақиқатан ҳам нафақат бадиий адабиётда, балки фан соҳасида ҳам ўзбек тилида китоблар нашр қилиш камайиб кетди. Бу эса ёш китобхонларнинг билимга ташналигини сусайтириб юборди. Шуниси ачинарлики, кўпгина китоблар ўзбек авторлари томонидан рус тилида чиқмоқда. Истардимки, ўзбек тилида чиқадиган дарсликлар кўпайтирилса...

Ҳаётжон СОДИҚОВ,
Фаргона область, Охунбобоев район,
Ленин номли колхоз аъзоси.

Тақдир экан...

«Еш куч»даги «Сўнги чора...» деган мақолани ўқиб, бу қизга ачиндим, чунки унинг ҳаёти меникига жуда ўхшар экан. Бизда онам касалхонада ётиш даражасида эмасу, лекин қаттиқроқ жанжал бўлса юраги санчиб қолади.

Оиламизда фақат отам эмас, онам ҳам уруш қилади. Яқинда акам армияга кетади, отам уруш қилгани-қилган, шунинг учун 10 кунча бўлди, акам уйдан чиқиб кетган, кечаси бирров келиб кетади.

10-синфда ўқиялман, оилада бешта фарзандимиз. Отам дастидан биттаси нобуд бўлган. Менинг отам ҳам кечалари ухлатмай, онамни уриб чиққан кунлари бўлган. Мен ҳам Ойгул каби мактабдошларимга, ўқитувчиларимга оилавий шароитимиз ҳақида айттолмайман. Лекин сирдош дугонамга айтиб тураман.

Отам 50 ёшга кирган, 60 яшар «ўйнаши» бор, ойлиги 200 сўм, лекин уйга бир тийин ҳам олиб келмайди. Онам бақирса 3—4 сўм беради. Ҳамма каби кийинолмаймиз, ейишни гапирмаса ҳам бўлади. Мана, 3 кундан буён овқат қилганимиз йўқ. Мен ўзимга ачинмайман, умримда бирова яхшилик қила олмаётганимга ачинаман.

«Қиз болани ёшлигида отаси урдими, турмушга чиққач ҳам бахтини тополмайди», дейишади доно халқимиз. Шу сабабли турмушга чиқишдан ҳам қўрқаман. Юрак-бағрим қон бўлиб кетган. Ававлари меҳрибон эдим, ҳозир эса тез жаҳлим чиқадиган, қўрс бўлиб қолганман. Қўрс қизни ким ҳам яхши кўрарди. Мен ҳам Ойгул каби бир неча марта ўзимни ўлдирмоқчи бўлганман, бир неча марта уйдан чиқиб кетиб, кечки пайт кириб келганман. Мен ҳам худди шу «иродасиз» деган сўздан қўрқаман. Оиласида бундай воқеа бўлмайдишлар барибир тунунмайди. Мен бу қизга тушундим, ҳақиқатан ҳам яшаш қийин. «Иродасиз» деб айбланаётган марҳумлар «иродасиз» эмас. Мен

ҳам баъзан ҳеч нарсани билмай қотиб қолам.

«Бир кун уруш бўлган уйдан 40 кун баракча қочар» деганларидек уйимизда тез-тез пул бўлмай қолади, ҳатто нонга ҳам топа олмаймиз. Эҳтимол, Ойгулнинг оиласида ҳам шундай бўлиб турса керак. Нима учун буларга давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилмайди? Узини ўзи ўлдирдишлар асосан қишлоқларда бўлади, чунки улар барибир шаҳарликларга қараганда ақлий томондан пастроқ. Уз қадрларини билишмайди. Мен ҳам қишлоқиман. Шунинг учун менда шундай тушунча пайдо бўлгандир. Балки шаҳарликлар бошқача ўйлар.

Мен химияга ниҳоятда қизиқаман, лекин китоб олишга пул йўқ, шу сабабли китоб совға қилишларингизни жуда истардим, бир умр миннатдор бўлардим. Яхши химия китоби совға қилинлар, илтимос. Редакция! Адресимни ёзманг, исмиمنى ёзинг, лекин фамилиямни ёзманг. Ойгул, сен менга хат ёз!

Малоҳат,
Тошкент области.

РЕДАКЦИЯДАН: Малоҳатга редакция орқали хат ёзишингиз мумкин, хурматли журналхонлар!

87 ёшли чолнинг арзи

Салом «Еш куч»! Мен бу журнални ўқиб, дунёда ҳақиқат бор экан, ҳаттоки область раҳбарлари, ички ишлар ходимлари ҳал қилолмаган ишларни ҳал қиларди деб сизларга тан бердим. Мен сизларга илтимос билан мурожаат қилмоқчиман. Биринчиси — дадам уруш инвалиди, бир оёқларидан яранганлар, 1966 йил Косон районида учётдан чиқарганларидан «Ҳарбий билет»лари йўқолган, шу пайтгача топилмади. Бу ҳақда ёзмаган жойимиз қолмади. Дадам 1902 йили туғилганлар, бир тийин нафақа олмайдилар, 1979 йил иккала кўзлари ҳам ожиз бўлиб қолди. Кўзлари ожизлиги учун ҳам ҳеч қандай моддий ёрдам олмайдилар. Улар аямнинг 61 сўм пенсияларига кун кўришарди. Қаерга мурожаат қилмайлик, барибир бефойда.

Мана энди турғунлик йиллари ортда қолди, ҳақиқат қарор топар деган умидда сизларга хат йўллайман. Илтимос, ёрдам беринглар. Ишонмасанглар, мана отам хатини ўқиб кўринглар:

«1941 йили Самарқанд область театрида ишлаб юрган пайтимизда Каттақўрғондан бизларни фронтга жўнатишди. Ававал Москва — Меткарно деган жойда хизмат қилдим. Москва орқали Сталинградга отлиқ разведкачи қилиб жўнатиладим, кейин урушга кирдим. Ворошиловград мудофаасида турдим. 1943 йил августда чап оёғимдан яраланиб, Ғарбий Ворошиловград, Саратов область, Энгельс шаҳар госпиталида 8 ой довландим. 1944 йил урушга яроқсиз деган ҳужжатлар билан уйга қайтдим. Медаль ва орденларим жуда кўп эди. Хизмат қилган адресим: 3 — Белоруссия фронти. 54-гвардиячи дивизия, 162-полк. Энгельс шаҳар, госпитал номери: 53—34, шу адресда госпиталда довланганман. Ҳарбий билетимни 1966 йили йўқотдим. Ҳозир фақат «За отвагу» деган медалимнинг гувоҳномаси бор. Медаль номери — 360671.

Умид билан Сизлардан жавобини кутиб қолувчи 87 ёшли уруш инвалиди

Шукрулло МАЖИДОВ,
қизлари Назира МАЖИДОВА,
Қашқадарё область, Қарши шаҳар,
Авангард кўча, 14-уй.

РЕДАКЦИЯДАН: Табаррук отахоннинг мазкур аризага УзССР Ҳарбий комиссариати ва республика Социал-таъминот министрлигидан тегишли жавоб кутиб қолар эканми, инсоннинг оддий ҳуқуқлари поймол этилган турғунлик даври фожиялари қайта қуриш даврида давом этмаслигини истаб қоламиз.

Ҳаётга тайёргарлик

Бизнинг мактабда ўз-ўзини бошқариш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ҳар жума кунлари «Учком куну» ва «ўз-ўзини бошқариш» кунларини ўтказялмиз. Шу куну раис Гулчеҳра Солибоева билан бирга учком аъзолари рейдага чиқадилар. Барча синфларда машғулотларни ўқитувчилар ўрнига ўқувчилар олиб борадилар. Дарсларни учком аъзолари кузатадилар. Кузатишлар натижаси мактаб радиоузели орқали ўқиб эшиттирилади.

Ўзлаштириши, давомати, хулқи ёмон ўқувчилар учком мажлисида муҳокама қилинади. Намунали ўқувчиларга эса ташаккур билдирилади.

«Ўз-ўзини бошқариш» мактабимиз ҳаётида яхши самаралар берапти. Мактабимиз ўқувчилари ўз-ўзини бошқаришга ўрганиш орқали қайта қуришга ҳисса қўшишга тайёрланмоқдалар.


Наманган шаҳридаги 13-мактаб битирувчиси
Муҳайё АКБАРОВА.

Ўқувчилар қоидасини унутмайлик

Ҳозирги ўқувчилар илгариги ўқувчиларга мутлақо ўхшамайди. Тўғри, ҳозирги ёшлар кўп нарсани билишади. Лекин асосий нарсани билишмайди. Асосий нарса, бу — ўқувчилар қоидаси. Ўқувчилар қоидасини бандмабанд билган, унинг биронта сўзини ёки тиниш белгиларини ҳам қолдирмасдан ёддан, ифодали қилиб айтиб бера оладиган, унга оғишмай роия қила оладиган ўқувчигина идеал ўқувчи деган шарафли номга муяссар бўлиши мумкин. Биз «Ўқувчилар қоидасини биласизми?» деган савол билан ўқувчиларга мурожаат қилдик. Лекин ўқувчиларнинг кўпчилиги жавоб бера олмади. Ўқувчилар қоидасини билмасликка асосий сабаб — синф раҳбарларининг камчилигидир. Синф раҳбарлари ва ота-оналар ёдлаш шарт эмас, мазмунини айтиб берса бўлади, деб ўйлашади. Ваҳоланки, аксарият ўқувчилар ўқувчилар қоидасининг мазмунини ҳам билишмайди. «Еш куч» журнали идеал ўқувчи қандай бўлиши керак деган мавзуда мақолалар бериб, ҳайрли ишга қўл урибди. Бу — ҳақиқатан ҳам мунозарага, қизгин тортишувларга, ўзаро тажрибаларни ўртоқлашувларга арзийдиган долзарб масаладир. Журналнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлайман. Лекин афсуски, идеал ўқувчи ҳақидаги мақолаларни ўқиганимизда, юқорида айтганимиздек, ўқувчилар қоидаси ҳақида бирор-бир фикрни учратмадик. Эндиги материалларда ана шу масалага ҳам эътибор берилса ўқувчилар қоидасининг мактабларда қандай ўрганилаётганлиги тўғрисида материаллар бериб борилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Ҳасан ОТАҚУЛОВ,
Тошкент область, Бекобод райони,
Беруний номли 42-ўрта мактаб ўқитувчиси.

РЕДАКЦИЯДАН: Мактаб муаллифи муҳим бир заруриятни эсга солмоқда. Ҳақиқатан ҳам яқин-яқингача қайси мактабга бормайлик, кўзга кўринарли жойда «Ўқувчилар қоидаси»ни кўриш мумкин эди. Х. Отақулов ёзганидек ўша қоида унутилмаётганими? Республикадаги мактаблар раҳбарлари, маориф арбоблари ана шу ҳақда ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди.





...Товоним шишиб, қаттиқ оғрий бошлади. Натижада врачга мурожаат этишга мажбур бўлдим. «Тез ёрдам» врач шовилмай, узоқ текширди. Илгари ҳам оғриқ бўлган-бўлмаганлигини суриштирди. Қачонлардир ўзингни ёмон ҳис қилганмисан ёки йўқми деб сўради.

«Йўқ, аммо ҳозир жуда қаттиқ оғрияпти», деб жавоб бердим, уларнинг тезда ёрдам кўрсатишига ишонқирамай. Узоқ мулоҳазалардан сўнг «хирургга кўрсатиш керак», — деди. «Ҳозирча «Вишневский» мазидан суркармиз, балки, ёрдам беради», деди ва мазь суриб боғлаб қўйди. Мени касалхонага келтиргач, навбатчи врач билан ҳамшира оёқларимни синчиклаб текширди, 15 минутча ўзаро пичирлашиб маслаҳатлашишди. «Отек», «инфильтрат» ва яна аллақандай даҳшатли сўзларни гапиришди. Кейин иккинчи ҳамширани чақирдишди ва энди муҳокамани уччаласи давом эттиришди. Ҳаммаси ниҳоят «оёқ қафтлари шамоллабди», деган хулосага келишди.

Энди зудлик билан кўрсатилган медицина ёрдамидан кейин мени амбулаторияда даволашни кутарди.

Оз бўлсада ҳар ҳолда мени бунга психологик томондан тайёрлашди, шунга ҳам хурсандман, раҳмат. Ахир яқин орада район поликлиникаси врач қабулида яна мени текшириш, ўйлаб жим туриш, қимирламасдан улар айтган диагнозн эшитиш ва докторнинг диагнози ва даволаши тўғри эмаслигини ўзига исботлаш зарурати турарди-да. Бу гал ҳам «Вишневский» мазь врачларнинг ҳам, менинг ҳам жонимга оро кирди.

Кейин улар талабимга қаршилик қилмасдан, сўраган рецептимни ёзиб беришди.

Менинг қаеримни ва қандай даволашни бир неча бор врач ва ҳамширага айтгач, бир қанча дорини боғлаганларидан кейин бу касаллик тарихим яхшилик билан тугади... Менда медицинага қандайдир бир ғаройиб илимлик туйғу уйғонди...

Шаҳодат

институтни 1983 йилда тугатган.

«...Мен қачон студентлик давримиздаги пахтани эсласам канал устидаги қувур кўз олдимга келади. Уша қувурдан қандай ўтганимни эсласам ҳозиргача юрагим даҳшатдан орқага тортиб кетади. Умуман ТошМИга кирмоқчи бўлганимдаёқ мени оғоҳлантиришганди: у ерда пахта масаласи оғир, агар янги йилга олиб келса ҳам яхши. Шундай ҳам бўлди: адашмасам 15 декабрда пахтадан қайтганмиз. Демак, икки ойга яқин машғул бўлмаган, энди буни 6 йилга кўпайтиринг...

Ана шу пахтада бўлганимиз интернатурадаёқ ўз натижасини кўрсатганди ва ҳозир ҳам кўрсатмоқда... Эй худо, ҳаммамиз у даврда қандай эдик — у ерда овқатдан олдин қўл ювишга ҳам имкон йўқ эди.

«Ифлос ифлосга ёпишмайди» — бу пахтадаги аянчли ҳазилимиз эди. Ҳали ҳазиллашишга ўзимизда куч бор эди... Далада ёмғирда лой кечишга (фақатгина қор ёққанда пахтага олиб чиқмасди) ёки жиққа ҳўл кийимларни оловда устимиздан ечмасдан қуриштишга, (кийимдан бўш сивмёғочдай тепага кўтаришди) ёки бўлмаса ўша қувурдан ўтишга мени ҳозир мажбурлаб кўринг-чи...

Уша куни биз, қандайдир олис бир далага пахта излаб боргандик (пахта йўқ эди-да). У ёққа эса, каттакон анҳор устига қўйилган ингичка қувур устидан ўтиш керак эди. Пастда муздай сув, мен эса сузишни билмайман. Болалар «бўлақол Шаҳодат, тушиб кетсанг, тортиб чиқарамиз», — деб қичқирарди. Ҳозир автомат ўқи остида ҳам ўтмасман. Аммо ўшанда ўтгандим.

Мана шунақа... Совуқда, нам ерда тинимсиз юрасан, қарабсанки ўн кунлардан кейин эса, қўлларинг шундай шишиб кетадики, ҳатто бармоқларингни бука олмай қоласан. Озгина бўлсада ёрдам берсин деган мақсадда хирургик қўлқопларни кийиб олардик, лекин ишонишмасди — баҳона қиялсанлар деб яна пахтага ҳайдашарди.

Қанчадан-қанча қизларимиз у ерда оцитет билан оғриди! Мен келгуси йили пахтага боришни азоб билан кутгандим. Врачлар менга сколиоз — яъни «умуртқа поғонаси қийшай бошлаган» деб диагноз қўйдилар ва дала ишларидан озод қилишди. Уша пайтдаги иккинчи даволаш факультетининг декани «Сизларнинг справкаларингиз билан нима ишим бор, ўқишга қираётганларингиз ҳамманг соғ эдинглар, бизларга касалманд студентлар керакмас» — деб бақириб берди. Нима ҳам қилардим, яна пахтага боришга мажбур бўлдим...

Яна энг эсда қолгани: Рашидов ёки Худойбердиев шийпонимизга келадиган бўлса, биз ҳаммамиз жўр бўлиб бир овоздан, 2 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олганмиз деб жавоб беришимизни қайта-қайта ўқтиришарди. Масалан, икки тонна пахта теришга менинг жисмонан кўрбим етмайди... Биласизми, бизнинг пахта теришимизни эркак ўқитувчилар назорат қилишарди. Доимо гаплашманлар деб бақирарди, белни бир оз тўғрилаб олишга ҳам рухсат йўқ эди.

Сиз яна бу қиз нукул ачинарли воқеаларни жўрттага гапиряпти деб ўйламанг. Уша йиллари ким ўқиган бўлса, ўшалардан сўраб кўринг... Тўғримиз Аҳрор?..

Аҳрор,

институтни 1981 йилда тугатган.

Кечагина эди-я...

«...Бир сафар, политехника институтининг студентлари қаторларимизни кўриб, ҳайрон бўлиб: «У ерда нима қиласанлар?» дейишди. Уларни ҳеч қачон бундай ишлашга мажбур қилишмаган экан. Бошқа олиё йқув юртлари студентлари орасида ТошМИ студентлари ҳақида афсоналар тарқалганди. Афсуски, булар ўйлаб топилмаганди... Сиз «Ойдин (даги) бригада» ҳақида бир гап эшитганмисиз? Гап шундаки, ҳар бир студентга кунлик норма бериладди. Кўпинча бажаришнинг имконияти йўқ эди. Албатта шахарликлар, областдан келганларга тенгласа олишмас, нормани бажаролмай қолишарди. Ана шундай пайтларда кўпинча соат 7 дан кейин олиб қолиб, ярим тунгача ишлатишарди. Трактор

чироғларининг ёруғида пахта теришга мажбурлашарди. Жарима батальони — бир сўз билан айтганда қопқон. Мен ўқишга кирган йилим факультетимизда Элья исмли бир қиз бўларди. Унинг ҳаммадан ярим кило, бир кило ялиниб пахта сўраб юрганини ҳануз унутолмайман. Ёмон ўқимасада охири уни ҳайдашди. Ҳайрон бўлманг, пахтага қатнашмаганлиги учун институтдан ҳайдаш, академик отпускага чиқариш ўша даврлар учун табиий бир ҳол эди. Қуйи курслардагиларку, доимо ҳайдалиши хавфи остида ўқирди. Аълочи бўлсада, далада ўзини кўрсатмаган бўлса, стипендиядан қуруқ қоларди. Аммо учга ўқисада, далада ўзини кўрсатса бўлгани, стипендия нақд.

Министрлар советидаги қандайдир бир мартабали киши ТошМИ талабалари учун «эксперимент» ўйлаб топиди: «биттиси гўзадан пахтани ерга тушириб, иккинчиси эса, ортинда тозалаб кетаверади. Буни Шаҳодат айтганди. Бошқа бирорта институтдагилар ёмғир пайти далага чиқмасди, бизлар эса... Кўз олдингизга келтиринг, эрталабдан ёмғир ёғяпти, бизлар сабрсизлик билан шийпонда қолиш ҳақида рухсатнома кутмоқдамиз. Аммо...

Кейин пахта теришга чиқамиз. Тушликка буйруқ келади. «Сизлардан бошқа ҳеч ким пахта термаган, энди пахталарингиз ҳисобга ўтмайди...»

Бизларга ёмғир пайтлари, махсус полиэтилендан тайёрланган этаклар беришарди. Нима бўлса бўлсин, аммо пахта ивмасин! Бир гал бригадир ёмғир ёғаётганда келиб, пахтани кўрсатишни сўради. Биз энди қизларимизни аяди-да деб ўйласак, у: «бундай пахтани қабул қилмайди», — деди...

Ўқитувчиларми? Улар ўзлари албатта теришмасди, фақатгина бизларни назорат қилардилар, холос. Ким кам терса, штабга олиб бориб сўкарди, уялтирарди. Агар штабда кўп «меҳмон» бўлаверсанг, ўқиш даврида албатта эшлашди, бундан ҳар қалай ҳеч бир студент хурсанд бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз жон-жаҳдимиз билан кўпроқ пахта теришга ҳаракат қилардик, ҳатто бир неча бор факультетлараро социалистик мусобақа голиби ҳам бўлганмиз. Вимпеллар, байроқлар берилди — албатта раҳбарларга...

Кечирасиз, сизни ҳам ич-ичимиздан қайнаб келадиган дарду-ҳасратларимиз билан зериктириб қўйдик... Илгари ҳеч ким сўрамасди-да...»

Асилбек,

институтни 1981 йилда тугатган.

«...Саволингизни тушундим. Ҳаммаси тўғри, республика травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институтида ишлайман. Ўз тажрибамдан сиз-

га етарлича ҳодисаларни айтиб беришим мумкин. Консерваторияни пахтадан озод қилиб, мединститут студентларини эса лозим топмаганларини, албатта яхши гаплар билан хотирламаймиз. Далада қандай шароитларда ишлаганларимизни айтиб ўтирмайман, чунки мендан бошқалардан эшитганларингиз ҳам етиб ортади, деб ўйлайман. Ҳамма жойда шафқатсиз темир интизом, пахтага чиқиш эса, аллақачонлароқ Тошкент Давлат Медицина Институти талабалари учун одатий ҳолга айланган эди. Биласизми? Пахтадан қайганимизда ўқув программалари бизга қандай туюлганини! Қачонки мустақил ишлаб бoшлаганимиздагина менга ва бошқаларга институт нимани берганини охиригача тушуниб етдим. ТошМИни тугатганларда билим эмас, балки ўқув ва тажриба етишмаслиги фожиалидир. Менга — дипломли ёки мутахассис врач травматолога, биринчи ишга борган жойимда гипсчи қандай қўйиб боғлашни травпунктнинг ҳамшираси ўргатганига ишонаверинг. Менга кўп нарсани ўргатган, бунинг учун ундан чексиз миннатдорман. Салкам ҳаммасини аълога тугатган кадрдон институтимга нисбатан менда қандай ҳис-туйғу қолганини энди ўзингиз тушунаверинг. Бизларда имтиҳон ва зачетлар қандай ўтганлигини эслаш ҳам кулгили, ҳам гуноҳ... Студентнинг пахтада 1 ой бўлгани имтиҳон олувчига маълум бўлса, иккита савол беради, жавоб қилсанг баҳо бор. Агар 1,5 ёки 2 ой пахта терган бўлсанг, баҳо осмондан тушгандай синов дафтарчангда пайдо бўлади. Ўзингни эса, «совет медицинасининг ишончли таянчи» деб ҳис қилавер.

ТошМИни тугатганлар шунақа эди, бошқа пайтлари бўлмаса ҳам ҳар ҳолда мен билан тугатганлар. Ўз касбининг сирларидан кўра, пахтачилик сир-асрорларини пухта билишарди.

Фақат мен бунинг дарҳол тушуниб олганим йўқ албатта. Ўқишни тугатганимдан кейин район травматологик пунктидаги биринчи қабулимни эсласам ҳанузгача уялиб кетаман. Касал келгунча, қўлланмаларни асабий варақлаб кўра бошладим: пунктида ёлғиз ўзим врач эдим. Маслаҳат берадиган ҳеч ким йўқ эди. Агар тўғри диагноз қўя олмасам ёки даволашни билмай қолсам нима қиламан? Собиқ курс-

дошимнинг йўғлаб айтиб берган аҳволига тушиб қолишдан «худо ўзинг асра» деб ўйлайман.

...Уша курсдошимни бир куни пахтакорлар ҳузурига медицина ёрдами кўрсатиш учун юборади. Шу ерлик бир деҳқон хотинининг касал эканини айтиб, уни қандай дори-дармон билан даволаш мумкинлигини сўради. Шунда бу қиз шундай жавоб беради: «Сиз эртага келинг, мен тегшли қўлланмадан кўриб қўяман» — дейди. Бу гапни эшитган пахтакор... «Мен сизларни ҳақиқий ўқиб бирор билимга эга бўлгандирсанлар деб ўйловдим, китобдан ўзим ҳам билиб олишим мумкин», — деб эътиборсизлик билан қўл силтаб кетиб қолди. Шу куни кўричаги ёрилган деҳқоннинг хотини оламдан ўтади.

Мен бу воқеани, ўзимнинг қабулимга келган биринчи касални кўраётганимда эсладим. Бола суяги чиқиб қолган экан, уни бир неча минутда жойига тушириш мумкин эди, мен эса у пайтда ўзимни йўқотиб қўйганман. Суякнинг бир жойи чиққанидан бола «оғрияпти» деб зорланарди.

Бошқа жойи оғримаслиги лозим эди, ўзимни йўқотиб қўйганимни яшириш ҳамда вақтдан ютиш мақсадида, ҳечам кераги бўлмаган рентгенга йўлламоқчи бўлиб турганимда, бир ҳамшира ёрдам берди. У кулиб менга далда берди ва нима қилиш кераклигини синчковлик билан ўргатди. Чиққан суякни жойига солиб қўйди. Боланинг онаси мени тоза дуо қилди. Дуосига арзимаганлигимга шубҳа ҳам қилмади. Мана ҳозир нимани ўйлапман. Агар ўша пайтда ёнимда ҳамшира эмас, балки ёрдамчим, яъни мен ўз ишимни қандай билсам, ўшандай биладиган қиз бола бўлса нима бўларди. Даҳшат! Биринчи мустақил иш кўнгилсиз тугаса, бу фожа бўлиши мумкин, бундан кейин қандай ишлаб, қандай яшаш керак? Оддий нарсаларни ҳам иш жараёнида ўз касалларинг устида ўрганаверсанг, сен қандай қилиб врач бўлишинг мумкин. Нима учун суяк чиққан жойни тўғрилашни, қандай боғлашни ва кўпгина бошқа нарсаларни менга институтда ўргатишмаган? Балки тажриба ўтказиш ўрнига Жиззах область далаларида меҳнат қаҳрамонликлари кўрсатиб, юқоридаги раҳбарларнинг офаринига сазовор бўлибдирми?..

Мана шундай пахта билан медицина ходимлари ўртасида оғриқ, муаммо бор... Неча йилдирки, матбуотда ҳеч қандай муҳокамасиз, бизнинг илмий текшириш институтимиз врачларини дала ишларига жалб этади. Пахтакорларга медицина ёрдами кўрсатиш ниятида эмас, балки этакда пахта териш учун! Ҳеч нарсани ўзгартирмайдиган сизнинг «Ёш куч»даги мақолангиздан нима фойда. Ҳар ҳолда...

Умуман ўтган йили бизларда врачларга тегишмади, фақатгина санитарларни олиб кетди... Ҳақиқатан, ҳам шундай бўлиши керакдир...

ТошМининг уч собиқ студенти, қадрдон институтларининг муҳим муаммоларини чуқур билувчи кишиларнинг, уч ачиқ «иззори — дилларини» мен ўзгартиришсиз сизларга айтяпман, азиз журналхонлар. Ҳар ҳолда уларни изоҳлаб бериш бурчимдир.

Пахтазорда кўрдим...

кўп йиллардан бери ТошМи студентлари пахтага Пахтакор районига боришади. Мен ҳам бултур октябр ойининг охирида ўша ёққа бордим. Пахта йиғим-теримидаги тайёргарликлар, юқоридаги суҳбатдошларим билан бўлган воқеалардан анча яхши томонга ўзгарганини ўқувчиларга хурсандлик билан етказмоқчиман.

Институт студентлари пахтага 3 октябрда борди, чамаси бир ойда талабалар пахтадан қайтишди.

Ўтган йили бу ерга Усмонхўжаев келганди. Сиз ўтирган жойда ўтириб, мен билан яъни, марказий штаб вакилидан талаб қилди. Мен ҳар бир студент билан шахсан гаплашиб, ярим килоча бўлсада терилган пахтани кўпайтириш кераклигини айтишим керак эди. Биз эса 52-кун пахтадамыз, дала қип-яланғоч, теришга ҳеч вақо йўқ, ўйлайман:

раҳбарлардан ташқари, ҳамма бу ердан пахта чиқмаслигини тушунади-ю, нима учун улар тушунишмайди, ёки тушунишни исташмайди?

Шу пайтгача ҳеч қачон студентлар пахтада 30 кундан пахтада бўлиши бажарилмаган бўлса, ўзгаришлар ҳақида тўғри ҳақиқатни айтиш керак. Ҳамма муаммоларни ўз кучими билан ечишимиз керак, шунинг учун ҳали хўжаликдаги бирданга қайта қуриш ҳақида гапириш қийин... Масалан, қандай муаммолар? Булардан асосийси, илгаригидек ҳанузгача, кундалик пахта териш суръатига маиший хизмат кўрсатишдан кўра муҳимроқ эътибор берилди. Умуман деярли ҳар бир шийпонда рангли телевизорлар бор. Қизлар учун кўчма гигиеник палаткалар борлигини кўрдим. Ҳар ҳафтада икки

студентлари пахтага жўнаб кетади. Охириги йилларда ҳеч ўзгариш борми?

— Мен уч йилдирки пахтага студентлар билан чиқмайман, яхшиси Сиз менга мурожаат этмаганингиз маъқул. Фақатгина январь ойида институт хизматчилари, студентлари билан ёрдамга борадиган хўжалик раҳбарлари билан бўладиган учрашув мўлжалланаётганини айтишим мумкин.

Кун тартибда — қилинган ишлар ҳақида ҳисобот, илғор теримчиларни мукофотлаш, бир йўла келгуси режаларни муҳокама қиламиз, балки келгуси йили студентларимиз умуман пахтага бормас.

Мана икки йилдирки, биз хўжаликлар билан шартнома тузамиз. Бу эса, студентларнинг маиший шароитларини сезиларли даражада яхши томонга бурди. Ҳа, жойлардан партия ва совет органлари раҳбарлари ҳам бу масалага кўпроқ эътибор бера бошладилар. Пахта йиғим-терими даврида бизнинг институтимиз врачлар бригадаси Пахтакор районига касалхонада хизмат қилмоқда. ТошМи врачлик консультацияси группаси фақатгина шахарликларга эмас, балки ерлик халққа ҳам медицина хизматини кўрсатадилар. Бу даврларда биздаги мутахассислар колхозлардаги стационарларда ишладилар.

Ҳозирда, аввалги йилларга нисбатан хўжалик студентларни анча яхши тайёргарлик билан кутиб олаётганига ишончим қомил бўлди. Аммо Сиз бўлгуси врачларни умуман пахта теримида жалб қилмасликка қандай қарасиз?

— Пахта бизнинг бойлигимиз эканлигини инкор этмасиз? Агар партия Марказий Комитети студентларни пахтага чиқармасликка қарор қилса бу жуда аъло. Ҳозирча бориш керак экан — албатта борамиз. Агар Фарғона водийсида қўл теримида ҳожат бўлмаса, Сирдарё ва Жиззахда масалан қўл теримига эҳтиёж кучли. Биз пахтадан нобуд қилишга йўл қўймаймиз. Вақтинча, яна бир неча йил, қачонки конструкторларимиз замонавий пахта териш машиналарини яратмас эканлар, биз пахтага чиқаверамиз. Студентларимиз жуда одобли, норозилар ва шикоятчилар йўқ.

Ҳаммаси ҳам эмас. «Комсомолец Узбекистана» да октябр ойида Сизлардаги бир студентнинг ота-она-

ҳам 6 курс студентлари пахта теримида ҳашарчиларга «врач» сифатида бордилар. Қолаверса, институтимиз илмий ходимлари ва студентларнинг жойлардаги врачлар билан бирга ишлашлари яхши натижалар бермоқда. Врачларимиз қийин ҳолларда касбдошларига ёрдам бермоқдалар, уларнинг маслаҳатлари районлардаги врачларнинг малакасини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай ҳамкорликнинг сермахсул фойдасини ҳар йили институтимиз врачларни район соғлиқни сақлаш бўлимлари тақдирлаётган мактов ёрлиқлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

— Агар мен сизни тўғри тушунган бўлсам, ТошМининг консультацион группасининг ёрдами район касалхоналарига жуда зарур, пойтахт врачларининг малакаси албатта районлардагига қараганда анча юқори. Агар мен бунда сабаб қилиб, ҳаммамизга маълум бўлган ўша пахтага сафарбарликни кўрсатсам тўғри бўладими? Медицина ходимларини ва бўлгуси шифокорларни жалб қилиш, билим ва одамлар соғлиғи эвазига!

— Мен сизга ўзимнинг фикримни айтдим. Агар Марказий Комитет сафарбарлик ортиқча деб топса — бу эса кўп нарсага, республика эҳтиёжига, об-ҳавога ва бошқа кўп нарсаларга боғлиқ — пахтага албатта бормаймиз. Агар лозим топилса бу масалада ўзингизнинг шахсий фикрингиз қанақа?

— Мен қатъий ишонч билан айтаманки, қайсидир йўл билан врачларнинг тўлиқ билим олишларига тўсқинлик қилиш, айниқса бизнинг республика шароитида асло мумкин эмас. Тўғриси айтсам сиз ҳам шу фикрга қўшилишингизни истардим.

— Албатта мен ҳам тўлиқ қўшиламан.
— Холбуки бу ҳақда ҳеч нарса демарингиз-ку?
— Йўқ, бунга тўлиқ қўшиламан.

Аммо... республика эҳтиёжи, имконияти, об-ҳаво шароитлари, бир сўз билан айтганда раҳбарлар зарур дейишса...

Тошкент Давлат Медицина институтининг корпусларидан бирида, комсомол, касаба союз комитетлари олдида, студентлар штабида ва бошқа ерларда шундай эълон осиглиқ турарди:

«ХУРМАТЛИ ҲАМРАЎЛАР ВА СТУДЕНТЛАР. ТАРБИЯВИЙ ВА МЕТОДИК ИШЛАР БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАРИНГИЗ БИЛАН ҚАТНАШИНГ».

Таклифлар тушишига ишонамиз. Баъзи институтларда фақатгина методик ишлар эмас, балки республикамиздаги барча медицина институтларида ва медицина ўқув юртларида ўқув жараёнларини қандай ташкил этиш ҳақидаги муҳим таклиф, мулоҳазалар, айрим ўқитувчи ва студентлардагина эмас, балки мутасадди юқори ташкилотлардан ҳам тушишига ишонамиз. Аммо мен бу таклифлар орасида яна студентларнинг пахтадаги муддатини қисқартириш, маиший аҳволини яхшилаш кабилар бўлишидан кўрқаман; кейин эса яна рақини хирургик йўл билан даволаш ўрнига, суюқ дори қўйиб боғлаб даволашга ҳаракат қилишларидан. Мамалякатида республикамиз болалар ўлими бўйича пешқадам ўринларда, ҳар хил юкумли касалликлар манбаи бўлиб турган бир пайтда, бўлажак медикларнинг бирор соатини ҳам ўқишдан бошқа мақсадларга сарфлаш мутлақо нотўғридир. «Еш куч» журнали аллақачонлар кўтарган бу масалага юқори ташкилотлардан ижобий жавоб берилди деган умиддамиз. Агар шундай қарорга келинса, ҳаётга тadbик этилса, у ҳолда фақатгина ТошМи комсомол комитети эшигига осиглиқ эълондаги хатони тўғрилаш керак бўлади.

Л. ШОХНАЗАРОВА



НИНГ асоратлари

бор қўйилдиган кинофильмларни, кечқурунлари бўладиган дискотека ва рақс, музикани сабрсизлик билан кутишларини болалардан эшитдим. 29 октябрда эса ҳамма 4 факультетдаги агитбригадаларнинг кўрик-конкурси ниҳоясига етишини айтишди.

Санитария ва гигиена факультетининг 5 курс қизлари иссиқ сувнинг жуда кераклигини, аммо ҳеч қерда йўқлигини, ҳаммом жуда ёмонлигини, 10 кунда бир рухсат тегадиган ҳаммомда ярим соатлаб иссиқ сув кутиб қолишни кўюниб шикоят қилишди.

Совуқ ҳақида, очлик ҳақида, даладаги каторгадигидек ишлар ҳақида кечқурунлари штабдаги судрашлар ҳақида ҳозир бирорта гап йўқ. Қузатувчи-ўқитувчилар образи аввалги ТошМИ студентлари хотирасига чуқур сингиб кетган бўлса, ҳозиргилари бу билан таниш эмас, «ойдин бригада» ҳақида ҳам ҳеч гап йўқ. Уларнинг кундалик иш режими шундай: эрталаб соат 7 да туриб ювинишади, овқатланиб, соат 8 да далага чиқадилар. Бирдан иккигача тушлик. Соат кечки олтидан кейин эса этак тарозига қўйилади.

Штабдаги суҳбатдан:

«Бу йили ҳатто қишлоқ мактабларидаги ўқувчиларга ҳам тегишмади, самарқандлик студентлар эса умуман «доимий» теримга жалб этилмади, бемалол ўқидилар.

Ҳозирги ўзгаришлар, студентларнинг ўзларини ўзлари эплай олишларини ўқитувчилар фахр билан гапирдилар.

«Биринчидан қайта қуриш, — астойдил ҳайрон бўлди саволга Дамир Заретдинов, радиоционгигиена факультетининг катта ўқитувчиси. — Иккинчиси эса — ўз-ўзини бошқариш! Бештадан 4 курсда! Фақатгина биринчи курсдагилар ҳали бунгача етиб кела олганлари йўқ, лекин келгуси йилдан ҳамма курсларни ва ҳамма бригадаларни ўз-ўзини бошқаришга ўтказамиз».

ТошМИ студентларининг пахтадаги меҳнат шароитларини ўзгартириш керак. Иккинчи саволга нима деб жавоб бериш керак? Ўзи шундоқ ҳам бизнинг Ўзбекистонда медицина хизмати паст даражада бўлган ҳолда, ҳар йили бўлажак врач студентларни бир ой ўқишдан қолдириш тўғримикин? Балки, институт раҳбарлари менга ҳар хил сабабларни айтди, уларни тушунишим учун «Даволаш бўйича проректор Ҳожиев М. Ҳ.» ёзувли эшикни очдим.

ТошМИда менга

нимани тушунтиришди?

— Мўмин Ҳожиевнинг, маълумки, ҳар йили биринчилардан бўлиб сизларнинг институтларингиз

сининг хати эълон қилинганди. Улар ўтган йилларнинг ачиқ тажрибаларидан келиб чиқиб ёзгандилар...

— Кечирасиз, бунақа одамлар ўз бурчларини яхши тушунмайдилар! Матбуот эса кўпчиликнинг хоҳишини эмас, баъзан мана шунақа қитмир хатларни, етишмовчиликларни ёзиб халқ орасида нохуш кайфиятни қўзғайди.

Республикамиздаги врачларнинг кўпи яхши, ёмонлари санокли эканлигини инкор этмасиз?

— Бизларда яхши врачлар кўп. Бу ҳақда сиз билан тортишмайман. Онам 30 йил болалар врач бўлиб ишлаган, биланман буни. Аллақачон пенсияга чиққан бўлсаларда одамлар ҳалиям ёрдам ёки маслаҳат сўраб келишаверади.

— Сиз нима, ёш мутахассисни тажрибалиси билан тенглаштирмоқчимисиз? Тажриба бир кунда келмайдику. Истаган соҳадаги ёш кадрни олинг, бизда ҳам, Америкада ҳам дарҳол унга қийин топшириқлар берилмайди-ку? Масалан, сизни олиё даражадаги матбуот конференциялари, таниқли халқаро журналистлар қаторида жўнатишмайдику!

— Йўқ албатта. Лекин айнан Америкада менимча ёш мутахассисларнинг тажрибасизлиги, ўқувсизлигини ҳеч ким инобатга олмайди. У ерда талаб ҳаммага бир хил. Шуниси яхши.

— Умуман шундай! Раҳбарлар «студентларсиз йиғим-теримни уддалаймиз» деса албатта бормаймиз. Бўлажак врачларни ўқишдан қолдиришни мақсадга мувофиқли-йўқлигини улар ҳал қиладилар. бу нарса уларга ойдинроқ...

— Сизга-чи? Сизга ойдин эмасми?..

— ...Агар Марказий Комитет бу хусусда бир фикрга келмаса — нима ҳам дердик... Устига-устак студентларнинг ўзи пахтага чиқишни талаб қилишяпти. Масалан, бизда кўпинча студентларнинг ўзлари шундай ташаббус билан чиқадилар. Тўғри, бу йил ташаббус кўтаришмади, аммо жон-диллари билан пахтага чиқишди. Ҳа, нимага ҳали шикоят қилиш мумкин, агар бундоқ яхшилаб ўйлаб кўрилса? Мана мен ТошМини 1951 йилда тугатганман. Бизлар пахтада 25 декабрдан бўлардик. Буям камлик қилгандай, молхоналарда, кўрпа-тўшак ўрнига сомон ёпиниб ётардик. Кундузи кўрак териб ярим кечагача уни чувирдик. Қишлоқ хўжалик машиналари етишмасди. Урушдан кейинги оғир йиллар эди-да... Пахта масаласида ўша даврда ҳам институтимизда қаттиққўллик билан қараларди. Ташаббускорлик ўша даврларда ҳам бор эди.

Айтгандай бу йил стоматология факультетининг 5 курс, санитария-гигиена факультетининг 6 курс студентлари пахта териш кампаниясига жалб этилмади. Даволаш факультетининг ҳар иккаласида

Мамлакатимиз халқ маорифи мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Куни кеча ўз ишини тамомлаган маориф ходимларининг бутуниттифоқ съезди буни янада яққол кўрсатди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қизгин бошланиб кетган қайта қуриш жараёни таълим-тарбия соҳасида беҳад оғирқарвонлик билан, кечириб бўлмайдиган даражада сусткашлик билан кечаётди. Чунки таълим-тарбия системасини ўзгартириш — бу ижтимоий онгни, маънавий тафаккурни ўзгартириш демасдир. Бу иш эса ниҳоятда оғир ва мушкул вазифалардан, қайта қуриш тақдирини ҳал қиладиган масъулиятли вазифалардан биридир. Халқ маорифи бошидан кечираётган мураккаб ҳолат тагин шу билан ҳам чигаллашяптики, менинг назаримда, бу давр ҳеч қачон тугамайдиган экспериментлар — тажрибалар даврига ўхшаб борапти. Масалан, мен ўзим мансуб бўлган авлод кўз ўнгида мактаб ҳаёти озмунча ислоҳот ва ўзгаришларга дучор қилинмади, дейсиз: гоҳ ўн йиллик таълим, гоҳ ўн бир йиллик, гоҳ ўғил болаларни алоҳида, қиз болаларни алоҳида, гоҳ қўшиб ўқитиш, ўқишни гоҳ олти ёшдан, гоҳ етти ёшдан бошлаш, гоҳ синфда қолдирмаслик методи, гоҳ буни буткул рад этиш, гоҳ ўзлаштириш борасидаги «юз процентчилик» ҳаракати... Булар ва шуларга ўхшаб ўнлаб ташаббуслар, педагогик йўналишлар, қоида ва инструкциялар, ислоҳотлар, афсуски, ҳамма вақт ҳам кўзланган натижадан бермапти. Энг ташвишланарлиси шундаки, буларнинг оқибатида бизнинг мактабимиз ҳали-ҳануз шаклланган илмий-маънавий традицияларга, барқарор аънаналарга эга бўлолмай келаётди. Шу ўринда диққатингизни ушбу мисолга қаратишни истар эдим. Маълумки, Англияда консерватив удумлар ниҳоятда маҳкам тутилади. Айниқса, маориф соҳасида. Инглиз тили имлоси билан талаффузи ўртасида кўпгина номувофиқликлар мавжуд, аммо мамлакатнинг маърифат даргалари онгли равишда буни ўзгартирмас эканлар, авлодлар ўртасида узилиш юз беради, деган мулоҳаза барча ҳар қандай андишаларни четга суриб кўяр экан. Бизда эса, етмиш йил ичида уч бора ўзгарган ва ҳануз номукамал имломизни ўйласак, аҳволимиз кундай равшан бўлар, деб ўйлайман.

Бир тасаввур қилиб кўрайлик: юртимиз ҳақида, унинг кўҳна ва бой, ўзига хос маданияти ҳақида кўп нарса эшитган бошқа миллат кишиси, айтилик, украин ёки латиш қардошларимиздан бири бизнинг тилимиз, адабиётимизни ўрганишга аҳд қилди. Табиийки, бунда унга энг аввало ўрта мактаблар учун мўлжалланган ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари асқотади. Аммо уларни, хусусан, адабиёт дарсликлар


таҳлилни ўқий бошлайди: «Карим — фаол ва ҳужумкор характер эгаси. У пахта тайёрлашдаги қоқоқликдан ташвишланибгина қолмайди, балки фурсатни бой бермай, йиғим-теримни жадаллаштириб, илғорлар қаторига етиб олиш йўлини қидиради. У ватанпарвар йиғит, ўз бригадаси ва колхозинигина эмас, бутун район, республикасининг улуг Ватан олдидаги бурчни шараф билан адо этишини истайди. Мамлакат ва партия ишончини оқлаш шарафли иш эканини билган Карим бутун бригадани оёққа турғазига интилади:

Мамлакат бизларга ишонсин!
Биз шалвираб ишни хуржун қилайлик...

Бу қандай гап! Бу жуда оғир.

Бу — уят. Бу — номус. Бу — мумкин эмас.

Қардошимиз энди ўзининг ҳалиги тахминига шубҳа қила бошлайди. Нима қиларини билмай, таҳлил мутолаасида давом этади: «Шоир Каримдаги ҳаяжон, андиша ва чуқур кечинмаларни унинг психологик ички монологи орқали очади. Лирик қахрамоннинг характерини унинг монологи орқали очиб Уйғун поэзиясига хос хусусиятлардан биридир. Бу усул билан шоир қахрамон кечинмаларини жонлантиришга ва характерини конкретлаштиришга, ки-



Хайриддин СУЛТОНОВ

зонган кишиларнинг порлоқ образларидир. Авторнинг «Ота ва ўғил» романи ҳамиша барҳаёт асарларимиздан бири бўлиб қолади...» (153-бет). «1946—1948 йилларда ВКП(б) Марказий Комитети адабиёт ва санъат масалалари юзасидан муҳим қарорлар (?) қабул қилди. Бу қарорлар, айниқса, «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақида «...адабиёт тараққиёти учун алоҳида аҳамиятга (?) эга бўлди» (62-бет). «Қандай аҳамиятга?» — деган савол туғилиши табиий, албатта. Сталин шахсига сиғиниш йилларининг гултожи бўлган, Ахматова, Зошченко сингари ўнлаб юксак истеъдод эгаларини бадном қилган ва охир-оқибат, давр тақозоси билан шу йил бекор қилинган бу хато қарорга дарсликда ҳанузгача ҳамду сано ўқиб келиниши гоят ачинарлидир.

Мамлакатимизда қайта қуриш ҳаракати авж олиб кетганига уч йилдан ошди. Аммо адабиёт дарсликларимизга гўё бу жараённинг алоқаси йўқдек. Жуда кўп эскирган қарашлар, догматик фикрлар, рангсиз-нурсиз адабий қолиплар, эллигинчи йилларда тузилган адабий-рўйхатлар ҳамон бу китобда устивор бўлиб турибди.

Маълумки, ошкоралик шарофати туфайли шу пайтгача ижтимоий ҳаётимизда махфий бўлиб келаётган кўпгина тарихий фактлар эълон қилинди, муайян воқеа-ҳодисаларни баҳолаш мезонлари ҳам ҳаққоният томон ўзгариб бормоқда. Худди шундай бир пайтда мазкур дарсликда қуйидаги фикрни ўқиш чиндан ҳам ғалати туюлар экан. «Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш энг чуқур (?) революцион ўзгариш эди. Бу революциянинг хусусияти шундан иборат эдики, у кулак асоратига қарши, эркин колхоз ҳаёти ва социалистик меҳнат учун курашган миллион-миллион деҳқонлар оммасининг қуйидан туриб берган бевосита ёрдами-ла юқоридан давлат ҳокимиятининг ташаббуси билан қилинган революция эди» (85-б).

Энди бошқа бир фикрга ҳам қулоқ тутиб кўрайлик. «Известия» газетасининг сиёсий шарҳловчиси, етук публицист А. Бовин «Қайта қуриш: социализм ҳақидаги ҳақиқат ва социализмнинг тақдирини» номи мақоласида шундай деб ёзади: «Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ҳам зарурият эди. У айнан социалистик тадбир бўлиши керак эди. Аммо у Ленин белгилаб бера бошлаган кооперация планининг бир бўлаги, фақатгина истисно тарзидаги кўнгиллик ҳаракатига асосланган тадбир бўлиши керак эди. Амалда эса ҳеч қандай кўнгиллик бўлган эмас, Лениннинг кооперация хусусидаги плани «унутилган» эди. Коллективизм гоёси, марксизм классик-

ДАРСЛИКДАГИ ЧАЛҚАДЭВ

рини синчиклаб ўрганишга киришган ана шу кишининг қай аҳволда қолишини кўз олдингизга келтира оласизми? Келтира олмаганга, ана шу дарсликлари яна бир қарра мутолаа қилиб чиқинг — манзара ойдин бўлади-қўяди. Бояги қардошимизни биринчи галда баъзи дарсликларимиздаги илмий-бадий фикрнинг ниҳоят даражада ибтидоийлиги ҳайратга солиши турган гап. Масалан, 10-синф «Ўзбек совет адабиёти» дарслигининг ўнинчи нашрида (1987) Уйғун ижодига бағишланган бўлимда қардошимиз мана шундай сатрларни ўқийди: «Бригадир Карим» шеърида бригадир Каримнинг маънавий қиёфасида социалистик тузум тарбиялаб етиштирган янги деҳқоннинг олижаноб фазилатлари мужассамланган. У ўз районининг пахта тайёрлашдаги қоқоқлиги сабабларини ўзича таҳлил қилади ва тўғри хулоса чиқаради:

Нега районимиз ҳамон орқада?!

Нега рўйхатнинг охиридамыз?!

Бизда ҳам бор ахир барча шароит!..

Айб кимда? Айб нимада?

Бу шеърни ўқиб, бечора қардошимиз кўзларига ишонмай қолади. Қайта-қайта ўқийди. Ниҳоят, бир гапнинг тагига етгандек бўлиб, кулимсираб қўяди. «Эҳ-ҳа, — деб ўйлайди ўзича, — бу, чамаси, босма-хонада, аллақайси райондаги ишлаб чиқариш мажлисининг қарори билан адабиёт дарслиги саҳифаси алмашиб кетган бўлса керак. Албатта-да. Ахир, бу гапнинг поэзияга ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку! Бир оз хотиржам бўлиб олган қардошимиз энди тахминига янада ишонч ҳосил қилиш учун парча тагидидаги илмий

тобхонга эса кучли эстетик таъсир кўрсатишга эришади: (113-бет)

Бунга сари қардошимизнинг таажжуби баттар ортади. «Қандай қилиб, — деб ўйлайди у, — қандай қилиб шу жўн гаплар тизмаси китобхонга «кучли эстетик таъсир» кўрсатиши мумкин? Ахир, масалан, мена бу гаплар ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмади-ку? Ахир, адабиётнинг биринчи белгиси киши қалбида ҳис-туйғу қўзғотиш эмасми? Янглишмасам, Толстой шундай деган эди. Демак, шу жўн гапларки «кучли эстетик таъсир кўрсатса», ўзбекларнинг маданий савияси...» Унинг нима деб хулоса чиқариши аён бўлса керак.

Чиндан ҳам, аксарият дарсликларимизнинг аҳволи одамни беихтиёр шу аччиқ ва аламли фикр сари етаклайди. «Турғунлик» деган тушунчанинг конкрет ифодасини кўришни истаган одам, ана шундай дарсликларга мурожаат қилса, асло адашмайди. Мисол қидириб узоқ овора бўлишнинг ҳождати йўқ. Масалан: «Фафур Фуломнинг «Тўқиниш» шеърида... уруш капиталистик тузумнинг муқаррар йўлдоши эканлиги, капиталистик тузум чириб бораётганлиги очиб ташланади... (76-бет) «Совет халқи ва адабиётининг атоқли адиби Георгий Марков ижоди ўзининг горькиёна инқилобийлиги билан машҳур. Езувчи «Строговлар», «Ер мағзи», «Сибирь» каби гоёвий-бадий мукамал асарларида... Матвей Строговлар... Корчагин, Чапаев... сингари халқ меҳру-муҳаббатини қо-

ларининг таъбири билан айтганда, одамларнинг коллектив хўжалик ташкил этишдан манфаатдорлиги ва бунга қизиқишидан буткул ажратилган эди. Деҳқонлар қатлами ва унинг ўртақол табақаларига репрессиялар балоси ёғилди. Коллективлаштириш жараёни қишлоқни социалистик асосда ўзгартириш воситасига эмас, қишлоқдаги моддий ресурсларни зўрлик йўли билан шаҳарга олиб бериш воситасига айланди. («муайян солиққа ўхшаб») ... Сталинча бу сиёсат натижалари учун ҳали-ҳануз ҳақ тўлашга тўғри келяпти, тўлаямиз ҳам. Америкаликларга, канадаликларга, австралияликларга, аргентиналикларга, энди ҳатто Саудия Арабистонига ҳам (!) сотиб олаётганимиз галла ва гўшт учун бисотимиздаги энг асал нарсалар билан тўлашимизга тўғри келяпти... «СССР халқ хўжалиги етмиш йил мобайнида» деган юбилей тўпламидаги маълумотларга қараганда, қишлоқ хўжалигини варварларча коллективлаштириш мамлакатимиз учун (четдан галла, гўшт, ёғ келтириш) ўнлаб миллиард сўмларга тушмоқда. Қанчалар аччиқ бўлмасин, буни социализмнинг капитализмга тўлаётган ўзига хос «хирожи» деб аташдан бошқа иложимиз йўқ.»

Ҳозирги замон мактаб ўқувчиси, жумладан, ўзбек ўқувчиси, дарслик муаллифлари ўйлаганчалик анойин эмас. У юқоридики экир этилган фикрлар битилган мақолаларни бугунги прогрессив матбуотда кўплаб ўқиб турибди. Шундан кейин ҳам ўша ўқувчидан адабиёт дарсига, умуман адабиётга ҳурмат-этибор талаб қилиб бўлармикан? Эки, айтилик, Ҳамид Олимжон ижодига бағишланган бўлимда 30-йиллар ҳақида битилган ушбу баландпарвоз жумлаларни ўқиган ақлли бола нима деб ўйлаши мумкин: «Совет кишиларининг шу соҳадаги мардона ижодий меҳнати Ҳамид Олимжоннинг «Тарих кўрганми?» шеърисида кучли ҳарорат билан куйланди. У ўзи яшаб, ижод этаётган тузум жаҳонда энг илғор, энг демократик (!), энг ҳаётий тузум эканлигини ва шунинг учун ҳам ҳар қандай қийинчиликларни енгиб, «янги дунё сари» боражанини ишонч билан куйлайди». (12-бет). Мамлакатда оммавий қирғинлар авж олган, Ленин партиясининг асл фарзандлари бетўхтов репрессия қилиниб турган, минг-минглаб ҳалол ва коммунистик эътиқодли кишилар судсиз-терговсиз қамоқларда чиритилган, биргина ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий ва Усмон Носир, Чўлпон ва Фитрат сингари маданият намоянадалари жувонмарг этилган ўша кунлар ҳақида... шундай деб таълим бериш, билмадим, қайси андишага, қайси инсоф кўчасига тўғри келаркин? Албатта, Гафур Ғуломнинг ҳам, Уйғуннинг ҳам, Ҳамид Олимжоннинг ҳам ўша пайтда ёзилган аксарият асарлари давр маҳсули, уларда ўша вақтдаги етакчи кайфиятлар акс этгани табиий, эҳтимол, улар ўз туйғуларни изҳоридеа бениҳоя самимий ҳам бўлгандирлар. Аммо бугунги кунда, XX аср охирида бундан эллик йил аввал битилган бу асарларга баҳо беришда танқидий нуқтаи назарнинг етишмаслиги, рост сўзнинг қаҳатлиги кишини таажжубга солади, холос. Ахир, наинки биз бундай йўллар билан бу ижодкорларимизни гоёта нуқулай аҳволга солиб қўяётганимизни билмасак? Халқда «Онангни отанга бепардоз кўрсатма» деган гап бор. Наҳотки, Уйғундек кекса ва ижоди ранг-баранг адибнинг ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатишга мавсумий характерда ёзилган «Бригадир Карим» шеърисидан бўлак асари бўлмаска?! Агар ўттинчи йиллардаёқ мамлакатимизда «энг демократик» тузум ўрнатилган бўлса, биз нима учун бугун барча ижтимоий муносабатларимизни қайтадан қураётимиз? Нима учун партиямиз бизнинг барчамизни демократия алифбосини ўрганишга даъват этмоқда?!

Умуман, адабиёт дарсликларини синчиклаб varaқлаб чиқиб, мен шахсга сиғиниш даври ҳақида, унинг салбий оқибатлари ва уни тугатиш йўлида коммунистик партия бошчилигида минглаб соф эътиқодли кишилар олиб борган машаққатли, оғир кураш ҳақида бирор сатр ҳам маълумот топа олмадим. Гўё мамлакатимизда ҳеч қачон бундай ҳолат юз бермагандек, адабиёт дарсликлари — ҳаёт дарсликлари сукут сақлайди. Ҳатто Абдулла Қодирий ва Мақсуд Шайхзода ижодига бағишланган бўлимларда ҳам бу ҳақда чурқ этилмаган. 30—50-йиллар адабиёти ёритилган саҳифаларда ҳам бу хусусда бирор сўз йўқ. Буни қандай тушунмоқ керак? Қандай баҳоламоқ керак? Ахир, ошкоралик тўғриси кўпмиллатли совет адабиётида ўттиз йиллаб, йигирма йиллаб чиқмай ётган асарлар борлиги, баъзи йирик санъаткорлар ижодининг ярми ҳам эълон қилинмагани маълум бўлди-ку! Ўзбек ўқувчиси булар ҳақида — А. Твардовскийнинг «Хотира ҳукми», А. Ахматованинг «Марсия», А. Платоновнинг «Чевенгур», М. Булгаковнинг «Ит юрак», В. Гроссманнинг «Умр ва тақдир», В. Дунинцевнинг «Оқ либос», А. Рибаконинг «Арбат болалари» сингари асарларидан қачон хабар топади? Адабиёт дарслиги хабар бермаса, ким унга бу ситамдийда китоблар ҳақида хабар беради?

Ўттинчи йиллар романтикаси, кўтаринки кайфиятини биз бир тарихий босқич сифатида англаймиз. Аммо бу ҳолни саксонинчи йилларда ҳам шу ҳолда тақдим қилиш кишида фақат кулги уйғотилади:

Мана биз шу қисқа муддат ичида
Шундай тезлик билан кетдикки,
Шундай гигантларга етдикки,
Ҳатто ўйлай олмас унинг Фордлари,
униг Лордлари...
Унинг раҳбарлари...»

Афсуски, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Айтилик, ўша машҳур «Назир отанинг ғазоби» шеъри ҳам шу йўсинда — фақат гоё нуқтаи назаридан талқин қилинади.

8-синф «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида ҳам шу сингари эскирган фикрлар учраб туради. Масалан, «Алпомиш» достонида синфий кураш масаласига шундай изоҳ берилади: «Шунингдек, қабила аристократларининг ёмонлари (Бойбўри, Кўкалдош) бўлгани сингари, яхшилари ҳам (Бойсари, Алпомиш, Барчиной ва бошқалар) бор деган фикр мавжуд эди. Мана шулар натижасида достонда синфий кураш кескин тус олмаган». (35-бет). Аввало, шунини айтиш лозимки, достон яратилган пайтда ҳар бир асардан синфий кураш масаласи қандай ҳал этилгани текширилмас эди. Қолаверса, халқ заковати билан дунёга келган бу ўлмас асардаги фикр тўғри: аристократлар орасида ҳам яхшилари бўлиши табиий.

Узоққа бориб ўтирмай, кунни кеча Арманистон зилзиласида бир миллион доллар ёрдам берган америкалик аристократ Арманд Хаммерни эслаш kifоъ. У 1921 йили, Россиядаги очарчилик пайтида ҳам бир миллион доллар ёрдам берган, Чернобилдаги фалокатдан сўнг эса ҳалокат оқибатларини тугатишга ярим миллион доллар инъом этган эди.

Эки 111-бетда шундай бир жумла бор: «Навойи «Хамса»си XV аср ўзбек адабиётининг жиддий ва катта ютуғи бўлган бўлса, Жомийнинг Навойи «Хамса»си билан олдинма-кейин яратган етти достондан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт») асари форс-тожик адабиётининг катта муваффақияти бўлган эди. Навойи ва Жомийдан кейин бир қанча ёзувчилар «Хамса» яратишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, лекин улар оригинал, юксак бадиий савиядаги «Хамса» ярата олмадилар». 81-бетда «Хамса» га шундай таъриф берилади: «Хамса» — арабча сўздир, «бешлик», дегани». Шундай бўлгач, етти достондан иборат асарни ҳам «Хамса» дейилиши, албатта, ўқувчини иштибоҳга солади.

Ёзувчи ижодини эски қолиплар билан баҳолаш нуқсонини Абдулла Қодирий ижодига бағишланган бўлимда ҳам кўзга ташланади. 9-синф дарслигида шундай бир ғалати фикр кўзга ташланади: «Отабек ва Юсуфбек ҳожи образларида халқнинг феодал зулм ва бидъатларга қарши норозилиги ўз аксини топган бўлса-да, унинг кўлами, шиддати етарли даражада ифодаланган эмас. Бу асарнинг жиддий камчилиги, (!) ёзувчи фикрининг торлигидир (?). (156-бет). Диққат қилинган, бу гаплар ўзбек совет прозасининг асосчисига нисбатан айтиляпти. Билмадим, бундай гапни ҳеч тортинмай айтиш ва саксонинчи йиллар охирида ёш насл қулоғига қўйиш учун кишининг фикри қанчалар тор бўлиши керак! Бизда кейинги етмиш-саксон йил мобайнида жаҳон адабиётини сув қилиб ичиб юборган «Фикри кенг» жуда кўп ёзувчилар адабиёт майдонида фаолият кўрсатдилар, аммо, афсуски, йигирманчи йилларда ўша «фикри тор» Абдулла Қодирий томонидан яратилган «Ўтган кунлар» романига гоёвий-бадиий хусусиятларига кўра тенг келадиган бирорта асар яратилмади. Абдулла Қодирий — биз учун «фикри тор» ёзувчи, лекин замонамизнинг атоқли алломаси Е. Бертельс учун «жаҳондаги олтинчи романчилик мактабини яратган» буюк санъаткор.

Бундай мисоллар билан танишган одам дарсликларимиз бошдан-оёқ шундай хатоликлар билан тўла экан, деган хаёлга бормаслиги лозим, албатта. Мақтовлар, ўзига ўзи бино қўйишлар ҳеч қачон ишимизга наф келтирмагани учун ҳам бу асар биз диққатимизни кўпроқ танқидий нуқтаи назарга қаратдик, холос. Адабиётимизга бўлган самимий муҳаббат; фарзандларимиз келажаги ҳақида, уларнинг маънавий камолоти ҳақида қайғуриш туйғуси, адабиёт дарсликларимизни фикрга, ҳисга чинакам ватан ҳолида кўриш истаги бизни шунга даъват эди. Адолат юзасидан шунини ҳам айтиш керакки, бешинчи ва еттинчи синфлар учун чиқарилган «Ватан адабиёти» дарслик-хрестоматиялари нисбатан талаб даражасида. Бу икки дарсликда адабиётнинг бош вазифаси — инсоншунослик экани тўғри англанади ва тўғри англадилади. Энг муҳими, ҳар иккала дарсликда адабиётга чексиз муҳаббат сезилиб туради. Таҳлиллар эҳтиросли, таъсирчан, содда, аммо асло жўн эмас. Умуман, соддалик билан жўнликни фарқлай олмадик аксарият дарсликлардаги асосий қусурлардан биридир. Жўнлик — ҳеч қачон ибтидоийлик даражасидан юқори кўтарилган бўлмади, соддалик эса — мураккабликнинг олий шаклидир. Шунинг учун ҳам еттинчи синф дарслигидаги А. Пушкин ва Н. Гогол, халқ оғзаки ижодига бағишланган саҳифаларни ҳузур ва ҳаяжон билан ўқийсиз. Шунинг учун ҳам жонли, жўшқин фикр, уйғоқ эҳтирос сизни мафтун этади. Шу боис бешинчи синф дарслигида «Бахшилар асосан қишлоқларда яшайдилар. Улар дoston айтишни ўз боболаридан ўрганганлар» деган жумлаларга кўзингиз тушганда, беозоргина кулимсираб қўйиш билан kifоъланасиз.

Айни пайтда «Дарсликни дарсликка ўхшатиб ёзса бўлар экан-ку», деган фикр ҳам хаёлингиздан кечади.

«Дарсликлар — биз учун муҳим муаммодир, — деб таъкидлади СССР Халқ таълими Давлат комитетининг раиси Г. Ягодин Халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезида қилган докладыда. — Дарсликлар жуда кўп ва хилма-хил бўлиши керак. Биз қўлёзмаларни танлаб олиш ва дарсликлар нашр этишининг янги тартибини таклиф қиляпмиз. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди: келгуси йилда математика ва ноорганик химиядан параллел дарсликлар нашр этилади. 1991 йилга бориб эса яна ўнта фан бўйича ана шундай дарсликлар нашр қилинади».

Бу гапларни ўқиб дилимизда умид уйғонар экан, таъвишланиб сўраймиз: ўзбек адабиёти бўйича қачон бундай дарсликлар яратилади? Қачон ота-оналар ва ўқувчилар даққиюнусдан қолган дарсликлардан эмас, замонавий ҳур фикр билан, тараққийпарвар адабий-ижтимоий руҳ билан йўғрилган ҳаққоний дарсликларга эга бўладилар? Ахир, вақт ҳеч нарсага парво қилмай, ҳеч нарсага шафқат қилмай шиддат билан ўтиб бормоқда. Ҳа, умр ўтмоқда. Сизнинг,

бизнинг, ҳаммамизнинг умримиз физиллаб ўтмоқда. Болаларимизнинг умри ўтмоқда. Фақат зое ўтмаса бас эди...

Доҳиймиз Ленин «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» деб васият қилган эди. Биз доҳиймизнинг жуда кўп васиятларига амал қилмаганимиздек, бу васиятини ҳам адо этган эмасмиз. Йўқса, умрининг деярли ярми пахта далаларида ўтиб кетаётган, ўқув программалари ҳам бўйидан, ҳам энидан уриб ўқи-тилаётган фарзандларимизга бундай норасо дарсликларни раво кўрмаган бўлар эдик.

Кейинги вақтларда кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлаётган проблема — эски ўзбек имлоси билан ўқувчиларни лоақал бир сидра таништириш, бой классик меросимиз яратилган шу алифавит ҳақида қисман тасаввур бериш мақсадида ўзбек тили ва адабиёти дарсликларидеа шу алифбо ҳақида маълумот эълон қилиш керак, деб ўйлайман. Ажаб эмаски, ўнтадан бир ўқувчи бу имлога қизиқиш пайдо қилса; фақатгина ўзбек тили ва адабиёти дарсликларининг эмас, балки барча фанлар юзасидан нашр этилган ўзбек тилидаги дарсликларнинг тили, мазмуни, илмий савиясини ўрганишга бағишланган республика миқёсидаги илмий-педагогик конференция ўтказилса;

кейинги пайтда вужудга келган ижодий шакл — «Ёзувчи дарси»дан радио ва телевидение воситалари орқали бутун республика ўқувчиларини бир вақтда баҳраманд қилиш йўлларини қидириб кўриш мумкин. Айтилик, Абдулла Орипов Тошкентдаги бирорта мактабда дарс олиб борса-да, телевидение бутун республика мактабларига шу дарсни намойиш этса.


Қолаверса, адабиёт дарсликларимизда ҳозирча йўқ хусусиятлар — табиатга меҳр, экологик тарбия мустаҳкам ўрин олиши керак, замонасозлик руҳи чинакам замонавийлик билан ўрин алмашиши керак.

Бундай таклифларни жуда кўплаб айтавериш мумкин. Гап кўп-ку, умр оз. Энг муҳими, уларнинг лоақал ўндан бири бўлса-да, амалга ошишида. Акс ҳолда бизнинг фанимиз ҳам, маданиятимиз ҳам, ҳатто ҳарбий тайёргарлигимиз ҳам бир жойда депсини тураверади. Адабиёт дарсликлари — фарзандларимизнинг маънавий ризқидир. Биз фарзандларимиз ризқига хиёнат қилмаслигимиз, уларга ҳалол, пок маънавий озуқа туттишимиз лозим. Чунки халқимиз болажон халқ, оғзидаги ошни ҳам ўзи емай боласига тутқазадиган халқ. Шундай экан, фарзандларимизга аталган адабий асарлар ҳам энг ростгўй, энг асл, энг диёнатли асарлар бўлиши керак.

Мен бу қизгин даъватларни битар эканман, очиги, аҳволнинг ўзгаришига унчалик ҳам ишонаётганим йўқ. Ахир, тафаккур бюрократиясини, фикр манманлигини енгиб ўтишдан кўра қийинроқ иш йўқ оламда! «Нодонлик — иблисона куч», деб Маркс бекорга куйинмаган.

Аммо буткул умидсизликка тушиб, қўл қовуштириб ўтиришга ҳам бизнинг ҳаққимиз йўқ. Фарзандини, халқини севган, унинг истиқболи ҳақида қайғураётган, ўзбекни ҳам жаҳон айвонида тенглар қатори тенг кўришни истаган ҳар бир виждонли кишининг қўл қовуштириб ўтиришга ҳаққи йўқ. Қадим дунё донишмандларидан бири: «Эртага қиёмат деган кун ҳам дарахт экингизлар», деб васият этган.

Эртага, умид қиламизки, асло қиёмат бўлмаган. Эртага — XXI аср бўлади.



Мутлола

ТОПИЛМА

Зиннат — Қурбонжон додхоҳнинг тахаллуси

Утган аср Фарғона вилоятида кўп-лаб олимлар, шоиру фозиллар яшагани тарихдан маълум. Номин бизнинг замондошларга маълуми машҳур шоирлардан ташқари Боқихонтўра, Ёрий Хўқандай, Зорий, Мухсиний, Насимий, Нозил, Писандий, Рожий, Саодий, Умидий, Шукруий сингари яна ўнлаб назм соҳиблари бўлганки, улардан қолган бадий меросни атрофлича ўрганиш лозим. Шахсий кутубхонамда сақланаётган кўхна қўлёзма баёзда 100 га яқин шоир ижодидан намуналар йиғилган. Ғазаллар, ҳикоялар, латифа ва хотиралар ўзбек ва форс тилида битилган ушбу тўпламда аввали — 1775, охири — 1864 йил саналари кўрсатилган. Баёздаги Зиннат тахаллуси билан ёзилган бир ғазал беихтиёр диққатини тортди. Хўш, Зиннат ким?

В. П. Наливкин ва М. С. Наливкинанинг 1886 йили Қозонда босилган «Фарғона туб жой аҳолиси аёлларининг турмушидан очерклар» китобида шундай сўзлар бор: «Қўқонда бири Зиннат, иккинчиси Маҳзуна тахаллуси билан ижод қиладиган икки шоира бор. Айтишларича, улардан бири хон саройига эркаклар либосида очик юз билан кириб келган ва унинг генераллик — додхоҳ унвони бўлган. Ҳар иккала шоиранинг шеърлари Умархон ва унинг сарой шоирлари томонидан тартибга солинган Мажмуан шуаро шеърлар тўпламига киритилган».

175 йил ҳукм сурган Қўқон хонлигида бирдан-бир аёл — Қурбонжон додхоҳ, яъни генерал унвонига сазовор бўлганидан келиб чиқсак, демак Зиннат тахаллуси ҳам Қурбонжон додхоҳга тааллуқли экани аёнлашади.

Қурбонжон ва у қандай қилиб генераллик унвонига эришгани хусусида икки оғиз.

У 1811 йили Уш шаҳрига қўшни Мади қишлоғида туғилган. Уғил туғилишини кутган отаси қизига Қурбонжон деб исм қўяди. Қисматни қа-

ранки, Қурбонжон унча-бунча эркакларга насиб этмаган баҳодирлик фазилатлари билан доврў таратади. Ешлигидан моҳир чавандоз бўлади, улоқларда эркаклар билан тенгма-тенг олишади, 18 ёшида турмушга беришганда, эридан кўнгли тўймай ажрашади. Ажрашиш ҳақида биринчи бўлиб хотин киши оғиз солишининг ўзиёқ ўша давр учун бамисоли бир исён эди.

Қурбонжоннинг гўзаллигидан хабар топган Андижон ҳоқими Олимбек совчи қўяди ва 1832 йили унга уйланади. Қурбонжон оилапарвар рафиқа, она бўлибгина қолмай турли уруш-жанжал, юқори доирадаги фитна-ю-игволардан эрининг энг яқин ва уддабурон маслаҳатчисига айланади. Маллахон даврида Олимбек ва зирлик мартабасига етишишида Қурбонжоннинг хизматлари ҳам бўлган десак янглишмасмиз.

1861 йили Олимбек фитна қурбони бўлади. Қурбонжон 50 ёшида тул қолади. У Олой халқлари орасида анча обрў қозонгани, истаса қўзғолон кўтариб юборишга қодирлигидан чўчиб унга Олимбек ўз ажали билан ўлди деган хабар етказишади. Қурбонжон тўрт ўғли билан она юртига қайтади. Чамаси эрининг вафот этмагани, балки ҳалок этилганини кейин эшитади. Худоёрхонни қайта тахтга кўтариш ҳаракатларига фаол иштирок этишининг бош сабаби ҳам шунда.

1862 йили Худоёрхонни тахтга кўтариш мақсадида қўшин тортиб келган Бухоро амири Музаффарни Ушда Қурбонжон қарши олади. Аёл кишининг жасурлигидан, ақл-заковатидан, улус орасида орттирган обрўсидан лол қолган Амир Қурбонжонга додхоҳ унвонини беради ва шу ернинг ўзида расмийлаштиради. Уша-ўша Қурбонжоннинг нуфузи ортгандан-ортади, у Олой ва Гулчин қирғизларининг расмий вакилига айланади. Унинг ваколатини тасдиқлаш маъносида Худоёрхон ҳам додхоҳ унвонини беради, ёрлик тақдим этади. Шун-

дай қилиб, Қурбонжон икки марта генераллик унвонига сазовор бўлган.

Қурбонжон Олой-Уш ҳоқими бўлиб турган бир пайтда Уш ноиб бўлимиш ўғай ўғли Жоркинбой Черняев отряди томонидан ўлдирилади. Уш ҳоқимлигини додхоҳнинг тўнғичи Абдуллабек ўз қўлига олади.

Қўқон хонлиги барҳам топиш арафасидаги таҳликали кунларни бошдан кечираётган эди. 1873—1876 йиллар мобайнида давом этган Пўлатхон қўзғолонида Қурбонжон додхоҳ ўзининг ўғлонлари — Абдуллабек, Маҳмудбек, Ҳасанбек ва Ботирбек билан бирга иштирок этди. Қўқон хонлиги йўқотилгач ҳам Қурбонжон таслим бўлишни хаёлига келтирмади, унинг кўрсатмаси билан тўрт ўғли асосий тоғ йўлларини эгаллаб олиб капитан Куропаткин солдатларига қаршилик кўрсатди. Туркистон генерал-губернатори шахсан генерал М. Скобелевни Олойга — Қурбонжон хузурига жўнатди.

Қаттиқ ва тенгсиз тўқнашувлар додхоҳ ўғилларининг магдубияти билан тугади. Қурбонжон дастлаб Қошғарга, сўнг Афғонистонга ўтиб кетди. Скобелев шунда ҳам хотиржам бўлолмади, у майор Ионовни сулҳ учун додхоҳ хузурига йўллади.

Қурбонжон Ионовни ҳурматини жойига қўйиб қарши олди, унинг мақсадини тинглайди ва ундан ҳарбий унвонини сўрайди.

— Мен — майорман, — дейди Ионов.

— Мен эса генералман, — дейди бо-
сиқлик билан Қурбонжон.

Бу, тенг-тенги билан суҳбатлашиш керак, деган маънони ахлглар эди.

М. Скобелев додхоҳ билан бево-
сита ўзи музокара олиб боришга маж-
бур бўлади. Суҳбат асносида Қурбон-
жон бундан кейин қон тўкишдан наф
йўқлигини тушуниб этади. У халқни,
шунингдек уч ўғлини қўзғолондан
қайтаради. (Тўнғичи Абдуллабек ку-
раш йўлини танлайди.) Рус вақтли
матбуоти додхоҳни Олой маликаси
деб улуғлайди.

Қурбонжон генерал-губернатор
Духовский билан учрашиш учун Уш-
га от миниб келганида 87 ёшда эди!..
Суҳбат тугагач, Духовскийнинг адъю-
танти — унинг имоси билан — отга
минаётган додхоҳ ёнига югуриб бо-
риб кампирни отга миндириш учун
ёрдамлашмоқчи бўлади. Қурбонжон
бош чайқаб кўмакнинг зарурати йўқ-
лигини билдиради ва «ҳали кучдан
қолганим йўқ» деб отга минади ва
уни елдириб кетади.

Қурбонжон 1907 йили 1 февралда
96 ёшида Мади қишлоғида вафот эт-
ди. У Ушда дафн этилган..

Додхоҳнинг адабий фаолиятига
келсак, у олий мартабадаги шахслар
даврасида бўлиб, айтиш мумкинки,
Нодира билан, шунингдек Увайсий,
Анбар Отин, Дилшод, Моҳзода Ве-
гим, Муштарий, Зебунисо, қолаверса
Махмур, Муқимий, Фурқат билан му-
лоқотда бўлгани табиий эди. Унинг

мавқеи, фаолияти, мақсад-маслакларидан келиб чиқсак бадий ижодида озодлик, эрк, мардлик туйғулари куйлангани эҳтимолга яқин. Дарвоқе, юқорида тилга олинган Зиннатнинг форсийда ёзган шеъри Турган-битгани малоҳатдан иборат бўлган адаб уммони Гар соя солса (ўша жой) чаман (настарин) бўлмай мазмунидаги мисрадан бошланади. Иккинчи мисрада шоира Ғоят хушбўй қора зулфини магар зоҳид кўрса жуҳуд бўлади, муғ (ҳинду) бўлади, тарсо бўлади, насорий бўлади, ҳатто брахман бўлади деб адаб уммонининг зулфи таърифида фавқуллода муболагалар топади, учинчи — Мен шундай бахти қароманки, бирор кишига хумо бўлиб соя солсам ҳаво (бўрон) бўлади, шамол бўлади, гирдоб бўлади, охир палахмонга айланади деб олдинги мисрадаги муболагани энди табиий кучлар мисолида яна кучайтиради. Навбатдаги мисрада эса шоир бамисоли қилқаламда зариф бир манзара чизади: Отнинг, қўлнинг ва ёй (кама-
ла)нинг суврати солинган водийда чаман бор, лола бор, гулсайри бор, райхон ва сафсарлар жилваси бор..

Тўғри, бир шеър таҳлили билан Қурбонжон додхоҳни шеърят осмонига кўтариш ниятимиз йўқ, балки у Зиннат тахаллусида назмий сатрлар битгани ҳақида ахборот бериш, холос. Агар нодир қўлёзмалар, баёзлар орасида Зиннатнинг бошқа шеърлари учраса, уларни тўплаб адабиётшуносларимиз тадқиқ этишса, сўнг кенг китобхонларимизга маълум қилишса нур устига нур бўлур эди. Муддаоимиз ҳам шу.

Ҳайдарбек БОБОБЕКОВ,
тарих фанлари кандидати.



Баёзнинг ушбу саҳифаси ҳошиясидаги шеър Қурбонжон додхоҳ — Зиннат қаламига мансуб.

ТАФАККУР УММОНИНИНГ КЕМАЛАРИ

Бадия

Қайсидир Ғарб адаби китобларни тафаккур уммонида сузиб юргучи кемаларга қиёс қилган экан. Китоблар — Кемалар. Ажойиб ташбиҳ. Лекин, бу ҳад-худудсиз уммон сирларини сайёҳ-китобхон ўзининг қудратли флотига эга бўлмай туриб кашф эта олармикан?.. Балки, унинг но-чор кемаларига ўрнатилган қороз-елканлар тафаккур ва онг тараққийнинг шиддатли бўронларига дош беролмас... Назаримда кемаларнинг айбидан кўра сайёҳ-китобхоннинг айби кўпроқ. Одатда савияси паст китоблар, ёзувчилар кўп деб нолишади, лекин савияси паст китоблардан кўра,

ночор китобхонлар кўпроқ учраса керак. Ночор китобхонлар эса бўлмагур китобларнинг кўплигидан пайдо бўлади ва кўпаяди. Ғалати парадокс!.. Асил китобхон кўнглининг бир чеккасида ўз китоблари — улғ дўстлари билан ғурурланиб юради. Ахир у хоҳлаган пайтида бу муқаддас даргоҳ эшигини очиши ва битмас-туганмас маънолар дунёсида кўнглига сиққанича сайр қилиши, ўз қахрамонлари-дўстлари билан мунозарага киришиши мумкин. Ва ундан бу ҳуқуқни ҳеч ким тортиб ололмайди, негаки у бу буюк салтанатда ягона ҳоқими мутлақдир.

Лекин, бу салтанатда ҳам ҳар қалай ёмон китоблар ҳам, савияси паст китоблар ҳам, ҳатто «заҳарли» китоблар ҳам бор. Мана, ўша «заҳарли» китоблардан бири. У худди ширали оғу солинган ликобчани эслатади. Китобнинг муқовасини очиш билан унинг ичдаги сўзлар — заҳр қаттиқ илонларга жон кира бошлайди, шунда мен уни тезлик билан ёпаман-да қайтариб жовонга ташлаб қўяман: «Заҳарли китоб!» Энди у менга сохта жилмаяди ва, «Нега заҳарли дейсан, ахир сўзларим ширинку», — дейди. Мен бу жавондан нари кетаман-да, бошқа китобларим олдига бораман: «У заҳарловчи китоб!», «У заҳарланганлар

учун ёзилган китоб!» — баравар чириллай бошлайди улар. Уларнинг олдида ҳам тўхтамай нари кетаман. Йўқ! Китобхон ўз салтанатида одил ҳукмдор бўлмоғи шарт. Айб китобда эмас, айб муаллифда! Шунинг учун ҳам мен бу заҳарли китобдан воз кечмайман. Китобларим орасидаги тенгликни сақлаш учун уларни алифбо тартибда қайта териб чиқаман.

... Мутлола — сеҳрли жараён. Хоҳласанг бир вақтнинг ўзида Рауф Парфининг ёки Миразиз Аъзамнинг маҳзун ва гўзал, аччиқ ва оғир рухтасвири шеърларини тинглашинг, хоҳласанг Габриел Маркес «танҳолигида» дайдишинг, хоҳласанг Темур Пўлатовнинг Тарозийси билан суҳбат қуриб мунозара қилишинг, ёхуд Навоий гулшанида сайр этиб, Бобур жангоҳларида дарбадар кезишинг мумкин.

... Рауф Парфининг икки жилдлик шеърлар мажмуаси нашрга тайёрланаётганлигини саксонинчи йилларнинг бошларида эшитиб қувонган эдик. Кутдик — сабр қилдик. Ниҳоят Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти саксон олтинчи йили «Сабр дарахти»ни нашр этди. Китоб Асад Мухторнинг шу сўзлари билан очилади: «Рауф Парфининг шеърлари ўзига ва бош-



Адабиёт ва биз

1. Ҳозирги ўзбек адабиётида ўзингизга энг маъқул 3 асарни санаб ўтсангиз.
2. Ҳозирги ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига қиёсласангиз.
3. Китоб ўқиш тажрибангиздан пича ўртоқлашсангиз.

1. Мен жанр ва услуб жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи уч асар ҳақида фикр билдиришим мумкин. Улардан бири Одил Ёқубовнинг «Улғбек хазинаси» романи. Роман муаммо талқини ҳамда бадий санъати жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабиётининг қиёфасини белгилувчи асар. Улғ мутафаккари шахсида рўй берган энг сўнги сиёсий-инсоний уйғонишнинг эҳтиросли тасвири Улғбек сиймосини янгидан кашф этишга олиб келган. Улғбек ана шу фавқулодда ёрқин чизилган характер белгиси билан Шайхзода яратган Мирзо Улғбекдан фарқ қилади.

Мен тилга олмоқчи бўлган иккинчи асар болалар адабиётидан. «Еш гвардия» нашриётида чоп этилган «Масҳарабоз бола» китобчасини катта қизиқиш билан ўқидим. Асар болалар руҳиятига мос, ўзига хос поэтик услубда ёзилганки, ўқувчини ҳаяжонга солади. Бу — истеъдодли болалар шоири Анвар Обиджон қаламига мансубдир. Енгил юмор, қувноқ қулги китобнинг бош фазилади. Муаллиф юмор орқали болалар дунёсини тафтиш ва тадқиқ этади. Унинг қулгиси меҳрли қулги.

Анвар Обиджон ижодидаги ўзига хосликни танқидчилигимиз очиб бериши лозим.

Учинчи асар — Дадахон Нурийнинг «Бўстонлиқни қутқаринг» публицистик очерки. Дадахон Нурий бир неча вақтдан бери катта жанрларни четга суриб қўйиб, ҳозиржавоб публицистика билан шуғуллана бошлади. Бунинг сабабини бир нарса билан изоҳлаш мумкин. Улқамизда агрофмуҳитнинг ифлосланиши, яъни табиатнинг касалланиши инсон ҳаётига жиддий хавф тугдирмоқда. Экологик муаммо жаҳон аҳамиятига эга дол-

зарб масалага айланди. Олимларнинг таъкидлашича, экологик ҳалокат хавфи моҳиятан ядро уруши хавфига тенгдир.

«Бўстонлиқни қутқаринг» очерки публицистнинг Ватанга, халққа меҳри ёрқин мужассамлашган эътиборли асаридир. Муаллиф экологик жаҳолатни қаттиқ қоралайди. Экологик жаҳолат — табиатга худбин мақсадлар оқибатини ўйламай муносабатда бўлишдир. Бу — инсоннинг ўз ҳаётига кўра бида туриб суиқасд қилиши демакдир.

Ўз вақтида ҳозиржавоблик билан ёзилган бундай жанговар публицистик асарлар халқимизга баъзи йирик романлардан ҳам кўпроқ фойда келтиради.

2. Ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти нуқтаи назаридан баҳолаш жуда катта масъулият талаб қилади. Бу — жиддий тадқиқот олиб боришни талаб этадиган илмий муаммо.

Жаҳон адабиёти миллий адабиётларнинг табиий ривожидан ҳосил бўлади. Бу — миллий адабиётлардаги соф дурдоналарнинг асрлар синовидан ўтган нодир хазинасидир. Миллий адиб ўз халқининг бетакрор ҳаётини, асл кўнгил мулкани — маънавий бойлигини жаҳон адабиётига олиб киради.

Жаҳон адабиёти беҳад океан бўлса, ўзбек адабиёти унинг қаршисида бир ирмоқ. Ҳар бир ирмоқ ўзига хос бетакрор хусусиятга эга. Буюк олим Улғбек жаҳон фани тарихидан фахрли ўрин эгаллаганидек, классик адабиётимиздан бир қанча сиймолар, биринчи галда Алишер Навоий жаҳон адабиётининг ёрқин юлдузларидан бирдир. Абдулла Қодирий ижоди, Ойбекнинг, хусусан, «Навоий» романи жаҳон адабиёти хазинасига даҳлдордир.

Дунё адабиёти чўққисидан қараганимизда ҳозирги адабиётимизда ҳам жаҳон халқлари назарига тушадиган адиблар мавжуд. Менинг фикримча, шулар қатори Абдулла Орипов шеърятини, Эркин Воҳидов ва Омон Матжон ижоди, Одил Ёқубовнинг «Улғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунар» ва бошқа ўзбек романларини санагим келади. Бироқ, оммавийлик билан умрбоқийликни бир-биридан фарқ қилмоқ ҳам керак.

3. Китоб мутулаасини баъзи бировлар кўнгил очар бир машғулот деб тушунадилар. Асло ундай эмас. Яқинда А. Рибаконинг «Арбат болалари» романи «сара асар» деган ақида одамлар орасига шамолдай тарқади. Ўқиган ва ўқиманган китобхонлар ҳам шу фикрни ҳаяжон билан такрорлай бошлашди. Газета ва журнал редакцияларига роман муаллифини М. Шолюховдан устуи қўйиб асарни ушлаб турган даврни роса қоралаб ёзилган сон-саноксиз хатлар оқими кучайиб кетди. Ҳолбуки, ифодали ёзилган бир қанча саҳифалар, эпизод ва образлар бўлиши билан бирга, умуман олганда, «Арбат болалари» бадий жиҳатдан бир қанча номукамалликларга эга асар. Энг муҳими, унда сўз санъаткорлиги етарли даражада эмас. Асар ҳақида тарқалган юқоридаги сингари хато йўналиш берувчи фикрлар китобхонларни кўпинча чалғитади.

Кўникма-йўналиш маънавий кўзбўямачиликнинг бир кўриниши бўлиб, бир қанча соҳаларда амал қилиши, анча-мунча идрокли одамларни ҳам чалғитиши мумкин. Бу адабиёт учун ўта зарарлидир. Масалан, ўртамеъна ёзувчи, олим ёки танқидчини «катта устоз адиб», «улкан олим» ёки «зўр танқидчи» деб тарқатилган хато фикр — йўналиш кўплаб соддадил кишиларни, айниқса, бошқа касб эгаларини узоқ вақт чалғитиб қўйиши мумкин.

Турмушнинг оддий кўз билан кўраолмаган жиҳатларини ёрқинроқ кўришга ўргатадиган, ҳаётни тушунтирадиган мураккаб адабиёт бор. Енгил ўқиладиган ўртамеъна адабиёт китобхоннинг ҳақиқий сўз санъатини тушуниш йўлидаги бир босқич эканлигини эса Гарсиа Маркес тўғри таъкидлаган. Ҳар бир адабиёт ихлосманди шу йўлни босиб ўтади. Йирик адабиётшунос Виктор Шкловский мураккаб санъат асарларини идрок этишни юксак тоққа кўтарилшга қиёслаган эди. Достоевский ҳам, Толстой ҳам қийин ўқилади, зеро, тоққа чиқиш осон эмас. Юқорига чиқишга эриниб, доим пастда сайр қилиб юрган одам ҳеч нарса кўрмай ўтади дунёдан.

Олди-қочди саргузаштлардан ҳоли камвоқеали мураккаб асарларда фикр, туйғу ҳаракати муҳим ўрин тутати, фикр ҳаракати — қалб ҳаракати демакдир. Ҳар бир фалсафий мулоҳаза ва муҳокама негизда жонли инсон вужуди мужассам. Бундай асарларни чуқур идрок этиб ўқиган китобхон ўзида фавқулодда янгиланиш ҳис этади.

Мен адабий танқидчи сифатида китобни таҳлилий мутулаа қиламан: секин ўқиб, ҳар бир саҳифаси, воқеа ва ҳодисалари хусусида узоқ ўйлаш, мулоҳаза юритишга тўғри келади.



Меҳрибоним ОНАМ

«Еш гвардия» нашриёти чиқарган «Меҳрибоним Онам» китобини очишингиз билан Алишер Навоийнинг

*Оналарнинг оғи остидадур,
Равзаи жаннату жонон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл Онамнинг оғин тупроғи* деган тўртлигига кўзингиз тушади. Ҳа, ҳазрат Навоий Она мартабасини шу қадар кўкларга кўтаради. Лекин Онадек муҳтарам зотни кимлар улғуламайди дейсиз!

Ушбу китобчага турли давр ижодкорларининг Онани мадҳ этувчи сўзлари, ҳикматлари, асарларидан парчалар киритилган. «Она мадҳияси» деб аташ мумкин бўлган мазкур мажмуа «Одобнома» туркумида чоп этилган.

Ўзбек бадий фантастикаси майдонида адибларимиз билан тенгма-тенг баҳслаша оладиган адибаларимиз етишиб чиқаётгани қувонарли ҳол. Фазилят ҲОЖИҚУЛОВА ва Муҳаббат Йўлдошева машқлари бир жилд остида китобхонларга ҳавола этилгани эса фантаст адибаларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан бир далолатдир.



Кўшсаҳифа материалларини ТошДУ журналистика факультетининг толибалари О. МУЗАФ-ФАРОВА ва З. АЛҚАРОВА тайёрладилар.

қаларга муросасиз талабчанлик руҳида ёзилган беомон ва шиддатли айбномалардир!»

Айбномалар!!!

Ўқийсан, ўқийсан — ҳар сафар руҳингда янгиланиш, тозариш юз бераётганини сезиб қувонасан. «Сабр дарахти» отлиқ кема хаёлларингни оёқ етмас кенгликлар сари олиб кетади — шундай кемани қўлга киритганидан гурурланасан. Аммо... китоб бир жилдли эканини, атиги ўн минг нусха босилганини, паст навли қоғозга босилганини, шеърларга зич тартиб берилганини (етти саҳифалик мундарижа, ўн бир саҳифадан иборат сўзбоши, 250 га яқин мустақил шеър бор-йўғи 213 саҳифага жойлаштирилган) кўриб қаттиқ ранжийсан. Табиатан кенгликни, эркинликни севгучи шеърятдан, жамиятнинг виждони бўлган шеърятдан қоғоз аяганимизга ақлинг бовар қилмайди...

Китоблар — кемалар... инсонийлик мартабасини улғуловчи осмон қатларига олиб чиқувчи кемалар...

Қудрат БОБОЖОН,

ТошДУ журналистика факультетининг талабаси.

Очил ТОҒАЕВ,

филология фанлари доктори, профессор.

Улуғбекнинг бошқаруви

(эссе)

Афсуски тарихий китобларда бу ҳақда маълумот сақланмаган. Лекин бир нарсә маълум. 1498 йилдан бошлаб Темир қиссаҳонининг жияни Ҳамза ибн Али тўрт ёшли Улуғбекка бириктириб қўйилди. У Улуғбекдан ўн икки ёш катта, саводли ва билимдон бола эди. Урта асрлардан қолган китобларда айрим ишоралар бор. Масалан, шаҳзодалар ва хонзодалар билиши зарур бўлган «Сулук ул-мулук» («Подшоҳларга қўлланма») китобида келтирилган маълумотларга қараганда, подшоҳлар, хонлар ва йирик феодалларнинг саройида амалда бўлган тартибга биноан, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар тарбияси ёшлигиданоқ «уларни муҳафазат¹ қилиш, аҳволини кузатиб бориш юқори остоналик ва давлат нишонлик» амирларнинг қўлига топширилган. Улардан бири оталиқ деб аталган. Оталиқлар, ишончли бир тарихий китобда ёзилишича, «Тўла умидворлик билан шаҳзодаларнинг хизматида гайрат кўрсатиб, ҳамиша хайрихоҳлик ва хизматкорлик камарини белларига боғлаб... уларни тарбиялаш аҳдини қўлдан бермаганлар». Уша кезларда туркларнинг билкут қабиласидан чиққан йирик амир Шоҳмалик Улуғбекка оталиқ этиб тайинланди. Шаҳзодалар, хонзодалар ва бекзодалар умуман 4—5 ёшидан бошлаб ўқиш ва ёзишни ўрганганлар, уларга махсус биркирилган қиссаҳонлар ўзлари эшитган ва билган нарсалардан, рубъи маскуннинг² ажойиботлари ва гаройиботларидан сўзлаб, уларнинг зеҳни ва хотирасини пешлаганлар. Қиссаҳонлар биринчи муаллим вазифасини ўтаганлар. Улуғбекнинг биринчи муаллими юқорида номини тилга олганимиз, кейинча Шайх Озарий (1382—1462) номи билан шуҳрат топган Ҳамза ибн Али бўлган. У Амир Темир қиссаҳонининг жияни, Байҳақ сарбадорларининг етакчиларидан Али ибн Тусийнинг ўғли эди. Шайх Озарий болалигидан тоғасининг тарбиясида бўлиб, ундан қиссаҳонлик ҳунарини касб этган.

Ана шу Ҳамза ибн Али бирмунча йил Улуғбек билан бирга бўлди ва унга қиссаҳонлик қилди. Шаҳзодалар савод чиқарганларидан сўнг «ғўзалликлар ва латифаларни нақл этувчи» қалам ўрнига қўлга «сувдек нақшлик ханжар ва олов сочувчи қилич» олиб уни «ишлатиш, найзабозлик ва камондан ўқ отиш санъатини» ўрганганлар, чунки «чаққонлик билан бел боғлаб, олам очувчи шамшир ишга туширилмасе, билиш мумкин-ки, мамлакат қалам хизмати билан муҳофаза этилмайди». Бундан ташқари, шаҳзода, хонзода ва бекзодалар от чопиш, чавгон³ ўйнашни ҳам ўрганганлар. Шундан кейин, «Сулук ул-мулук»ларда яна айтилишича, бўлажак ҳукмдор давлатни идора қилиш санъатига: турли лавозим эга-

ларини тайинлаш, солиқ тўлаш, руҳонийлар, мансабдорлар ҳамда бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидаларга ўргатилган. Уша замоннинг таомили шундай бўлган. Шубҳасиз, Улуғбек ҳам подшоҳлар, хонлар ва бекларнинг болалари учун мажбурий бўлган мана шундай мактабни ўтган, албатта...

Темир бир чети Румда, иккинчи тарафи Кошғар билан туташ бўлган улкан давлатни кимнинг инон-ихтиёрида қолдириш хусусида ҳам кўп ташвиш тортган. Чунончи суюкли невараси Улуғбекни ҳам валиаҳдликка мўлжаллади.

Тўғри, Темир ўтқир зеҳни, ақлу фаросати билан бошқалардан ажралиб турган бу набирасини жондан севарди, уни кўпчилик олдида «кўзимнинг нури, салтанатимнинг умидли ниҳоли», деб эркалатар эди. Лекин, бахтга қарши Улуғбек мирзо нозик бўлиб ўсди, бунинг устига кўп вақтини китоб мутуола қилиш билан ўтказар, давлат ишларига рағбати йўқроқ кўринарди. «Бу китоб жинниси охири девони олийга ҳам мунший бўлолмас деб қўрқаман»,— деди Темир бир куни уни топиб келиш учун юборилган хизматкор шаҳзоданинг кутубхонада эканлиги ҳақида хабар топиб келганини эшитиб.

Хитойга юриш бошлаганидан аввал Темир Кони-гида, Ҳиндистонга юриш бошлаганидан аввал, 1397 йили, Тўқал хонимга атаб қурдирган Боғи дилкушода, катта тўю томоша ва қурултой ўтказишга қарор қилди. Тўйга Мироншоҳ, Шоҳруҳ ҳамда Умаршайх мирзонинг ўғли мирзо Искандардан бошқа барча шаҳзодалар, нўёнлар⁴, доруғалар⁵, калонларлар⁶, аҳли савдо; Бердибек, Худайдод Хусайний, Додмалик, Пирмуҳаммад Тоғой Вўқо, Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, Саодат Темиртош сингари нуфузли амирлар қақирлиди. Тўйга Ифранж (Испания), Хитой, Ҳиндистон, Рум, Зобулистон, Ирок, Шом (Сурия), Миср, Олтин Ўрда, Саҳлаб (Россия) ва бошқа мамлакатларнинг Самарқандга келган элчилари ҳам таклиф этилди. Тўю томошалар 807 йили раби ул-аввал ойининг биринчи куни (1404 йилнинг 7 сентябрь куни) бошланиб қирқ кун давом этди. Тўй охирида Шоҳруҳнинг фарзандлари Улуғбек билан Иброҳим Султон, Мироншоҳнинг ўғли Ижил мирзо, Умаршайхнинг ўғиллари Сиди Аҳмад билан Пирмуҳаммад, шулар қатори Мирзо Войқаро ҳам уйлантириб қўйилди. Улуғбекка марҳум Муҳаммад Султоннинг қизи Уғай бегимни олиб бердилар.

Темирнинг кенгаш ва қабул маросимларида катта хотинларидан бошқа ўғиллари ва набиралари ҳам қатнашардилар. Масалан, ҳижрий 806

(1403) йилдан бери Самарқандда меҳмон бўлиб турган Испания қироли Генрих Шининг (1379—1406) элчиси Рью Гонсалес де-Клавихо 1404 йил ёз кунларининг бирида Боғи дилкушода бўлган қабул маросимида ҳам тўрт нафар ёш шаҳзода иштирок этганини айтади. Клавихо Боғи дилкушода ўтган қабул маросимини бундай ҳикоя қилади: «Эшик оғолар бизни икки тарафи гулзор, устига қизил кум сепилган йўлакдан боғнинг қоқ ўртасида жойлашган қасрга қараб етаклаб бордилар. Қасрга яқинлашганимизда унинг олдида турли-туман рангда тобланиб турган фаввора ва унинг ёғинасидаги барваста чинор тагидаги тевараги мрамар панжаралик катта супада адрас тўшак устида, парёстикқа ёнбошлаб ётган Темирга кўзимиз тушди. Эғнида зарбоф яқтак, бошида лаъл ва дурру жавоҳирлар қадалган тоқия... Шу ерда бизни — мени ва Темирнинг биз келмасдан бурун Кастилияга юборган элчисини қоровуллар тўхта-тишди. Сарой беги подшоҳга аталган совға-саломимизни шу ерда қўлимиздан олди. Шундан кейин эшик оғо имо-ишора билан бизни олдинга бошлади. Супага ўн-ўн икки қадам қолганда, йўлакнинг икки тарафида жойлашган қатор супалар рўбарасида қоровуллар бизни яна тўхта-тишди. Аста атрофга кўз ташладим. Супаларда тўрт нафар ёш шаҳзода ўлтиришган экан. Эшик оға бизни улардан ёш жиҳатдан каттароғининг олдида етаклаб борди. Кейин билсам бу Темирнинг жияни экан. Биз унга икки букилиб салом бердик. Супаларда ўлтирган бошқа шаҳзодаларга ҳам шу тариқа таъзим бажо келтирдик. Булар — Темирнинг набиралари эканлар. Шаҳзодалар супадан тушиб қўлимиздаги мактубни олдилар ва подшоҳнинг олдида элтиб қўйдилар...

«Хўш, элчини қарши олган бу шаҳзодалар асли ким бўлган экан? Дарҳақиқат эски китобларда Темир ўтказган қабул маросимларида унинг катта хотинлари ва набиралари ҳам иштирок этганлари айтиладию, лекин кўпинча уларнинг номлари келтирилмайди. Менимча, бу ердаги шаҳзодаларнинг каттаси амрзода Султон Хусайн, қолганлари эса Улуғбек, Иброҳим Султон, Муҳаммад Султоннинг ўғли Жаҳонгир мирзо эканлиги шубҳасиз. Уша вақтда Улуғбек билан Иброҳим Султон 10 ёшда, Жаҳонгир мирзо эса 8 ёшда эди. Шунга қарамай, Темир уларга бошқалардан кўра кўпроқ илтифот кўрсатар ва ҳамиша ёнида бирга олиб юрарди.

Кўксаройда ўтказилган ҳарбий кенгашда Хитой юриши 1405 йилнинг баҳорига белгиланди. Ушанда ҳар бир қўшунот, тумонот, ҳазоражот⁷ ва садажотнинг⁸ юриш вақтидаги ўрни ҳам аниқланиб,

— Салом, домла, тузукмисиз, бардам-бақувват юрибсизми?

— Раҳмат, раҳмат... шу, бир оз маза қочиброқ турибди-да...

— Ундай деманг, домла, энди ишлайдиган — мақола кетидан мақола, китоб кетидан китоб ёзидиган давр келди. Энди касал бўлишингизга ҳам қўймаймиз, бу ёғи, янги асар битирисиз деб эшитиб келдик.

— Тўғри, «Мирзо Улуғбек» эссесини ёзиб тугатдим, нашриётга топширдим.

— Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек сингари боболаримизни «буюк аллома», «улуғ инсон» деймизу, уларнинг буюк бўлиб туғилиб қолганини, яъни ҳар қандай буюк инсон ҳам бир пайтлар бола бўлганини, яхши муҳит, яхши тарбия туфайлигина улар буюклик шаҳодатига эришганини ўйлаб кўрмаймиз.

— Маазкур эсседа худди шунга эътибор берилган — Улуғбек ҳаётининг болалик саҳифалари ҳам ҳикоя қилинган.

— Асарни ёзишда қайси манбалардан фойдаландингиз?

— Китоб асосан XV—XVI асрларда яратилган асарлар, хусусан Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг



«Матлаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-бахрайн», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Хусайн ибн Али Воиз ал-Кошифийнинг «Рашахоту айн ул-ҳаёт», Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихий Рашидий», Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг «Тарихи Абулхайрихоний», шунингдек Улуғбекнинг «Зижи жадиди кўрагоний», «Тарихи арбаъ улус», Али Қўшчининг «Шарх тажрид ал-калом» китоблари, шунингдек, Лутфий, Навоий, Бобур ва бошқа олимларнинг асарларига таянган ҳолда ёзилди.

— Домла, Улуғбек Амир Темирнинг невараси эканини, у болалигиданоқ жаҳонгир бобосининг ёнида юрганини орқаваротдан эшитганмиз. Шундай жангу жадал йўлларида қандай қилиб ўқиш-ўқитишнинг иложи бўлган?

— Тўғри, Улуғбекнинг болалиги Темир юришларининг айни авж олган палласига тўғри келди. Тиним билмай юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар кўчиб юрилган бир шароитда Улуғбекнинг ўқиши қандай бўлгани, унинг бошланғич маълумот олиши қандай кечгани кўпчиликни қизиқтириши табиий. Тарихий манбаларда...

— Кечирасиз, домла, эссени айни шу жойидан бир парчани журналхонларимизга ҳавола қилсакчи?

— Марҳамат, бажонидил.

қишлов жойлари тайин қилинди. Темирнинг ўзи неваралари Улуғбек, Иброҳим Султон, Жаҳонгир мирзо ва амирлардан Бердибек, Шоҳмалик, Шайх Нуриддин, Сарибуга ва хожа Юсуфлар билан Оқсулотда қишлайдиган бўлишди...

Темир Оқсулотда эллик кун турди. Улуғбек, Иброҳим Султон ва Жаҳонгир мирзо ҳам бобоси билан бирга шу ерда бўлдилар. Одатда қирчиллама қиш кезлари катталар бўш вақтини қору совуқдан қочиб пана жойларда, ўчоқ ёки гулхан теварагида ўтказсалар, болалар бунинг аксини қилишади. Улар паға-паға ёғиб турган қор ва совуқнинг ачитиб туришига парво қилишмайди. Кун бўйи кўча-кўйда ўйин билан овора бўлишади. Бироқ Оқсулотда Темир ва хотин-халаждан бошқа ҳамма бирон юмуш билан банд бўлди. Уша кезлари шаҳзодалар ҳам ишсиз қолишмади. Масалан, мирзо Улуғбек теварак-атрофдан олий ўрдуга⁹ бетўхтов келиб турган озик-овқат, кийим-кечак, уруш аслаҳалари ортилган араваларни, пода-пода от ва қўй-молни ҳисоб-китоб қилиш, уларнинг маълум қисмини соҳибқироннинг кўрсатмаси билан қанотларда турган шаҳзодалар ва лашкарга жўнатиш ишларида амир Бурундук барлосга қарашиб турди, бўш вақтларида бўлса китоб ўқиди, одатдагидек бобосининг хос мунажжими мавлоно Бадриддин билан баъзан кечалари, қор тиниб осмон ёришган пайтларда, совуқнинг шиддатига қарамай, ўзлари тушган Оқсулот беги уйининг томига чиқиб юлдузларнинг ўрни ва ҳаракатини кузатишарди...

Икки-уч йил бўлдики, Улуғбек билан мавлоно Бадриддин жуда дўстлашиб қолишди. Мавлоно Улуғбекка ҳисоб ва тақвимдан¹⁰ дарс ўргатарди. Самарқандда бўлган кезларида мавлоно Бадриддин бир кун шаҳзодага подшоҳнинг Кўксаройидаги хос кутубхонасига бошлаб борди. Катта хитойи хон¹¹ устига уюлган китобларни диққат билан кўздан кечириб ўтирган китобдор мавлоно Ориф оёқ шаърасини эшитиб китобдан кўзини олди ва шаҳзода билан унинг муаллимини таниб сапчиб ўрнидан турди ва икки қўлини кўксига қўйиб, салом берди.

— Марҳабо, жаноблар, марҳабо! Қадамларига ҳасанот!— Китобдор «қайси тарафдин шамол учирди?» дегандай мавлоно Бадриддинга маъноли қараб қўйди.

— Шаҳзода бирлан бамаслаҳат сизни зиёрат қилмоқчи бўлдики, мавлоно.

— Қуллук. Қани, тўрға марҳамат.

Китобдор меҳмонларни хон атрофига таклиф этди. Фотиҳа ўқилгач, ҳол-аҳвол суриштиришди, сўнг мавлоно Ориф меҳмонларга яқин орада кўчирилган мана шу хон устида турган китоблар ҳақида сўйлаб берди.

— Ушбул махтутот¹², малик уш-шуаро¹³ Абулқосим Фирдавсийнинг Газнидан юборгон нусхадин кўчирилган. Китобдор қўлёзмани мавлоно Бадриддинга узатди, у китобни бошидан ва охиридан бирикки варағини кўздан кечирган бўлди-да, сўнг уни Улуғбекнинг олдига қўйди. Улуғбек ажойиб хатот¹⁴, мусаввир, наққош ва саҳфофинг¹⁵ нозик диди ва олтин қўллари билан яратилган бу китобни зўр иштиёқ ва ҳавас билан узоқ томоша қилди. Китобнинг қора чармдан ишланган муқовасига ҳам нафис босма нақшлар солинган экан, варақларидан эса кўз узиб бўлмас эди. Нафис шойи қоғозга сал майдароқ чиройлик настағлик хати билан битилган эди. Шеърлар тилло ва ҳаворанг бўёқлар билан тўрт қатор қилиб чизилган устунлар орасига жойлаштирилган, чети олтин ва зангори чизиклар билан ўралган, сарлавҳалари қизил ва ложувард сиёҳ билан ёзилган... Китобдор мирзога муқоваси саҳтиён қизил теридан ишланган яна бир китобни ҳам келтириб кўрсатди. Унинг наққи, безаклари «Шоҳнома»никидан ҳам бадиъароқ¹⁶ эди. Улуғбек унинг ҳар бир варағини диққат билан бирма-бир қараб чиқди. Мавлоно Бадриддин билан китобдор боланинг хаёлини бўлиб юбормаслик учун то у китобдан кўзини олгунга қадар гап қўшмай сукут сақлаб ўтирдилар.

— Қалай, мирзом, махтутотлар Сизга маъқулму?— Китобдор тавозеъ ва меҳрибонлик билан Улуғбекка назар ташлади.

— Маъқул, тақсир. Аммо бундоқ зўр ва ажиб китобларни ёзгон одам бирон кўринадургонроқ ерга ўз исмини ёзиб қўймабдур-да.

Мавлоно Бадриддин билан китобдор бир-бирларига маъноли қараб олишди. Улар боладаги тажрибасизликдан ажабланмадилар, албатта, балки унинг шу ёшдан туриб кўп нарсаларни билиб олишга бўлган иштиёқидан, синчковлигидан таажжубландилар. Китобдор «шоғирдларининг истиқболи зўр-ку» дегандай қилиб мавлоно Бадриддинга астойдил қараб қўйди. Кейин китобларни мирзо Улуғбекка қисқа қилиб тушунтирди.

— Дастлабки кўрғонингиз мирзом, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си эрур, кейингиси эса озарларнинг улуг шоирларидин Низомий Ганжавий жанобларининг қаламларига мансубдур.— Китобдор Улуғбек мирзога қўл қовуштириб таъзим қилди



Астрономия фанининг худоси Ураниянинг ўнг томонида — Улуғбек тасвирланган.

ва унинг янги фармойишини кутди. Шу тариқа ҳар иккалалари ҳам бир нима дейишларини билмай бир неча дақиқа туриб қолдилар. Ноқулайликни мавлоно Бадриддин бузди.

— Мирзо жанобларининг риёзиёт¹⁷ ва илми нумумга¹⁸ ҳам рағбатлари кўпдур. Шундоғ китоблардин яна бўлса кўрсатсалар.

Китобдор нариги хонага кириб кетди ва ҳаял ўтмай уч-тўрт китобни дасталаб кўтариб чиқди, хон устидаги китобларни бир четга суриб қўйиб, уларни Улуғбекнинг олдига қўйди. Лекин бу китоблар Улуғбекда қизиқиш уйғотмади, чамаси. Безаксиз, фақат матн орасида у ер-бу ерида қандайдир чизиклар ва белгилар ёзилган китобларни бир зумда қараб чиқди ва китоблар тахтини текислаб яна китобдорга тикилди.

— Мана бу китоб,— деди мавлоно Ориф китоблардан бирини қўлига олиб,— бундин валлаҳу аълам тахминан олти юз йил муқаддам ал-Фарғоний тарафидин битилгон «Китоб фи жавомеъ илм усул ал-ҳаракат ас-самовия» («Юлдузлар ҳақидаги илм билан осмон ёритгичлари ҳаракатининг асосини (бир-бирига) қўшувчи китоб» — Б. А.)дир. Юлдузлар ва осмон ёритгичларининг ҳаракатини ўргатувчи фойдали китоб.

Бошқа китобларнинг маънисини қисқа тарада мавлоно Бадриддиннинг ўзи тушунтирди.

— Мана буниси эрса Аҳмад ибн Абдулло Марвозийнинг «Зиж ассағир»и, буниси мавлоно Насируддин Тусийнинг «Зиж жадиди элхоний» китобидур.

Улуғбек бу китобни устозининг қўлидан даст юлиб олди ва кўзларига суртди. У бу китобни илгари кўрмаган бўлса ҳам, бир вақтлар Мароғада бўлганда бобосининг қиссахоши Насириддин Тусий ва унинг расадхонаси ҳақида айтиб берган ҳикояси эсига тушди.

— Тангри таоло насиб этса биз ҳам Самарқанди фирдавсмонандда ўшандоқ расадхона курурмиз.

Мавлоно Бадриддин ҳам, китобдор ҳам боладаги бу ишонч ва қатъиятдан аввал таажжубландилар, кейин унга таҳсин ўқидилар.

— Илоҳим мирзоим мурод-мақсадларига етгайлар, омин!— Мавлоно Бадриддин қўлини дуога очди. Китобдор билан Улуғбек ҳам қўл кўтардилар.

Китобдор боладаги илмга бўлган зўр ҳавас ва иштиёқни пайқаб кутубхонада сандал дарахтидан¹⁹ ясалган ва қатор-қатор қилиб қўйилган сандиқларнинг сиру асрорини унга очди.

Ҳақиқатан ҳам Темирнинг кутубхонаси жуда бой эди. Унда барча фанларга: илоҳиёт, ҳадис, тарих, жуғрофия, фалсафа, фикҳ²⁰, тибб, фалакиёт, риёзиёт ва бошқа фанларга оид китоблар сақланарди. Шу-шу бўлди, Улуғбек китобдор Ориф хузурига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Кейинги бир йил ичида бўлса у бобосининг бой кутубхонасидан чиқмай қўйди. Улуғбек Хоразмий²¹, Бузжандий ва Насириддин Тусийнинг²² китоблари билан мавлоно Бадриддиннинг ёрдамида ўша вақтлардаёқ танишиб олди, Беруний билан Умар Хайёмнинг китобларини бўлса Хитой юришига ўзи билан бирга олиб кетди. Оқсулот ва Утрорда турган кезлари «Зиж Маликшоҳий»ни²³ бир оз мутолаа қилдию, лекин Берунийга вақти етишмади...

Осмон ҳали жади буржидан²⁴ оғмаган, совуқ бўш келмасдан тамома мавжудоту махлуқотни қақшатиб турарди. Деярлик ҳар кун қор ёғарди.

Шунга қарамай, Темир жумоди ул-охирнинг 21-куни Оқсулотдан кўчиб Утрор сари юзланди.

Лекин, жаҳонгирнинг Хитойга юриши бошланмасдан барбод бўлди. 807 йил шаъбан ойининг 10-куни (1405 йил 11 февраль) Темир тўсатдан қаттиқ оғриб қолди. Уша вақтлардан қолган тарихий китобларда унинг хасталик сабаблари, касалининг номи ҳақида очиб бир нима дейилмаган. Тарихчи Ғиёсиддин Али унинг Ҳиндистон юриши вақтида бетоб бўлиб қолганлиги ва қайтишда уни тахтиравонга солиб кўтариб келганларини айтади. «Зафарнома» муаллифи «Соҳибқиронни ўша кезлари кўп касаллик чулғаб олган эди»,— деб ёзади. Ҳарқалай бу хасталик Темир учун сўнгиси эди. Бунга олий ўрдадагиларнинг кўпчилиги ишонч ҳосил қилгандилар. Хизикӣ замон мавлоно Табризий подшоҳнинг муолажасида кўп тириши, ҳаракат қилди, лекин нафи бўлмади. Беморнинг аҳволи кун сайин, балки соат сайин оғирлашиб бораверди. Лекин Темир асло ўлишни истамасди. Бир кун у яқин орадаги барча табибларни тўплатди, нурсиз кўзларида «не бўлса ҳам мени шу балодан қутқоринг» деб ёлвориб аломатлари намоён бўлди. Лекин энди унга ҳеч ким ёрдам беролмади. Улганнинг устига тегишган бўлиб табиблар беморни кўриб кетган кечаси, ярим тунда, тасодифми, қонуниятми — Темир ётган хонанинг шнига мўридан ўт туташиб ёнгин чиқди. Беморнинг ёнида мижжа қоқмай ўтирган унинг суякли кичик хотини Чўлпон Малик дод солиб аҳли саройни оёққа турғизди. Беморни дарҳол бошқа хонага кўчириб олиб ўтиб қўйдилар, ўтни ҳам бир илож қилиб ўчириб олдилар. Лекин ҳамма саросима ва тараддудга тушди, айниқса Темирнинг кайфияти бузилди. Темир шу вақтнинг ўзидаёқ мавлоно Бадриддинни чақиртириб, имо-ишора билан «бу не нарсага ишорат?», деб сўради. Мунажжим аввалда бир қадар ўзини йўқотди, нима деб жавоб қайтаришини билмади. Қадимдан келган эътиқодга кўра ҳар одамнинг ўз юлдузи бўлган, юлдузнинг осмондан узилиб тушиши эса умрнинг битганлигига ишора бўлган. Буни Темир ҳам, мунажжим ҳам яхши билардилар. Бу сафар Темир хос мунажжимни шунчаки бир имтиҳон қилган бўлса керак. Мунажжим ўзини қўлга олди ва соҳибқиронни овутишга ҳаракат қилди. «Парвардигори оламнинг карами кенг», деб қўяқолди у. Шу пайт беморнинг оёқ тарафида турган Улуғбек мирзо бундан ўзича хулоса чиқарди:

— Жади юлдузи²⁵ бобом ётгон хонанинг томига қулаб тушмадимиз эркан?..

У сарой мунажжимларидан ҳам, бобосининг ўзидан ҳам Темирнинг толеъ юлдузи мана шу жади юлдузи эканлигини кўп бор эшитган эди...

Улуғбек волидаги Гавҳаршодбегимни икки ой эмган, холос. У асосан бобоси ва бобосининг саховатли кампир Сароймулк хонимнинг иссиқ бағрида униб-ўсди, вояга етди. Бобосининг вафотидан сўнг Улуғбек ва Иброҳим Султон ҳазрати олиялари билан видолашдилар. Улар Бу-хорога, катта оналари эса норасида шаҳзодаларни: Войқора, Ижил, Саъд Ваққос, Суюрғатмишни олиб уғруқ билан Самарқандга жўнаб кетдилар.

Бу видолашув айниқса Улуғбекка оғир ботди. Бир умр бағрига босиб, иссиқ-совуқдан, замон ҳодисаларидан авайлаб-асраб вояга етказган бу кекса олийҳиммат аёл билан у энди қачон дий-



Бу ансамблнинг номи «Табассум». У ҳаётга табассум билан кириб келаётган ёш коллективлардан. Улар ҳали телеэкран орқали, радио тўлқинлари орқали сиз билан учрашгани йўқ. Ҳозирча изланишда. Пойтахтимиздаги Фрунзе районига қарашли 2-Маданият



ОҚ ЙЎЛ, «ТАБАССУМ»!

уйи бағрида шаклланиб боряптилар. Мақсадлари битта — у ҳам бўлса ўзбек миллий қўшиқларини, халқ дардини куйлаш.

Икки оғиз ансамбль раҳбари Тўлқинжон Парпиев ҳақида. Тўлқинжон ўтган йили Тошкент Маданият институтини тамомлади. Санъаткорлик Тўлқинжонга ота касб. Отаси марҳум Жўраҳон Парпиев 1940 йилларгача ҳозирги Ҳамза театри саҳналарида қўшиқли ролларни ижро этган. Кейинчалик Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчи бўлиб ишлаганлар.

«Табассум»нинг репертуаридаги қўшиқлар ҳозир юзтага яқинлашиб қолди. У гоҳ Олий ўқув юртлари, гоҳ мактаблар, билим юртлар, дам олиш боғлари, завод ва фабри-

каларда янграб қолади. Томошабинлар аввалига шунчаки ҳаваскорлар бўлса керак деб туришади. Аммо битта қўшиқ тинглашдими, бас, гўё ансамблини «ўзлариники» қилиб оладилар. Баравар куйлаб, баравар дам оладилар.

Ҳа, ансамблнинг чинакам имтиҳонлари ҳали олдинда. Биз ҳам ёқимли, ҳам машаққатли изланиш йўлларида ёш дўстларимизга оқ йўл тилаймиз.

Суратда: Ансамбль аъзолари Бахтиёр Муҳиддинов, Тўлқин Парпиев — бадий раҳбар, Абдуваҳоб Ғаниев, Ваҳодир Муҳиддинов, Ваҳром Низомов, Абдуваҳоб Одиловлар.

М. БОЛТАБОВЕВ фотолари.

дор кўришади? Бу насиб бўлармикан ўзи? Бу бевафо дунё уларни яна не кўйларга соларкин?.. Улуғбек шу каби ҳаёлларга чўмганича тахтиравон ва ўғруқ то кўздан ғойиб бўлганича кўчанинг қоқ ўртасида қаққайиб турганича қолди. Бегимлар қарвони кўздан ғойиб бўлганидан кейин уни аллақандай оғир туйғу босди, юрагининг бир учини кимдир чўрт узиб олгандай бўлди, кўзларидан дувуллаб ёш оқиб бетини ювди... Вухорога етганларича Улуғбек ҳеч ким билан гаплашмади, алам ўтида ёнди, Сароймулк хоним сиймоси кўз ўнгидан кетмади, у билан Самарқандда, айниқса Султония, Қорабоғ, Казвин, умуман Озарбайжон билан Арманистонда кечган кунлари бирма-бир кўз ўнгидан ўтди. Унинг бу ажойиб юртларда кўрганлари, ўша мамлакатларнинг тарихи, ажойиботу гаройиботи ҳақида эшитганлари бир талай. Буларнинг ҳаммаси ана шу оқила ва сахий аёл шарофати билан эди. Сароймулк хоним бу неварасидан ҳеч нимани аямас, айниқса ўзга юртларда бўлганларида унга ҳамма нарсани кўрсатишга ҳаракат қилар эди. Шу ерда Улуғбекнинг эсига бир воқеа тушди. Воқеа етти йиллик урушнинг учинчи қишини уғруқ Мароғада ўтказган кезлари содир бўлган эди. Уша йили Темир Ширвон ва Гуржистон тарафларга бораётиб анча қартайиб қолган қиссахонини Мароғада қолдириб кетган эди. Бир кун Сароймулк хоним қиссахонни чакиртириб деди:

— Мароға обдон кўҳна шаҳар эрмиш. Ул шаҳарда ва онинг теварак-атрофида осору атиқалар кўп эрмиш. Ҳамза бирлан Улуғжонни олиб бориб аларни томоша қилдириб келсангиз.

Қиссахон Сароймулк хонимга куллук қилди; — Бош устига, бегимпошша. Улуғжоннинг ўзлари ҳам кечадан бери қистаб қўймай турғон эрдилар.

Қиссахон жияни билан Улуғбекка Мароғанинг осору атиқаларини, Урмия кўли атрофидаги баъзи тарихий жойларни томоша қилдирди. Мароға шаҳри Озарбайжоннинг қадимий пойтахти эди. Шаҳар Чағоту дарёсининг Урмия кўлига қуйилишида жойлашган экан. Шаҳарни шимол тарафдан баланд тоғ ўраб тураркан. Тоғ шаҳарни Шимол тарафдан тез-тез эсиб турадиган кучли шамолдан ва бўронлардан асраркан. Бир вақтлар арабларнинг Озарбайжондаги ноибининг қароргоҳи ҳам шу ерда бўлган дейишади... Кунлардан бир кун қиссахон Улуғбек билан жиянини Урмия кўли атрофида жойлашган қадимий бир қасрга олиб борди. Қаср Озарбайжон халқининг миллий қаҳрамони Бобакнинг²⁷ сафдошларидан Муҳаммад ибн Воисга қарашлик бўлган экан.

Қаср вайронагарчиликка юз тутган бўлса-да, ҳали анча мустаҳкам, пастки қаватидаги хоналарнинг баъзилари ҳали бус-бутун эди. Қиссахон 816—837 йиллари бу ерларда араб истилочиларига қарши бўлиб ўтган кўзғолон ва унинг афсонавий қаҳрамони Бобак Ҳасан ўғли ҳақида болаларга кўп қизиқ нарсаларни ҳикоя қилиб берди.

Баҳор бошида қиссахон болаларни ўша атрофдаги Дехи ҳарроқон, Хой, Моранд, Солмос деган шаҳар ва қишлоқларни ҳам томоша қилдирди, бу ерларнинг тарихи билан боғлиқ ажойибу гаройибларни ҳикоя қилиб берди.

Яна бир кун улар Мароғанинг шимолий тарафидаги баланд бир тепаликка чиқдилар ва доира шаклида қурилган улкан бир бинонинг харобаларини томоша қилдилар. Қиссахон болаларга бинонинг тарихини сўзлаб берди:

— Ушбул мавзеда бундин тахминан 200 йил муқаддам расадхона бўлгон. Оли ҳижрий 657 йили Ҳалокхоннинг амри билан курғонлар. Расадхонада юздан ортиқ мунажжим собита юлдузлар ва ўзга осмон ёриткичларининг ҳолати ва ҳаракатини кузатгон эрканлар.

— Бобо, расадхона не вайҳдан ва қачон вайрон бўлгон? — сўради Улуғбек, қиссахоннинг ҳикоясини бўлиб.

Изоҳлар

- 1 Муҳофазат — сақлаш, қўриқлаш.
- 2 Рубъи маскун — дунёнинг аҳоли яшайдиган тўртдан бир қисми.
- 3 Чавгон — от миниб ўйналадиган, ҳозирги тўпли хоккейга ўхшаш ўйин.
- 4 Нўён — мўғулларда — шаҳзода; 10 000 ва ундан ортиқ одами бўлган кўшни қўмондон.
- 5 Доруға — шаҳар ҳокими.
- 6 Калонтар — бирон мулк, музофот ёки қасаба (шаҳар типидagi қишлоқ) бошқарувчиси.
- 7 Ҳазоработ — тахминан 1000 хонадонлик тоғли қишлоқ.
- 8 Садажот — 100 кишилик ҳарбий бўлирма.
- 9 Олий ўрду — ҳарбий юриш вақтидаги муваққат қароргоҳ.
- 10 Тақвим — сайёраларнинг ҳолати ва ҳаракатини кўрсатувчи махсус жаadwal; календарь.
- 11 Хитойи хон — хашамдор хонтахта.
- 12 Махтутот — қўлзма.
- 13 Малик уш-шуаро — шоирлар подшоиси; сарой шоирларининг етакчиси.
- 14 Хаттот — хушхат киши; ҳуснихат устаси.
- 15 Саҳхоф — муқовасоз.

¹⁶ Бадийроқ — нафис, қимматли. Бу ерда «қимматли китоб» маъносиди.

¹⁷ Риёзиёт — математика.

¹⁸ Илми нуҷум — астрономия.

¹⁹ Сандал дарахти — қора-сарик тусли хушбўй бир дарахт.

²⁰ Фикх — қонушунослик, ҳуқуқшунослик.

²¹ Хоразмий — хоразмлик буюк математик олим.

²² Насириддин Тусий — XIII асрда яшаган йирик қомусий олим (тахминан 1201—1274 йиллар).

²³ «Зижи Маликшоҳий» — Умар Хайёмнинг Салжуқийлардан Султон Маликшоҳга (1072—1092) бағишланган тақвимга (календарь) оид асари.

²⁴ Жади буржи — классик астрономияда осмондаги 12 бурждан бири — ўнинчиси; йил ҳисобида 12 декабрь — 21 январь ораси.

²⁵ Жади юлдузи — кийик тусида кўринадиган ва ҳатти истуво (экватор)да жойлашган юлдуз; Орион.

²⁶ Осору атиқалар — ўтмишдан қолган диққатга сазовор жойлар, нишонлар; маданий ёдгорликлар.

²⁷ Бобак — Озарбайжон ва Ғарбий Эронда 816—837 йиллардаги халқ ҳаракатининг етакчиси.

²⁸ Султон Абу Саъидхон — Эронда ҳукмронлик қилган халокуйлар сулоласининг сўнгги ҳукмронларидан (1317—1335).




«ИРИНИЯ» АНСАМБЛИ

В. И. Ленин номли Тошкент педбилим юртининг «Ириния» ҳаваскорлик ансамбли ўқувчи қизлар ўртасида обрў қозонган.

А. КУДРЯШОВ фотолари.








«Еш куч»нинг 12-сонида (1988 йил) биз мактаб ўқувчилари ҳаётдан фотоҳикоя бериб боришни анъанага айлантиришимизни ёзган эдик. Тошкент шаҳридаги 45-ҳунар мактаби ўқувчилари — ана шу саҳифамизнинг меҳмони — сизларга ўз ютуқларини кўз-кўз қилмоқчилар.

Кўриб турганингиздек, ушбу ҳунар мактаби республика тўқимачилик корхоналарига мутахассислар тайёрлаб беради. Кўпгина қишлоқ ҳунар мактабларидан фарқли ўлароқ, 45-СПТУ да ёшларнинг касб олишлари ва маданий дам олишлари учун барча шароитлар яратилган.

Қайта қуриш, давр нафаси барча ҳунар мактабларида ушбу суратлардагидек аён бўлиб туриши учун янги тузилган халқ таълими министрлиги ҳали кўп ишлар қилиши керак.

А. КУДРЯШОВ фотолари.






Бўлғуси шифокорлар ҳаётдан лавҳа.
А. КУДРЯШОВ фотоси.

Кўзингизни авайланг

(Андижон Давлат медицина институти кўз касалликлари кафедрасининг муdiri Алишер Худойбердиев билан суҳбат)



Суҳбатдошим 35 ёшда. Ёш бўлишига қарамай моҳир офтольмолог-врач сифатида ном чиқарган. Бугунгача икки мингдан ортиқ беморни операция қилиб, уларнинг кўзига қайтадан зиё бахш этган. Медицина фанлари кандидати, доцент, область офтольмология жамиятининг раиси.

— Алишер, медицинанинг соҳаси кенг, ранг-баранг, лекин сиз кўз касалликлари соҳасини танлагансиз? Сабаб?

— Бу саволга жавоб бериш учун болалик, ёшлик йилларимни эслашга тўғри келади. Олдинига шуни айтишим керакки, мен Тошкентда, медиклар оиласида туғилганман. Дадам — Раҳимжон Худойбердиев врач — олим, 35 йилдан буён ТошМИда «Одам анатомияси» кафедрасида ишлаб келади. Акам Муроджон, опам Лазиза ҳам врач. Оилавий муҳит туфайли менда ҳам врач бўлиш орзуси туғилган бўлса ажаб эмас. Студентлик чоғимда профессор Муҳтарам Ҳамидованинг лекциялари менда катта қизиқиш уйғотди. Кейинчалик уларнинг раҳбарлигида кўз касалликлари бўйича илмий иш билан шуғулландим. Операцияларда қатнашдим. 1975 йилда ТошМИни имтиёзли диплом билан тугатганимдан сўнг, мен Москвадаги кўз микрохирургияси илмий-тадқиқот институтига йўлланма олдим. 1977 йили шу институтнинг аспирантурасига ўқишга кирдим. Шу даврдан бошлаб кўз касалликларини даволаш метод ва йўлларини ўрганишга астойдил киришдим.

— Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Тақдир мени ажойиб устозларга рўпара қилганидан фахрланаман. Муҳтарам опа ҳақида гапирдим. Москвада менинг илмий ишларимга СССР Медицина академиясининг мухбир аъзоси, профессор, Халқаро офтольмология академиясининг ҳақиқий аъзоси Эдуард Сергеевич Аветисов устозлик қилди. Уларнинг раҳбарлигида 500 дан ортиқ микрохирургия операцияларини бажардим. Кандидатлик диссертациямни ёқладим.

— Ҳаётингиздаги энг қийин операция ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Операциянинг осони, енгили бўлмайди. Ҳар гал скальпелни қўлга олганда жуда катта масъулиятни ҳис этасан киши. Чунки озгина хато беморга шифо ўрнига жафо келтириш мумкин. Шундай бўлсада, мен энг қийин операция деб, энг дастлабки операциямни айтишим мумкин. Негаки, биринчи марта қўлга скальпел олганимда, устозимнинг ишончини оқлай оламанми, деган ўй мени тинимсиз безовта қилган эди.

— Хўш, ўшанда устозингизнинг ишончини оқладингизми?

— Ҳа.

— Алишер, ҳозирги замон кўз касалликла-

ри микрохирургиясида қандай илмий йўналишлар ривожланаяпти?

— Ҳозир, XXI аср бўсағасида совет офтольмологияси жаҳонда энг йирик, етакчи соҳалардан бирига айланди. Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, кўз касалликларини даволашда жаҳонда биринчи бўлиб лазер нури қўллаган, СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, «Олтин кўз» мукофоти нишондори М. М. Краснов, СССР Медицина ФА мухбир аъзолари, профессорлар С. Н. Фёдоров, Э. С. Аветисов каби олимларнинг илмий тадқиқотлари иттифоқимиздагина эмас, бутун дунёда тан олинган. Биз шу устозларни изидан бориб, уларнинг тажрибаларини ўз иш фаолиятимизда қўллаш учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳозир кўз касалликларини операция қилишда микроскопдан, замонавий медицина янгиликларидан самарали фойдаланаяпмиз. Микроскоп, шубҳасиз ҳар бир операцияни сифатли бўлишини таъминлаяпти.

Яна шуни айтишим керакки, кафедрамиз ходимлари профессор С. Н. Фёдоров раҳбарлик қилаётган Бутуниттифоқ кўз микрохирургияси марказида, Пирогов номли 2-Москва медицина институтида ўз малакаларини оширмақда.

— Офтольмологиядаги энг сўнгги янгиликлардан айтиб берсангиз?

— Академик Н. Н. Бурденко номли Бутуниттифоқ нейрохирургия институтида нервга боғлиқ бўлган кўз касалликлари ўрганилмоқда ва даволаш процесслари кузатиламоқда. Москвадаги кўз касалликлари микрохирургияси марказида кўз касалликларини операция қилиш конвейр усулида олиб борилмоқда. Масалан, глаукома, катаракта операциялари айланма қурилма асосида беш хирург томонидан бажарилмоқда. Офтольмологиядаги бу янгилик яқин келажакда бизнинг бўлимимизда ҳам қўлланила бошлайди. Бунинг учун биз замонавий медицина базаси ва етук мутахассис кадрлар тайёрлашимиз керак. Ҳозир шу муаммони ҳал қилиш устида ишлаяпмиз.

— Алишер, беморларингиз орасида ўсмирлар, болалар ҳам бор, шундайми?

— Албатта, бизнинг бўлимимизда ўтган йили тўрт минг киши даволанди. 1400 га яқин кишининг кўзи операция қилинди. Улар орасида болалар, ўсмирлар ҳам бор. Масалан, Комсомолобод районидан 6 ёшли қизча Муҳаррам Қосимова, асакалик 16 ёшли Уткир Муродов ва бошқалар кўзлари хиралашиб қолганлигидан шикоят қилиб келишди. Текширишларда уларда туғма катаракта, яъни кўз гавҳари хира парда тортиш хасталиги борлиги аниқланди. Бу хилдаги хасталикларни операция қилиш жуда мураккаб. Шунга қарамай врачларимиз операцияни муваффақиятли ўтказишди, беморларнинг кўриши яхшиланди.

— Болалар, ўсмирлар ўзларининг ёки бошқаларнинг шўхликлари орқали ҳам кўз касалликларига гирифтор бўлишади. Бу ҳақда Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

— Кўнглимдаги гапни айтдингиз. Бу масала мени ҳам безовта қилиб келаётган эди. Айрим ўсмирлар бебошлик билан ёки бепарволик билан, ўзларига ёки тенгдошларига қаттиқ шикоят етказиш ҳоллари афсуски, тез-тез учраб турибди. Шунинг учун бунга журналхонларнинг эътиборини тортмоқчиман. Хўжабод районидagi Манак совхозида яшовчи 16 ёшли Зарбиш Маманазаровни кўз қорачуғи камалакдан отилган тош билан оғир жароҳатланди. Тош кўзининг шоҳ пардасини йиритиб, гавҳарга зиён етказган. Жалолободлик 6 ёшли Баҳром

Ашуровнинг кўзига кўшнисининг ўғли камалак билан урибди. Натижада кўз қорачуғига жиддий шикоят етган. Наманган область, Чортоқ район «Балиқли мазор» қишлоғидан келган ўқувчи Искандар Маҳмудовни кўзи ҳам камалакдан отилган тош зарбидан оғир жароҳатланган. Олтинкўл районидаги 1-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Бобур Умаров девордан ошиб ўтаётган, ерда ётган ҳари устига юз тубан йиқилган, кўзининг шоҳ пардаси оғир шикоятланган. Андижон шаҳридаги 15-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Воҳид Қўчқоров эса баланд сўридан, миҳланмаган тахталар сурилиб кетганлиги натижасида умбалоқ ошиб ерга тушган, кўзининг склераси (оқ пардаси) устки қатламдаги пардаси йиртилиб пастки қобоқ остлари ёрилган. Кўзининг кўриши тамоман хиралашган, оғир аҳволда клиникага келтирилди. Қўрғонтепа районидан келган 12 ёшли бир қизни кўзига темир парчаси кириб кетибди. Ота-онаси бепарволик қилиб ўз вақтида врачга кўрсатмаган, натижада кўз юмилиб қолган. Андижон районидagi 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Икром Мамадалиев синфдошлари билан шиша ўйнаётганида кўзига шиша синиқлари кириб кўзининг шоҳ пардаси қаттиқ жароҳатланган. Бундай мисолларни бахтга қарши кўплаб келтириш мумкин. Тўғри, уларнинг аксарияти врачларимизнинг малакали ёрдами туфайли соғайиб кетишди. Лекин бепарволик, бебошлик ҳамиша ёмон оқибатларга олиб келишини сира-сера унутмаслик керак. Халқимизда ҳусн тўйда, ақл кунда керак деган нақл бор. Мен бунга кўз ҳам кунда керак, деб қўшимча қилмоқчиман. Кўз бебаҳо, уни ҳамиша асраб-авайлаш керак.

— Ҳозиргина сиз «врачларимизни малакали ёрдами туфайли соғайиб кетди» деб айтдингиз. Ана шу ҳамкасбларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Бажонидил. Кафедранимизда тажрибали мутахассислар анчагина бор. Шулардан бири Ҳабибулло Абдуҳолиқов. Наманган области-нинг Нанай қишлоғида туғилиб ўсган Ҳабибулло 1974 йилда Андижон давлат медицина институтини тамомлаб Давлат имтиҳон комиссиясининг қарори билан институтда ишга олиниб қолган. У етти йил институт комсомолларига етакчилик қилди. Ҳозир институт партия комитети секретарининг ўринбосари. Кафедранимизда яна И. Тўхтабоев, С. Жалолитдинов каби тажрибали мутахассислар, Азиза Аҳмаджонова, Тўйали Ирисқулов каби истеъдодли ёшлар меҳнат қилишмоқда.

— Алишер, сиз ҳамкасбларингизда қандай фазилатларни қадрлайсиз?

— Касбга садоқатни, ҳалолликни!

— Яна?

— Беморларга муҳаббатни, хушмуомалаликни.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, касбга садоқатли ҳалол ва беморга меҳр муҳаббатли бўлган врач ҳар қандай дардга даво топа олади деб ўйлайман. — Мана, янги йилнинг учинчи ойи бошланди. Бу пайтда ҳамма орзу билан яшайди. Сиз нималарни орзу қиласиз?

— Бизга келган барча беморлар дардига шифо топиб кетишларини истайман.

— «Ёш куч» журналхонларига тилакларингиз...

— Ҳеч қачон касал бўлишмасин.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатни Тўланбой АЗИЗОВ олиб борди

ВИДЕОФИЛЬМ КИМГА КЕРАК?

«Мираж» группасининг «Видео-видео» номили кўшиғи сўнги йилларда ёшлар ўртасида кенг тарқалди. Фақат кўшиқнинг ўзими? Йўқ. Видеофильмлар ҳам ҳаётимизга кенг кириб келди. Инсоф билан айтинг, кинотеатрларда Корчагин ёки Матросов ҳақида кино кўрсатилмоқда, видеотекада эса Брус Ли ёки Ли Рой ҳақида фильм намойиш этилмоқда. Хўш, ёшлар қай бирини танлайди? Биринчисиними ёки иккинчисини?

Ростини, аччиқ бўлсада ҳақиқатни айтсак ёшлар иккинчисини — ўткир сюжетли, ур-йиқит, даҳшатли фильмларни томоша қилишни ёқтирашади. Узоқ йиллар биз бу ҳақиқатдан кўз юмиб, ёшлар ғоявий фильмларни ёқтиради, деб бир-биримизни алдадик. Чет эл фильмларини ёмонотлиқ қилиб келдик. Нега ёмон? Нима учун тақиқланади? Бунинг сабабини жойлардаги комсомол мутасаддилари ўзлари ҳам билишмайди. Хўш, нега ўша фильм «ёмон» деб сўрасангиз маъноли бир жавоб топишолмайди. Натижа эса қимматга тушмоқда. Уша биз кўр-кўрона тақиқлаган фильмларни ёшлар яширинча томоша қилишди, қилишмоқда ҳам. Албатта бепулга эмас. Ҳозир матбуотда бу ҳақда кўплаб ташвишли мақолалар эълон қилинмоқда. Уларда нопок кимсалар бойлик орттириш мақсадида видеомагнитофонлардан мўмай даромад олаётганликлари ҳақли равишда танқид қилинмоқда. Улар айлантираётган видеофильмлар ҳали дунёқараши тўла шакланмаган ёшларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Афсуски ғоявий, сиёсий тутуруқсиз яширин видеофильмларни намойиш этувчиларни ушлаб зарарсизлантириш борасида милиция етарли фаоллик кўрсатмаяпти.

Шарқ афсонасининг дурдонаси «Минг бир кеча»да шундай ривоят бор: «Маликалар тўйга кетишади. Саройда уларнинг дўсти Абу Ҳасан қолади. Маликалар Ҳасанга «ҳамма хонага кирсанг ҳам, аммо анови эшиги қулф хонага кира кўрма», деб тайинлашади. Ҳасан барча хоналарга кириб чиқади, аммо негадир маликалар таъқиқлаган хонага киргиси келаверади ва эшикни бузиб бўлсада ўша жойга киради.»

Чиндан ҳам таъқиқланган нарсага қизиқиш ёшларда кучли бўлиши маълум. Сўнги йилларда бу боши берк кўчадан чиқиш учун Наманганда ҳам бирмунча хайрли ишлар амалга оширилди. Яъни, Наманган шаҳри, районлар марказларида видеотекалар, видеобарлар ишга тушди. Жиҳозланган, бадий безатилиши жиҳатидан бу видеобарлар одамни лол қолдиради. Аммо кўзланган натижа деярли «ноль!» Нега дейсизми? Бу видеотекалар асосан кафе, бар, ресторанлар қошида жойлашган. Видеотекага кириш баҳоси қиммат, ўртача 4 сўм. Студент, юқори синф ўқувчиси, умуман ўртача маоши 130, 150 сўмни ташкил қиладиган мутахассис ҳамроҳи билан 8 сўмга киришига кўзи қиймай, куйиб қолаверади. Ахир шунча пулни топиш осонми?

Врачларнинг айтишича овқат маҳали китоб ўқиш соғлиқ учун зарарли. Хўш, шундай экан, овқатлана туриб видеофильм кўриш-чи? Умуман олганда кино, театр, музей, санъат асарлари кўриладиган пайтда овқатланилмайди. Бу — медицинага ҳам, эстетикага ҳам тўғри келмайди. Мана шу маънода — ўйлаб кўрайликчи — кафеларда видеотека очиб тўғри қилинганмикин? Нега ёшларни ғоявий-маънавий тарбиялайдиган, улардаги эстетик дидни шакллантирадиган видеотекалар кафе ва барларнинг ичиди ташкил этилди? Қолаверса, видеотекаларга кимлар боради? Видеотекаларга ким

«хўжайин?» Облестимиздаги видеотекаларни махсус маълумотга эга бўлмаган «ишбилармон» кимсалар олиб бормоқдалар. Қизиқиш учун суриштириб кўринг, видеотекага доимо келиб турадиганларнинг асосий қисми меҳнатсиз даромад ҳисобига пул топадиган нусхалардир. Видеотека, видеобарлар ҳозир даромад манбаига айланиб қолди. Жойларда ишлаб турган видеотекалар умумий овқатланиш трестларига моддий фойда олиб келяпти. Менда шундай таклиф бор. Зудлик билан ресторан, кафелар қошидаги видеотекалар тугатилиб, улар маданият саройлари, уйлари, кутубхоналарнинг ўқув залларида ташкил этилса, агар мумкин бўлса махсус видео клублар очилса, уларга кириш нархи 1 сўмдан ошмас; видео клуб фаолияти уюшма шаклида олиб борилса; клубга олий маълумотли, чуқур дунёқарашли мутахассис раҳбарликка жалб қилинса; ёмон деб таъқиқланган видеофильмлар ҳам тез-тез намойиш этиб турилса; ҳар бир томоша олдидан санъатшунос бир мутахассис фильмнинг аҳамияти, моҳияти, нега ёмон экани ҳақида тушунча бериб борса. Эҳтимол, бу иш-тажриба республикамизнинг бирор бурчагида амалга ошириладигандир. Истардимки, Наманганда ҳам таклифимиз амалга ошса видеомагнитофондан бойиш мақсадида фойдаланаётган нопок кимсаларнинг «бозори касод» бўлар эди. Қолаверса, ёшлар чет эл фильмларини тўғри талқин қилиб олишар эди. Шунда хуфиёна томоша кўришларга қизиқиш сусаярмиди?! Видеотекалар устидан комсомол ташкилотларнинг оталиғи етарли даражада эмаслиги, комсомол фақат видеотекалар устидан назорат олиб боровчи ташкилот бўлмай, балки уларга зарур моддий ва маънавий ёрдамини аямаслиги даркор. Видеотекага муносабатларимизни ҳам қайта қуриш даври келмадимикин?..

Хайрулла ХУЖАЕВ

Видеофильм ҳақидаги ушбу баҳсли мақола тайёрланаётганида редакциямиз почтасига Қашқадарё область Қарши районидаги Қоратепа қишлоғида жойлашган 6-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Убайдулла Шодиевдан қуйидаги мактуб келди. «Салом, ҳурматли редакция!» — деб ёзади у. — Мен журналнинг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Журнал тематикасининг бойлиги, ҳар хил мавзуларда суҳбатлар олиб бориши, айниқса ёшларнинг қалбига тобора кириб бораётганлиги мени жуда қувонтирмоқда.

Мени кейинги пайтларда қишлоғимиздаги бир аҳвол ташвишга солмоқда. Бизга кўпинча катталар ўзларининг ёмон ишлари билан ўрнат бўлмоқда. Ҳурматли журналим, сизга бир мисолни келтириб ўтсам. Биз томонларда, хусусан, қишлоғимизда турли хил чет эл кинолари қўйилапти. Булар бўлмағур кинолар. Уларни қўйиш ман этилади-ку. Нега бизнинг қишлоқларда қўйилмоқда? Буларни жиловлайдиган ҳеч кимса йўқми? Уша фильмларни маълум пул билан қўйилапти. У фильмларни қўйдиган одамлар ўз ор-номусини, виждонини пулга алмаштирган. Улар ёшларни йўлдан оздириб, онгини заҳарламоқдалар. Мана шу фильмларни кўраётган одамлар ичиди ёшлар—мактаб ўқувчилари, ҳаттоки бошланғич синф ўқувчилари борлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Ушундай ҳаёсиз кинолар усиз ҳам кемтик маънавий дунёимизни қашшоқлаштирмайдими? Бизнинг тубан бўлиб кетишимизга шулар сабабчи эмасмикин? Шулар натижасида бизга ёт бўлган алкоголизм, наркомания ва токсикомания каби жирканч иллатлар пайдо бўлмоқда.

Ҳақиқатан, кейинги йилларда шаҳар-қишлоқларимизда видеофильмларни кўриш кучайди. Фильмлар ҳар хил бўлади. Уткир сюжет асосига қурил-



ган видеофильмларга қизиқишни тушуниш мумкин. Лекин ғоявий, пуч, зарарли фильмларни дидсиз томошабинлар, айниқса ўсмирлар, ёшлар қандай қабул қилишади? Зўравонликни, фоҳишабозликни одамларга «юқтираётган» бу фильмлар қаердан, қай йўл билан ҳатто чет қишлоқларга кириб борапти?

Обрў мисқоллаб йиғилади. Одамларнинг тарбияси ҳам мисқоллаб камолотга етказилади. Газета-журналлар, китоблар, мактаб, оила қийинчилик билан ёшларни тарбияласа-ю, аллақандай пул бандалари уларнинг меҳнатини «бир кечада» шамолга совурса? Қани бу ерда Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги тутган қатъий позиция?! Бу ғоявий тартибсизликка ким жавоб беради?

Афсуски, видеосалонлар очишга зўр бераётган баъзи область комсомол комитетлари ҳам «комитет кассасига пул тушди, бўлди» қабилида салонларда (айниқса кечалари) намойиш этиладиган фильмларнинг ғоявий мазмунини назорат қилишдан ўзини четга олмоқда. Область комсомол комитетлари бу борада турли миқёсдаги комсомол ташкилотларига ёшлар тарбияси билан алоқадор бундай принципал масалаларда муросасиз бўлиш ҳақида кўрсатма бериши керак.

Ажиз Ручка

(«1956 йил ҳикоялари» дан)

Мени Зарифа опам рўйхатга олиб кетган бўлса ҳам бошқа киши ўқитди. У узун бўйли, бурни катта, юзи бужур, қориндор Файзи амаки эди. Алифбени ўргана бошладик. Расмни китоблар бизга жуда-жуда ёқди. Ёзувни ҳам аллақандай чиқиқлардан бошладик.

Файзи амаки ҳар доим кўнгироқ чалинганда синфга сиёҳдон ва ёғоч ручкалар солинган туфли қутисига ўхшаш, аммо юпқа фанердан ишланган яшикча олиб кирар ва уни синфдошимиз Давлат исмли болага бериб ҳамма парталарга тарқатиб чиқилиши буюрарди. Кейин дарс тугагач, яна худди шундай қилиб йиғиштириб оларди.

Бир куни хунук воқеа бўлди. Оқ-сарикдан келган, кўринишидан каттароқ бўлган Наби танаффус пайтида ручкасини синдириб қўйибди ва Файзи амакидан кўрқиб полнинг ёриғидан ташлаб юборибди.

Дарс бошланди. Арифметикадан берилган топшириқни ишлай бошладик. Фақат у ёзмай ўтирди. Файзи амаки парталарни оралаб юраркан, унинг олдида келганда тўхтади. Кўзойнагини бурун қаншарига босиб-босиб йўғон овоз билан:

— Сен нега ёзмай ўтирибсан, Наби? — деди.

Наби дарҳол ўрнидан турди. Бошини қуйи солди. Аввал бўйинини, кейин боши аралаш пешонасини қашлаган бўлди:

— Ручкамни йўқотиб қўйдим...

— Ие, нега? Ахир бундан олдинги дарсда ёзганинг шекилли-а?

Наби эҳтиёж бўлмаса ҳам бурнини тортиб қўйди. Зимдан атрофга бирров разм солди. Шу чоқ мени кўрдию, бир нима ёдига тушгандек кўзлари чакнаб кетди. У нима деди денг! О, буни ҳозир ҳам эслагудай бўлсам уялиб кетаман. Гўё мен унинг ручкасини ўғирлаб олган эмишман.

— Йўқ, бу ўзимники, — десам.

— Яшириб олгансан, — дейди.

Кўрқиб кетганимдан кўзларимни катта-катта очганча анграйиб қолдим. Синфда шивир-шивир бошланди. Энг ёмони, ўқитувчининг буйруғи би-

лан икки қиз мени тинтув қилган бўлди.

Нималар бўлаётганига тушунмай, девор бўлиб турардим. Набига қарадим: «Тавба, нега у мени беҳос ўғри деб қолди?!»

Файзи амаки мени қаттиқ хафа қилди. Бу туҳматларга чидолмасдим. Кўзларимга ёш тўлди. Алам билан Набига қарадим. У аллақачон ўқитувчи берган бошқа ручка билан мисолни ишлашга киришганди.

Шу куни кичкина ҳаётимда илк бор ёлгоннинг, туҳматнинг ўткир захрини тотиб кўрдим. Туни билан ухлалмадим. Кўзимни юмишим билан Файзи амакининг гардиши қора, каттакон кўзойнаги ялтираб кўринаверар, аллақандай овозлар қулгимга эшитилиб, тинчлик бермасди. Бошқаларни билмадим, аммо мен бунақа ёмон сабабларга чиройли оқибат билан жавоб бераман. Шунинг учун ҳам синфда мени бекордан-бекорга ўғри қилган ярамас Набига нисбатан қалбимда нафратим борган сари кучаярди.

Секин ўрнидан турдим. Оёқ учида юриб дадам ётган хонага кирдим. Дадам юз тубан тушганча ухлаб ётарди. Аста уйғота бошладим.

— Нима? — деди дадам уйқу аралаш.

— Пул беринг дадажон, беш сўм, — аяндим ҳиқиллаб.

— Нима қиласан пулни?

— Ручка сотиб оламан. Шундай қилишим керак, жон дадажон...

* * *

— Вой, бў-ў-ў... Бунча ручкани нима қиласан, қизим? — деб сўради магазинчи Қўзибой ака бир даста ручкани кўлимга тутқазиб. Мен унга ҳеч нима демасдан зингаллаганча кўчага чопдим.

Мактабга етиб келганимда эндигина дарс бошланганди. Файзи амаки терлаган пешонамини, қип-қизариб кетган юзимни кўриб:

— Ҳмм... Ухлаб қолибмиз-да-а? — деди киноя билан. — Ҳа, майли, нима ҳам дердик, кирасан-да, энди.

Аламдан баттар қизардим. Тез-тез юриб жойимга келдим. Утирмай сумкамдан ўттизта яшил ручка ва бир қанча перони олиб Файзи амаки томон юрдим.

— Бу нима? — деди Файзи амаки ҳайрон бўлиб.

— Ручка, — дедим лабларим титраб. — Ўғирланган ручка учун.

Болалар ҳаяжонланиб менга қарашди. Фақат Набигина бошини кўтаролмасди.



Али бува

Аълам бешинчи синфда ўқийди. Мактабдан келиши билан карнай-сурнай овозини эшитдию, сумкани қўйиб кўчага чопди. Бир тўда болаларга қўшилиб, ўйинни томоша қилгани ошди.

Қўшни маҳалладаги Норбой ака ўғлига тўй қилган. Тўйхона одамлар билан гавжум эди.

Аълам дарвозадан кириши билан кўзи одамлар даврасига тушди. Карнайчи карнайини олқасига қўйганча тўй эгаси шаънига яхши тилаклар айтар, сурнайчи атрофга завқ билан боқар, ўн ёшлар чамасидаги кўзи гилай бола ногора чалишга шай бўлиб турарди.

Карнайчи сўзини тугатиб, «бошладик» дегандек ишора қилди. Карнайнинг гат-гути, ногоранинг гумбир-гумбири, сурнай навоси авжга чиқди. Бир пайт қўлида қайроқтош, дўппини қийшиқ қийган йигитча узун ёғочоёқда ўйинга тушиб кетди.

Уйин бир соатлар чамаси давом этди. Кейин карнайчи жўнаб кетди. Одамлар ош егани кела бошлади. Кимдир шошиб:

— Ана бойиччахон. Бойиччахон келди! — деди.

Аълам ярқ этиб қаради. Кўча эшикдан кириб келаётганлар орасида Али бува ҳам бор эди.

Чол кўримсизгина уйда бир ўзи яшайди. Эшак-аравада қишлоқ айланади. Аторлик қилади. Ҳар куни унинг овози узоқ-яқиндан эшитилиб туради: «Кўк ранг келди. Қизил ранг келди. Игна келди. Тароқ келди!..»

Дошқозон олдида турган пакана, семиз Ҳоқим қассоб у томон юрди. Сўрашди. Одамларга кўз қисди-да, Али бувага қаради.

— Қани, бойиччахон, бир думалайсиз энди!

Али бува айвонга чиқиб келди. Ерга ёнбошлади. Уй остонасигача думалаб борди. Ҳар думалаганда Ҳоқим қассоб қоринни силкитиб кулар, унга бошқалар ҳам қўшилишарди.

Болалар орасида турган Аълам чидаб туролмади. Юзини четга бурди: «Бечора Али бува! Нега думалайди. Нега одамлар уни масхара қилишади? Ахир... Йўқ, мен укамга тўй қилганимизда уни бундай қилдиришларига йўл қўймайман. Ҳоқим қассобни, унга ўхшаганларни ҳайдаб чиқараман!..»

Али бува ўрнидан турди. Эгни-бошини қоқди. Одамлар қаторига келиб ўтирди. Аъламининг назарида унинг қадди яна ҳам кичрайгандек, кўксини тўлдириб турган оппоқ соқоли яна ҳам оқариб кетгандек, доимо ёшланиб турадиган хира кўзлари яна ҳам кўпроқ ёшлангандек эди.

Аълам шу куни кечқурун уйда дадасидан сўради.

— Дада, Али бува тўйларга борганда нега думалайди?

Дадаси жавоб қилди.

— Боласи йўқ. Қишлоқдаги ҳамма болаларни набираларим дейди. Уларнинг тўйида думалайди...

Эрталаб кўчадан яна арава ўта бошлади. Али буванинг овози эшитилди.

— Игна келди. Қора ранг келди. Қизил ранг келди!..

Аълам уйдан отилиб чиқди.

— Али бува-а, тўхта-а-анг!..

Арава тўхтади. Чол ортига қаради.

Аълам кела солиб арава гилдиракларига ёпишди. Ҳансирар, тез чопганидан нафаси тиқилиб, зўрға гапирарди.

— Мен... Ҳалиги... Буважон, сиз ҳечам тўйларда думаламанг. Бойиччахон бўлманг. Эшитяпсизми буважон, бойиччахон бўлманг. Истасангиз мен сизга ўғил бўламан!..

Чол болага тикилиб қолди. Хўрлиги келди. Соқоли титради. Тиззасида турган қамчинни олди.

— Қоч! — деди овози бўғилиб. Эшакни ниқтади. — Чух, жонивор!

Арава гилдираклари гижирлади. Аълам ўзини четга олди.

Чол кетиб борар экан, ҳазин, дардли овози эшитилди.

— Игна келди, Тароқ келди. Қора ранг келди... Аълам ҳайрон бўлганича кўчанинг ўртасида қараб қолди. Унинг кўзларида ҳайрат бор эди.

Янги таржималар



Евгений ЕВТУШЕНКО

Қўнғироқ

Кечир, эй сулув қиз, ёмғирли бу кез
Қалбинга чулганса ширин эҳтирос,
Намхуш лабларингдан ўпганча беҳис
Турибман ёнингда бемажол, бесош.

Ажиб туюлса-ю бу дамлар сенга
Уйлай бошласанг гар янги ноз-финоқ,
Алданмоқ қўрқинчли туюлмас менга
Жонгинам, қўрқаман алдашдан бироқ.

Утинчим, шаккок деб ном тақма асло,
Муҳаббат қалбимнинг ҳамрози — инон,
Севдим деб лоф урсам, ишонма, аммо,
Сени севмаслигим бу ҳам ғирт ёлгон.

На севгим эрурсан, на ё бир эрмак
Елбориб сўрайман юз бурма, лекин
Бу кун севгинг билан сархуш шў юрак
Эрта кун севганин шивирлармикин...

Майли дариг тутгил меҳрингни мендан
Майли туюлсам ҳам сенга тош-метин.
Айрилгим келмайди ёнингдан бир дам
Шивирламас қурғур бу юрак лекин.

Утинчим, шаккок деб ном тақма асло
Муҳаббат қалбимнинг ҳамрози — инон.
Севдим деб лоф урсам ишонма, аммо
Сени севмаслигим бу ҳам ғирт ёлгон.

Афғон чумоли

Рус йигити ўлиб ётар
афғон юртида
Бир чумоли ўрмалайди
унинг бетида.
Азоб эди унга юриш
ўлик этида
(Усган соқол чангалзорга
ўхшар эди-да)
«Гофил банда, билмадинг ҳам
қачон бердинг жон.
Билар эдинг ёлғиз фақат
анов юрт — Эрон.
Нега бизга яроғ билан
бердинг сен салом
Билмасдинг-ку шу пайтгача
нелигин ислом?
Хор-яланғоч, оч юртимда
сенга не борди?
Ўз юртингда тахтил бўлса
оддий қўлбости!»
Етмасмиди шаҳид кетган
шунча аждодинг,
Унутдингми, йигирма милёнга
тутган фарёдинг?»
Рус йигити ўлиб ётар
афғон юртида
Мусулмони чумоли ўрмалайди
бетида.
Қани эди кўтарса-ю,
қуввати етса,
Чулчут чумолилар юртига
элтса.
Бироқ чулчут юрда
чумоли ҳам оз
Чўқинтириш учун
мутлақо етмас.

Русчадан Бахтиёр КАРИМОВ таржималари.

Қўлбости — асл ўзбекча, қолбаса сўзи шундан олинган.

ҚИРОЛНИНГ ЛИБОСИ БОРМИ?

Ёзувчи Олим ОТАХОНга очиқ хат

Олимбой! Кеча мендан эътиқод ҳақида сўраб қолдингиз. Имон-эътиқодли одам қандай бўлиши кераклиги ҳақида тасаввуримиз хиралашиб қолган экан шекилли, даб-дурустан бирон нарса дейишга иккиландим. Сиз ҳам шундай аҳволда юргангиз учун ўзингизни қийнаётган муаммони мен билан ўртоқлашмоқчи бўлгансиз. Дунёнинг ишлари шу қадар чигаллашиб кетганки, уни фақат баҳамжиҳатлик билан ҳал этиш мумкин. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деб бежиз айтишмаган-ку. Сабаби, кўпчилик фақат ўз ташвишлари билан ўралашиб, жамиятнинг аҳволи ҳақида ўйламай қўйган, биронинг қайғусини ҳис этмайдиган бўлиб қолган. На худодан, на бандадан қўрмайдиган шахслар кўпчиликка бош бўлиб олганга, таълим-тарбия берадиган, маърифатга чорлайдиганларнинг виждони тоза эмаслигига кўникдик. Бефарқлик қонимизга сингиб кетди. Қаердаки бефарқлик ҳукмрон экан, у ерда адолат таянча қилини, одамлар бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, юксак гоёлар учун жонини фидо этиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Шарқ мутафаккирларидан бирининг: «Хуббул ватани минал имон», яъни ватанни севиш имоннинг нишонасидир, деган гапи бор. Чиндан ҳам ватанин севиш учун имонли, виждонли одам бўлиш керак. Ватан-ку бир парча замин, шу тупроқда яшаётган одамларни севиш, уларга яхшилик қилиш учун қандай сифатларга эга бўлиш керак?

Эътиқодли одам бўлиш учун фақатгина Ватанин ёки халқни севиш kifоя қилмайди. Барча инсоний фазилатлар эътиқоднинг маълум қирралари холос. Кимки ўзини таниса, роббини танийди, деган ҳикмат бор. Одам ўзини танимагунча на ватанин, на халқини севади. Бунинг учун инсон илм-маърифатли бўлиши керак. Маърифатли одам инсониятга тааллуқли ҳамма нарсадан баҳра олади, динга ҳам, тарихга ҳам, урф-одатларга ҳам ҳурмат билан қарайди. Афсуски, бизда шу пайтгача бунинг аксича бўлиб келди. Ҳалигача тарихимизни, улуг алломалар ҳаётини, адабиётимизни бир ёқлама, ўзимизнинг тор қолишимизга солиб ўрганапмиз. Бу ҳалигача биз ўзимизни танимаганимизни кўрсатади. Ваҳоланки, «Огонёк» журнали саҳифаларида инсоният тарихидаги ҳеч қандай ҳодисани, шу жумладан динни ҳам четлаб ўтмаслик кераклиги ҳақида фикрлар айтиляпти. «Инжил» шундай тарихий обидаки, бу китобсиз фақат ўтмишдаги тарихни эмас, балки инсоният тараққиёти босқичларини ҳам билиш маҳол», — деб ёзади Днепрпетровск дорилфунунининг илмий коммунизм кафедраси доценти С. И. Жук. Биз эса Қуръоннинг аҳамиятини ўрганиш тугул бу китобда нима ёзилганига ҚИЗИҚИШДАН ҳам чўчиймиз. Бу қўрқув қачон пайдо бўлди? Нега одам одамдан қўрқиб қолган? Дин шундай таълим берадими? Ахир «Инсонларнинг ҳаммаси худди тароқнинг тишидек тенг қилиб яратилган», деган доно фикр бор-ку. Ҳамма тенг экан, нега бир халқнинг вакили айтган фикрни иккинчи халқнинг вакили ўртага ташлолмайди? Нима монелик қилади бунга? Қўрқув!

Қўрқув — имони заиф, эътиқодсиз одамга хос хусусият.

Тарихдан маълумки, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Навоий сингари даҳолар имонли, эътиқодли бўлгани учун ўлмас асарлар яратилган. Афсуски, биз уларга муносиб ворис бўлолмапмиз. Бунга жуда кўп нарсалар қатори эътиқодимизнинг сустлиги монелик қилапти. Оқибатда, шахсимиз ҳам, адабиётимиз ҳам ўртамеъна савиядан нарига ўтгани йўқ.

Тўғри, Совет Иттифоқида 1923 йилдан то эллингичи йилларнинг ўрталаригача мисли кўрилмаган хунрезликлар юз берди. Ватан учун, янги гоё учун жонини фидо қилган кишилар таъқиб остига олинди, қамалди, сургун қилинди, отилди. Урушда тасодифан ёки мажбуран асирга тушганларнинг ҳаммаси ажал лагерларига жўнатилди. Шу ўринда Шарқ мутафаккирларидан Жомий Тирмизий келтирган ҳикматни эслатиб ўтиш ўринли: «Одамлар кўра била туриб эҳтимолга ихтиёр берса, унинг қўлини қисқартириш чорасини кўрмаса, уларнинг ҳаммаси баробар азобда қолади».

Тўғри, тарих ҳақида четдан туриб ҳукм чиқариш осон. Агар ўттизинчи йилларда яшаганимизда эҳтимол биз ҳам бу воқеалардан четда қолмаган бўлардик. Лекин, барибир, вақтли матбуот саҳифаларини ва рақлаб туриб, ҳайратдан ёқа ушламан. Биз худони рад этиб, диний эътиқодларни топтаб, ўзимиз ботил худо яратдик, унга сажда қилдик. М. Исаковский, М. Рильский, А. Сурков, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулум сингари улкан шоирлар ҳам Сталинни мадҳ этиб, шундай асарлар яратилганки, ҳали худо ҳам бунчалар таъриф-тавсиф этилмаган. Гапимнинг исботи учун машҳур бастакор Исаак Дунаевскийнинг 1949 йилда нашр этилган китобида чиққан хатидан бир парча келтираман: «Сталин фақат бизнинг давримизнинг буюк одами эмас, инсоният тарихида биз улугворлик ва буюкликнинг, маълум ва машҳурликнинг, ҳурмат ва эҳтиромнинг бунчалик зўр ифодасини кўрмаганмиз. Биз у билан замондош, иш фаолиятида лоақал кичкинагина хизматчи бўлганимиздан фахрланишимиз керак. Афсуски, биз (айниқса ёшлар) Сталиндек одам биз билан бир ҳавадан нафас олаётганини, битта осмон остидаги заминда бирга яшаётганимизни унутиб қўйяпмиз».

Бу одамни худого айлантириш эмасми? Ваҳоланки, орадан кўп ўтмай Сталин мукофоти билан тақдирланган буюк бастакор ўз жонига қасд қилди. Кавказ тарихини ёзган олим Гусейнов «Башар қуёши» инъом этган мукофот билан тақдирланганидан кейин боғидаги дарахтга ўзини осди. Фадевекд истеъдодли ёзувчи ўзини отди. Ўзимизда-чи? Чўлпон, Фитрат, Элбекнинг номига қора чаплаганлар, Абдулла Қодирийни, Усмон Носирни ўлимга ҳукм этганлар, Мақсуд Шайхзодага ўла-ўлгунча азоб берганлар, Ҳамид Сулаймоннинг ўн беш йиллик умрини сургунда ўтказганлар ҳали ҳам орамизда юрибди. Улар виждон азобига чидолмай ўз жонига қасд қилишдими, ҳеч бўлмаса ҳамма айбни даврга ағдариб узр айтишдими? Йўқ. Улар энг катта мукофотлар билан тақдирланиб, фахрли унвонлар олиб, давраларнинг тўрини эгаллаб, минбарларда чиройли нутқлар сўзлаб юришибди. Улар кечалари хотиржам ётиб ухлашади. Сизга ўхшаб эътиқод сусайиб кетаётгани ҳақида қайғуриб, изтироб чекишаётгани йўқ.

Олимбой! Ленин асос солган жамият доҳийнинг вафотидан кейин кимларга қолганини, социализм ҳақида қандай чалкаш фикрлар уйғотишганини биз энди рўй-рост кўриб турибмиз. Ленин диндорларга чуқур ҳурмат билан қарагани ҳолда коммунистлар ҳам ўз эътиқодига содиқ, ҳар томонлама покиза одам бўлиши керак, деб таълим берган эди. Афсуски, Лениндан кейин давлат тепасига чиққан одамларнинг фаолиятига назар ташласак, этимиз сесканади. Сталин ашаддий хунхўр, каллакесар бўлиб чиқди, Жданов, Молотов, Берия, Ежов, Ворошилов, Микоян шафқатсизликда ундан қолишмаслиги репрессиядан тасодифан омон қолган давлат арбобларининг, ёзув-

чиларнинг хотираларида баён этиляпти.

Сталиндан кейин давлат тепасига келган Хрушчев мамлакатни бутунлай парокандаликка солди, қишлоқ хўжалиги, айниқса, чорвачиликни издан чиқарди, одамларни бир бурда қора нонга зор қилиб қўйди.

Брежневнинг кўрсатган кароматларини гапиришга тил бормайди. Ўзи таъмагир, шухратпараст бўлгани етмагандек, куёвининг порахўрлигини, қизининг давлат миқёсида тиллафурушлик қилганини айтмайсизми? Турғунлик деб ном олган йилларда биз «Доҳий»ни бакрайтириб қўйиб, сизнинг гоёларингиздан руҳланиб фазога учяпмиз, янги ер очяпмиз, китоблар ёзаямиз, деб ялтоқлик қилдик. Бундай кимсаларни ер ютгани йўқ, ҳали ҳам уларнинг ошиғи олчи. Ошкоралик ниқоби остида энди қайта қуришга киришиб, меҳнаткашларнинг дунёқарашини ўзгартириш билан шуғулланиб юришибди. Шундай кимсаларни кўриб, Маркснинг «Худо одамни эмас, одам худони яратган» деган фикрига ишонгинг келади. Сабаби, биз кўп худоларни, республикаларда эса худочаларни яратдик, ҳокимият тепасида турганда уларга сиғиндик, амалдан олиниши ёки ўлиши билан кирдикорларини фош этиб, устидан мағзава тўқдик.

Совет Иттифоқи ер юзидаги худони рад этган биринчи давлат. Лекин, худони инкор қилган ҳолда унга шунчалик эҳтиёж сезарканмизки, илоҳсиз кунимиз ўтмас экан (Эҳтимол, одамнинг табиати кимгадир сиғинишга, кимдандир мадад олишга мослаб яратилгандир). Оқибатда, ўзимизга ўхшаган одамларни худди юнонлар македониялик Александрни худолар қаторига қўшгандек маъбудга айлангирдик. Алалоқибат, македониялик Александр «Бевақт ўлим топаётганда ажабланиб: «Мен худо бўлсам, нега ўляпман», деб кўнглидан кечирган. Худди шунга ўхшаб Сталин ўлганда унга сиғиниб, унга суяниб ўрганиб қолган одамлар: «Йўқ, бундай зот ўлиши мумкин эмас, ахир у бизни урушдан олиб чиқди, унингсиз фашизмдан қутулолмасдик», — дея хитоб қилишган. Аслида мана шу оми, соддадил одамлар ўзларини ҳам, бутун мамлакатни ҳам бало-қазолардан асраб қолишган, тўкилган қонлар, берган қурбонлар эвазига уруш офатини даф этишган.

Ўзбекистонда то эллингичи йилларгача нималар юз берганини бир эсланг: ҳамма имонли, эътиқодли одамлар бесўроқ отилди, араб имлосини билган, бу ёзувда китоб ўқиган кишилар йўқотилди, миллий урф-одатлар оёқости қилинди, миллий гуруҳ топталди, ҳатто олтмишинчи йилларда тўйда карнай-сурнай чалиш эскилик сарқити сифатида таъқиқланди, етмишинчи йилларда болаларни ҳатна қилдиргани учун партиявий жазо берилди. Саксонинчи йилларнинг ўрталарида ўлган отасига жаноза ўқитгани ёки мазорга бориб кўз ёши тўққан одам шармандаларча ишдан олинди. Бу калтабинликларни халқ эмас, республика раҳбарлари ўйлаб топишди. Улар худди ўттизинчи йиллардагидек, одамларни баҳор байрамни нишонлашдан маҳрум қилишди. Бунга эътироз билдирган ёзувчиларни сиёсий кўрликда айблашди. Уша кунларда Асқад Мухтордек ҳурматли ёзувчимиз ноҳўя ҳаракатларга эътироз билдириб, ўз сафдошларини ҳимоя қилса бўлмасмиди? Абдулла Ориповдек таниқли ва талантили шоир жасоратли қаламкашларни ёқлаб эмас, нуфузли раҳбарларга хуш келадиган шеърлар ёзди. Бугун у доҳийчалар йўқ. Аниқроғи, улар қамоқда. Энди бир-биримизнинг юзимизга қандай қараймиз. Мен давлат жинойтисини деб эътироф этилган Шароф Рашидов ҳақида асар ёзган Мир-

муҳсин, уни асарларига прототип қилиб олган ва саҳоватларидан баҳраманд бўлган Ҳамид Фулом, «Кашмир қўшиғи»га сўзбоши ёзиш бахтига мушарраф бўлганидан боши кўкка етган Туроб Тўла ва бошқа ўнлаб қалам соҳиблари бугун тавба-тазарру қилмаётганига, халққа эмас, раҳбарларга ёқиш учун интилиб яшашнинг фожиаларини очиб, ёшларни ҳушёрликка ундамаётганига заррача ажабланмайман. Ҳар кимдан яраша нарса талаб қилиш керак. Тўғри эмасми?

Рус ёзувчилари ўттинчи йилларда қораланган қаламкашларни оқлаш, чет элга кетиб қолганларнинг асарларини чиқариб, элга танитиш ғамини еяётган бир пайтда ўзбек адаблари нималар қилиб юришганини кўрмайсизми? Орамизда ҳалигача Чўлпону Фитратларни оқлашга монъелик қиладиганлар, ҳатто беш аср муқаддам яшаб ижод этган Бобурдек буюк алломага ўзининг гази билан баҳо бериб, қоралайдиганлар бор. Сиз эса мендан эътиқод ҳақида сўраясиз. Эътиқодни қўйинг, орамизда виждони тоза одам топиладими, деб сўранг. Эҳтимол бу саволингизга жавоб бериш осонроқдир.

Олимбой! Негадир бизда юлғич, виждонсиз деган иборалар фақат савдо ходимларига нисбатан ишлатилади. Уларнинг юлғичлиги исботталаб гап эмас. Лекин савдо ходимлари орасида мард, муҳтож қўшнисига ёрдам қўлини чўзадиган, маҳалланинг юмуши учун жон-гани билан хизмат қиладиганлари ҳам бор-ку. Афсуски зиёлиларнинг, ҳаттоки ёзувчиларнинг орасида бировга астойдил жони ачиб ёрдам берадиган мардни учратганим йўқ. Ойбек домла ёшларга бегараз ёрдам берганини кўп эшитганмиз, М. Пришвин қартайган чоғида нашриёт директорига қўнғироқ қилиб, икки жилдик танланма асарлар ўрнига тўртта ёш ёзувчининг китобини чиқаришни ўтинганини, Твардовский В. Тендряковнинг, Ф. Абрамов Ч. Айтматовнинг асарларини юрак ютиб чиқарганини, кўпгина бошловчи қаламкашларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берганини биламиз. Вироқ, бугунги тирик ёзувчиларимизнинг қайси бири бу зоти муборакларга ўхшайди? Наҳотки олижаноблик, инсонпарварлик удумдан чиқиб кетган бўлса? Ваҳоланки, шарқ мутафаккирлари: «Ўзингга раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр», — деб таялим беради. Нега биз унга амал қилолмаёемиз? Нега ҳамма фақат ўз манфаатию, ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайди? Ахир, инсоннинг ҳаракатига яраша баракат берилишини, бахилнинг боғи кўкармаслигини ҳамма яхши билади-ку. Нега билатуриб... Қўйинг, беҳуда саволлар билан бошингизни қотирмай, бунинг сабаби аён — имон, эътиқод йўқолган.

Сиз аргентиналик ёзувчи Хулио Кортасарнинг «Изма-из» ҳикояси ҳақида тўлқинланиб гапирганингиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳикоя қаҳрамони ўтмишда яшаган классик шоир ҳақида жуда ажойиб асар ёзади. Унинг асари шов-шувларга сабаб бўлади. Уни юксак лавозимга, мукофотларга тавсия этишмоқчи бўлган пайтда асар қаҳрамони ўзи кўкларга кўтарган классик шоирнинг аслида ўта разил, манфур кимсалигини аниқлайди. Ўз қўли билан маъшуқасига ёзилган тўртинчи хатини топади-ю, барча имтиёзлардан воз кечиб, классик шоирнинг муртадлигини фош этишга киришади.

Бу ҳикояни эслаганимнинг сабаби, бизнинг ҳаётимизда ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар тўлиб-тошиб ётибди. Кечагина беқиёс заковот эгаси, тенги йўқ ташкилотчи дея кўкларга кўтарган кишиларимиз бугун давлат жинойтчиси бўлиб чиқяпти. Лекин ҳалигача бирон ёзувчимиз Кортасарнинг қаҳрамонидек ўз руҳиятини ҳам, ён-веридаги одамларнинг тасаввурини ҳам ағдар-тўнтар қилиб ўзига қарши, айни вақтда шу пайтгача юритилган нотўғри сиёсатга қарши бош кўтаргани йўқ. Йўқ, мен ундай қаламкашларга тиз чўкиб хато қилгани учун кўз ёши тўксин демоқчи эмасман. Аксинча, ўша ёзувчилар ўзларининг аччиқ қисматлари,

йўл қўйган хатолари, таъмагирликлари туфайли юзтубан кетганлари мисолида ёшларни ҳушёрликка чақиришлари лозим деб ҳисоблайман. Бундан фақатгина адабиётимиз эмас, балки келгуси авлод ҳам манфаат кўради, адолат тикланади. Виждонимиз покланмаса-да, лоақал гарди кетади. Шунинг ўзи ҳалоллик, покланиш сари қўйилган қадам-ку. Бугунги ошкоралик, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси белгилаб берган йўл шуни тақозо этади. «Ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид пировардида халқ манфаатига хизмат қилади, жамият сиёсий таркибини рўй-рост акс эттирибгина қолмай, унинг куч-қудратини, ҳаётчилигини, маънавий соғломлигини намойиш этади», дейилади бу анжуманда қабул қилнган ҳужжатда.

Куни кеча сиз таниқли бир олимнинг телевидениедаги мунофиқона чиқиши ҳақида куюниб гапирдингиз. Эътибор берган бўлсангиз гапингизга ҳеч қандай муносабат билдирмадингиз. Куюнишингизни ёшликка, қизиққонликка йўйдим. Олимбой, кимларгадир яхши кўриниб, тузукроқ амалга кўтарилишдан бошқа қайғуси йўқ бу одамдан нима кутиш мумкин? Аслида фан доктори, академик унвонига сазовор одам халқ манфаати учун катта ишлар қилиши керак. Академик Сахаровнинг, Вегасовнинг ядро физикаси соҳасидаги кашфиётларини ҳамма билади, профессор Нозима Деҳқон-хўжаеванинг илмий изланишлари, халқ саломатлигини сақлаш йўлидаги ишлари таҳсинга сазовор, академик Отабой Эшоннинг тарихимизнинг қора чаплаган саҳифаларини очишдаги уринишлари кишини қувонтиради. Лекин сиз айтмаётган олим фанга, халққа нима берди? Қайси асари қўлма-қўл қилиб ўқилади? Тарих билан шугулланадиган бу олим Урта Осиёнинг Россияга ўз ихтиёри билан қўшилмаганини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида монументал китоб ёзиши мумкин эмасми? Мумкин. Бунга у кишининг илми ҳам, қобилияти ҳам етади. Лекин ёзмайди. Ёзолмайди! Майли, қайсидир нобакор тарихимизни юз қарра сохталаштирсин, неча минг йилдан бери инсоният не-не алломаларни берган энг қадимий, энг маданиятли, энг саводли туркий халқини бор-йўғи рус алфавитини билгани учун ялписига саводсизга чиқаришсин, инқилоб арафасидаги маданий ҳаётимизда прогрессив ишлар қилган янгилик тарафдорлари бўлмиш жадидларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш тақиқлансин, адабиёт тарихимизда Ҳамза билан бирга ўнлаб истеъдодли шоирлар бўлганини атай сир тутсин, бугунги кунга келиб халқ пахтага сепиладиган ўнлаб захарли дорилардан қирилиб кетсин, туғиш чеклансин — у кишига барибир. Муҳтарам академик ҳамма нарсига кўз юмиб, тилини тишлаб юриваради, ишқилиб, лавозимидан, ҳурмат-эътиборидан маҳрум бўлмаса бас.

Қачонки кишининг виждони ўлса, имон-эътиқоддан айрилса, унинг вужудини берафқлик қарахтлиги эгаллайди. Ҳозир адабий ҳаётимизда шундай қарахтлик ҳукм сурмаяптими? Биз мақтаб, классикка чиқариб қўйган ёзувчиларнинг асарлари ҳеч қандай маънавий фазилатларга эга эмаслигини ҳеч ким юрак ютиб айтмаяпти-ку. Не-не фан докторлари, кандидатлар олимман дея кўкрак кериб юришибди. Улар адабий танқидчи эмас, аслида адабий маддоҳлардир. Утган йилги йиллик проза йиғилишидаги сизнинг чиқишингиздан беҳад қувондим. Ваҳоланки, мажлис раиси сўзлаш имтиёзи берилган вақтингиз тугаганини, олдин Нобель мукофоти олинганда, кейин бошқаларга ақл ўргатингиз, қабилида лўқма ташлаб бемалол гапиршингизга имкон бермади. Ушанда сиз танқидчи Умрзоқ Ўлжабоевга: «Сиз менинг нарсамни умуман ҳикоя эмас дегандан кўра, бу нарса ўғирланган десангиз қувонардим. Сабаби, бу ҳикоямни Кортасарнинг «Васваса» ҳикоясига тақлид қилиб ёзганман», дедингиз. «Васваса» жаҳон халқларининг ўнлаб тилларига таржима қилиниб, севиб ўқилса-ю, ўзбек ада-

биёти мутахассиси шу руҳдаги асарни умуман ҳикоя эмас деб ҳисобласа. Бу нима, фикрий мажруҳликми ёки саводсизлик? Биз ҳалигача бир пайтлари ёзилган адабиёт дарсликлари савиясида фикрлаймиз. Бу ўз ишимизга виждонан ёндошмаслигимиз, зиммамизга одамларни маърифатли қилиш маъсулияти юклатилганини ҳис этмаслигимиз оқибатидир. Нега бизда адабий танқиднинг савияси бунчалик паст? Эҳтимол, адабиётимиз танқиддан паст турар? Эҳтимол... Ҳар қандай эҳтимолларга барҳам бериб бор маҳсулотимизнинг ўзини нега холис баҳоламаймиз. Еки В. Астафьев: «Менинг назаримда танқидчи фаррош бўлиши, тасаруфимиздаги майдонни ҳар хил хору хаслардан тозалатиш керак. Бироқ ўнлаб докторлар, академиклар орасидан фаррошликка лойиқ одам топмадим», деганидек бизда ҳам чинакам фаррош йўқмикин?

Олимбой, Андерсеннинг яланғоч подшо ҳақидаги эртаги эсингиздами? Унда шир яланғоч нодон подшо: «О, кийимингиз мунча чиройли, мунча ўзингизга ярашган», қабилидаги гаплар билан лақиллатишади. Ҳеч ким унинг эғнида ҳеч вақоси йўқлигини айтишга журъат этмайди. Алаоқибат шундай мард топилади-ю, подшо ўзининг алданганини билади. Вақти келиб биз ҳам шундай аҳволга тушиб қолмасмикинми?

Кейинги пайтларда матбуот саҳифаларида Ўзбекистон халқ ёзувчилари Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, профессор Ҳафиз Абдусаматовнинг чиқишларини ўқиб, ҳайратдан ёқа ушладим. Улар ошкораликни шахсий иддаоларини айтиб, шармисорлик қилиш имкони деб тушунишган шекилли. Ёши етмишга бориб, бу дунёдан у дунёси яқинлашиб қолган одамларнинг дилида наҳотки халққа айтадиган зарур гаплари, ушалмаган орзулари, вужудини сирқиратадиган ўқинчлари, адабиётимизнинг катта дардлари, халққа тўкиб соладиган армонлари бўлмаса?

Бу нарсаларни ўйласанг миянгизда санчиқ туриб, юракларинг ёзилиб кетади. Афсуски, ўйламай иложинг йўқ. Сабаби, бугунги ошкоралик шунга ундайди, токи, биздан кейингилар яланғоч подшонинг аҳволига тушиб, фақатгина оғриқли муаммолар билан эмас, маънавиятни юксалтирадиган масалалар билан шугулланишсин, одамларга кўпроқ фойда етказишсин.

Инсон виждонини қийнайдиган ишларни қилмаслиги керак. Бунинг учун ўзини таъмадан тийиши, хусусан ўзига ўхшаган одамдан бирон нарса умид қилмаслиги лозим. Таъмагир худди суяк тутган эгасининг олдиди думини ликиллади турган итга ўхшайди. Эътиқодли одам ҳеч қачон, ҳеч кимдан мурувват кутмайди. У фақат ўзига ишонади, виждонига қулоқ солиб яшайди. Ер юзиди биттагина имонли одам бор экан, қиёмат бўлмайди, деган башорат бор. Мен шу башоратга ишонаман. Ҳамонки, ҳали қиёмат бўлмаётган экан, ён-веримизга холис кўз ташлашимиз, эътиқодли кишиларни топсак, бошимизга кўтариб юришимиз керак.

Эътиқод — инсонни тубанликдан, ҳар қандай таъмадан, разолатдан асровчи ҳидоят нури! Лекин бу нарса ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Эътиқодли одам ўзига раво кўрган нарсадан тезроқ бошқаларни ҳам баҳраманд этишга шошилади.

Олимбой, етмиш йилдан бери алдов-қалдовлар билан ўзимизни алдаб яшадик, қўл-бола худоларга чўқиниб, разолатга юз тубан кетдик. Келинг энди ошкоралик, тенглик шабадаси эсан бугунги дориламон кунларда «ҳақиқатни ботил, ноҳақ нарсаларга ўраб яширманглар, уни халқ кўзидан пинҳон тутманглар», деган доно ҳикматга амал қилиб одамларнинг қалбига эътиқод нуруни етказишга уринайлик, шояд ер юзиди имонли, покдомон одамлар сони кўпайишига сабаб бўлсак...

Эҳтиром билан Эмин УСМОН.

ЎЙИНЛАР

**Биринчи сабоқ:
Кўнгилхушликми?
Йўқ, яна нимадир...**



ШАЖАРАСИ

Турган-битгани зиддият. Интеллектуал ижод. Ўйин. Сухбатимиз мавзуни шундай деб белгилашимиз мумкин, ҳурматли журналхонлар. Ва шу билан зиддиятлар оламига шўнгиб кетишингиз ҳеч гапмас.

Биринчидан, мавзу зерикарли эмас, бироқ уни кимгадир зерикарли туюладиган назариясиз тушуниш мумкин эмас.

Иккинчидан, ўзимизни бола ёшидан ўтган санаб, биз ўйинни эрмак деб ҳисоблайверамиз. Бироқ баъзи вазмин амакилар ўйин ёрдамида ўзларининг жиддий муаммоларини ҳам ҳал қилишларини унутмайлик.

Учинчидан, интеллект деган ҳодисанинг кўп маротаба тадқиқ қилиниши интеллектуал — ижодий ўйинларнинг маънисини тўлиқ очиб бериши керак эди. Ваҳоланки, «интеллект» деган тушунчанинг 70 хилдан ортиқ талқини мавжуддир.

Тўртинчидан, ўйин, интеллект, ижод мунтазам равишда янгиликни қидиришни тақозо қилади.

Бешинчидан, интеллектуал — ижодий ўйинлар турли-туман бўлгани билан уларнинг мазмуни бир хилдир.

Олтинчидан...

Эҳ, санайверсангиз унинг зиддиятлари тўлиб-тошиб ётибди, келинг ундан кўра мақсадга ўтайлик...

Ўн йил ўтгач ёки...

● Бурганинг қулоғи нечталигини биласизми?

● Учга учни кўпайтириб ўн бир чиқариш қийинми?

Билмайсиз-а? Майли, бу айб эмас.

Бунақаларни мактабингизда ўқитмайди. Мактаб энг зарур маълумотларнигина бера-

ди холос. Буларни институтда ҳам ўрганишингиз қийин.

Кўпчилик бу саволларга фақат «Нима? Қачон? Қаерда?» телевикторинасигина жавоб бера олади, деб хато ўйлайди. Буларни сиз 1967 йили нашр этилган «КВН жумбоқларни ечади» деган китоб орқали билиб олишингиз мумкин.

Ушбу китобда ҳам, ундан ўн йил кейин чиққан «Нима? Қачон? Қаерда?» телевикторинасида ҳам энг асосий нарса — қатнашчиларни интеллектуал ижодга — фикрлашга ундайдиган ғаройиб саволлардир.

...Олти ўйинчи тўсиқлардан сакраб манзилига шошаётган отни жимгина кузатишади. «Билагон»лар бир минут ичида берилган ҳар қандай саволга жавоб топишлари шарт.

Бу «Нима? Қачон? Қаерда?» телевикторинаси-ку, дейишингиз аниқ.

Агар ўйинчилар ўтирмасдан, тик туришган бўлса-чи? Уларнинг сони ҳам олтинга эмас, хиёл кўпроқ бўлса-чи? Уйлаш вақти тенг ярмига қисқарди, денг. Бу энди «қувноқлар ва зукколар» ўйинининг ўзгинасидир.

Келинг, бу ва шунга ўхшаш қатор ўйин-

ларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида бош қотириб кўрайлик!..

Мулоҳаза юритиш учун маълумот

Информация — акс этган турли-туманликдир. (Информатика китобидан)

Агар исталган бир клубга бориб ёшларнинг дам олишини уюштиришга мутасадди бўлган одамдан қандай ўйинлар ва конкурслар ўтқириш мумкинлигини сўрасангиз, у табиийки тўрттагина ўйинни санаши аниқдир. «Бўш келманг, йигитлар!», «Бўш келманг, қизлар!» «Нима? Қачон? Қаерда?» ва «Қувноқлар ва зукколар» — телевизорларда намоийш этиладиган ушбу ўйинлар билан санок тугайди. Ҳолбуки мамлакатимизнинг ўзида қанча конкурслару ўйинлар ўтказилган.

Давра столи атрофида уч собиқ «квн»чи-

Ҳа, Тошкент пойабзаллари харид қилинган. Яхши пойабзаллар кийиб талтайиб кетганимиз йўқ, ўртамиёнасини ҳам, ҳатто ундан сифатсизроғини ҳам оляпмиз. Халқпарвар баҳолари билан овуняпмиз.

«Дўстлик» меҳмонхонаси рўпарасидаги магазин, ярми ҳувиллаб қолибди. Сукунат. Сотувчилик нишони таққан йигит зерикканидан нима қиларга ҳайрон. У — Убайдуллаев Исмаи, сотувчилар бригадир. Магазинда Исмаи туфлисидай пишиқ, келишган пойабзал йўқ. У иккинчи фабрика маҳсулотлари ҳақида берган саволимни эшитиб, туюқиб кетди:

— Худди кўзни юмиб тикиб ташлашади-я! Бунақаларни нархини арзонлаштиргандан кейин ҳам харид қилишмайди. Мабодо, менга бекорга беришгандаям олманган бўлардим.

Пештахтада хунук, қийиқ туфлилар гўё тушкунликка тушгандай, ўз ҳолидан ўзи уялгандай саф тортиб туришибди. Исмаи ўзига ёққан туфлини топиб, олиши мумкин. Унга осон. Мен билан сизгачи?

Мен яна матонат кўрсатиб, 2-пойабзал фабрикасининг моделлар бўлимида пайдо бўлдим. Хайрият, бошлиқ бу сафар салобатли сонлар билан гапирмади.

— Харидорнинг хориж мамлакатларига ишончи катта, — очикчасига ўтди у. — Биз югослав фирмаси билан шартнома туздик. Бунга кўра, улар бизга чарм тайёрлаб беришади. Сиз бунга бир қаранг, қандай бежирим ва юмшоқ маҳсулот, — сухбатдошим намоийш қилади, мен эса маъқуллайман: бежирим ва юмшоқ. — Мана, бу эса, сунъий чарм, бу ҳам Югославиядан келтирилган. Турли-туман, товганишини қаранг, ғаройиб матох. Ушларнинг ўзи мароқли. Афсуски, биз бундай чиқаролмаяпмиз. Хафа бўлиб кетасан одам. Бу мангу «афсус»ларга ва хаёлга сиф-

ҚАЧОНГАЧА ҚУТАМИЗ?..

Пиёдаларни севиш ҳақидаги Ильф ва Петровнинг чақириғи барчага маълум. Аммо шундай тоифадаги кишилар борки, гўё ўзларини «Олтин бузоқни» ўқимагандай кўрсатишга уринишади. Улар пойабзал саноати ходимлари.

Ҳозирги вазиятни англаш учун олифта бўлиш шарт эмас. Бир жуфт келишган туфлининг (шубҳасиз, четники) уч баробар нархини сўраётган чайқовчи муруватпешадай кўринади. Аммо, афсуски, республикамиздаги пойабзал корхоналари мен билан сизга муруват қилишга ҳали шошилаётгани йўқ.

Юқоридаги фикримни Тошкентдаги 2-пойабзал фабрикаси моделлаштириш бўлимининг бошлиғига айтдим, кутилмаган қатъий эътирозга дуч келдим:

— Нималар деяпсиз! Бизда йилига турли-туман ассортиментдаги йигирмадан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Афсус, «юқори кўрсаткич»ларни кийиб бўлмайди. Балки шунинг учун ҳам сухбатдошим индамай қолгандир. Қолаверса, моделларда айб йўқ. Сон-саноксиз кўргазмалар, модалар намоийши, жозибали журнал рекламалари бир овоздан гувоҳлик беришларича, Тошкентда ҳам бежирим туфлилар ўйлаб топиш мумкин экан. Бироқ одатланилган «максимал ўртача кўрсаткич»лар схемаси ғайирлигини келтириб ишлаб ётибди. Алмисоқдан қолган дастгоҳлар, яроқсиз қолиплар, кўриниши ваҳимали, хом-ашёсининг сифати паст бўлган майиб-мажруҳ туфлилар бежирим пой-

абзаллар қаторида пештахталарга териб қўйилмоқда. Афсус, уларни кийиб кўришга қўрқади киши.

Бежирим, игнали ва пишиқ туфлилар ишлаб чиқариш учун нима ҳалақит берапти? Сабабини англашга ҳаракат қиламиз.

Авалло, қолип ҳақида. Унинг бир жуфти ўртача 8 сўмга яқин туради. Конвейр усулида ишлаш учун 700 жуфт ўрнатилган лозим. Эски қолипларни ўрнига янгисини қўйиш учун аллақанча маблағ кетишини ҳисоб-китоб қилиш қийин эмас. Айниқса, қолипни Москва Моделлар уйи буюртмаси бўйича маҳсулот чиқарувчи Армавирдан олиб келиш ҳам қўшилса. Бизнинг қадрдон 2-фабрикамиз бу қолипларни шунинг учун ҳам Армавирдан олиб келишадими, улар ишлаб чиқарган пойабзал Париж модалари даражасида харид қилинмаса-да, москваликларникидан ортда қолиб кетмас экан.

Бироқ, қолипларни янгилаш воситаларини иқтисод қилишга зўр бераётган тошкентлик ишбилармонлар ўз маҳсулотларини чипта ковуш даражасига қадар тушириб юборишапти.

— Ҳозирги босқичда реализация қилинмаган маҳсулот эвазига солинадиган жарима миқдори сезиларли равишда қисқарди, — ишонч билан маъқуллайди «Ўзкожобувьпром» республика саноати бирлашмаси Бошқармасидаги молия бўлимининг бошлиғи Ася Асановна Сулейманова, — эски қарзлар йўқ, қайтариш муддати узайтирилган қарзлар ҳам йўқ.

лар, шу оммавий ўйиннинг ижодкорлари ўтиришарди.

Врач — реаниматолог А. Е. Аксельрод шундай дейди:

«У ёки бу шаклда эшиттириш дунёга келмасдан қолмасди. Фикрлар жанги «Ким? Қачон? Қерда?», «ЭХМ», «Қувноқлар ва зукколар», «Баҳс клуби» кўринишида ҳамон давом этиб келмоқда.

Москва дорилфунунинг доценти С. Муродов:

«Маҳаллий студияларда ҳам «КВН»нинг давомчилари оз эмас».

М. Яковлев:

Мана масалан Таллиндаги телестудияда «Ким нимага қодир?» деган билагонлар конкурси ўтказилди. Бир соат давомида икки мусобақадор ўзларининг деярли қомусий кенг дунёқарашлари билан томошабинларни мафтун этдилар. Маълум бўлдики бундай фикрлар жанги одамларни унча-мунча шовшувли кинолардан кам жалб қилмас экан.

Урушдан кейинги йилларда Чехословакияда «Топ, топақол, топқирвой» (ТТТ) деб ном олган эшиттириш бўлгуси эди. Ушбу ўйиндан андоза олиб мамлакатимизда аввалига «ВВВ» (Вечера веселых вопросов) кейинчалик «КВН» (Клуб Веселых и Находчивых) Қувноқлар ва топқирлар клуби тузилди.

60-йилларда «Аукцион» (Кимошди), 80-йилларда «Автограф» (дастхат), «Эрудитлото» (Билагонлар лотореяси), «Теплоход — «Эрудит» (билагонлар кемаси) каби ижодий ўйинлар ёшлар қалбини забт эта бошлади. (Ўзбекистонда эса «Ўткир зеҳнлилар мусобақаси, Қувноқлар ва зукколар» шулар жумласидан).

Билагонлар ўйини АҚШда 20 йил, Финляндияда 15 йилдан буён узлуксиз давом этиб келмоқда. 70-йилларнинг боши Англияда туғилган «Ақл палатаси» телеўйинини 19 миллион, деярли ҳар икки инглиз телетомошабинларидан бери завқ билан кузатади. Венгрия телевидениесида Янош Эгри тузган «Ҳарфлар ўйини», «Бир савол?» «Ақлий бешкураш» каби ўйинлар халқ оммаси томонидан завқ билан томоша қилинган.

Бу санокни истаганча давом эттириш мумкин. Ҳурматли «Ёш куч» муштарийлари! Ўзингизга, таъбингизга мос бўлган ўйинларни ўйланг, қидириб топинг шулар ичидан. Муҳими, сиз бунда топқирлик, ижодкорлик туйғусига содиқ қола олсангиз бўлгани.

мас ривожланмаслигимизга. Ҳалигача фабрикада чарм қуювчиларни мустақил сайлаш муаммоси ҳал этилмаган. Самарқанд, Қўқон, Ленинград, Шаул ва Читадан тақсимот тартибда хом-ашё келтирилмоқда, ҳаммаси сифатсиз. Фақатгина яқинда Самарқанд тери заводи технологияси реконструкция туфайли ўзгарди. Бироқ сотувчилар аввалгидек, хурсанд бўлишганларича йўқ, раҳбар ўртоқлар бўлса ўзларига мутлақо ишонч билан қарашмоқда.

— Менинча, 2-поябзал фабрикасида ишнинг кетиши ёмон эмас,— дейди «Ўзкожобуэпро» республика саноат бирлашмаси Бошқармаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Рустам Тальатович Газиазаров.— Қадрлар масаласи батамом ҳал этилган. Кўнимсизликка барҳам берилган. Ишлаб чиқариш технологияси яхшиланмоқда, эски асбоб-ускуналар янгиларига алмаштирилмоқда. Масалан, ҳозир фабрика Австриянинг ЛИМ фирмасининг босмили, тўғридан-тўғри чарм қуювчи агрегатлари билан жиҳозланяпти. Шундай қилиб, техник қуролланишимизда чиқараётган маҳсулотларимиз акс этади.

Қани энди ўшанга қадар чидай олсак! Ҳозирча навбатдаги пойабзал магазинида одатдаги манзараларга дуч келаверимиз:

— Жуда оғир экан, асосийси эскича тикилган экан,— дейди келишган талаба қиз ва хафа бўлгандай чиқиб кетади. Ҳақиқатан, Тошкент туфлиларини қўлга олсану, ўйлаиб қолсан, бу пойабзални тикканлар ўзларининг бесўнақай, кўпол ва ноқулай маҳсулотлари билан Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилишга муносибмикан?

Эски дастгоҳларнинг чамбараклари айланаверади, чамбараклар самарасиз иш вақтини емираверади, яроқсиз маҳсулот чиқараверади. Ниҳоят, пойабзал пештахтадаги ўзининг қонуний ўрнини эгаллайди... Кечирасиз, ноқонуний ўрнини

Муҳими ҳақида мулоҳаза юритсак...

Интеллектуал — ижодий ўйинларнинг иштирокчиси эрудит, яъни билагон бўлиши керак. Бироқ энциклопедияга қарасак, интеллект энг аввало фикрлай олиш деган маънони беришини кўришимиз мумкин. Ижод дегани — бу — сифат жиҳатидан нимадир янги ва бошқаларидан оригиналлиги, бетакоррлиги билан ажралиб турадиган хусусият маҳсулоти эканини биламиз.

Нега «Нима? Қачон? Қерда?», «Қувноқлар ва зукколар», «КВН», шахмат мусобақалари ўйинку, «Балли, қизлар», «Аниқ фанлар академияси», отчопарлик, мусобақалари ўйин саналмайди?

Гап шундаки, ўйин бу — инсон фаолиятининг номаҳсул кўриниши бўлиб, мақсад унинг натижасида эмас, балки жараённинг ўзида зуҳур топади.

Ўйиннинг ўзини кўрмай, фақат натижасини билиб, шунга қаноат қиладиган футбол ишқибози йўқ.

Билъакс, кўпгина футбол ишқибозлари ўйин натижасини билганлари ҳолда ёзиб олинган ўйинни ҳайрат, завққа тўлиб томоша қиладилар.

Интеллектуал ўйинда ҳам шундай. Саволлар, топшириқлар мазмундор бўлиши, энг мафтункорлик жиҳати бу топшириқларни бажариш (ғолибларни тақдирлаш иккинчи даражали масала) бўлиши керак.

Совет ва чет эл психологлари ҳам шундай фикрдалар. Мисол учун, немис психологи М. Вертгеймен ҳам «...болалар ўзлари учун янги дунё очишдан завқ олишлари керак» деб ҳисоблайди.

Янгиларни ўзлари учун кашф этишда катталар ҳам болалардан қолишмайдилар. Афсуски, биз кўпинча буни ёддан чиқарамиз. Ўйин қадим-қадимлардан буён билимларни синаш ва уларни амалда қўллаш воситаси бўлиб келган. Масалан, қачонлардир ҳарбий ўйинлар пайдо бўлган. Уларда солдат ва офицерлар турли шароитларда тўғри ҳаракат қила олиш, қарор қабул қилиш ва қўйилган масалаларни аниқ удаллай олишнинг ўрганишган. Интеллектуал — ижодий ўйинлар кишига оз миқдорда бўлса ҳам янги билим беради. Тафаккур қонунлари эски билимлар билангина яшай олмайди — унинг табиати шуни тақозо этади.

эгаллайди. Охир-оқибатда фабрикага, ўз кашфиётчилари ҳузурига қайтарилди.

— Балки, ҳар бир ишчини ўз вазифасига ҳалол ёндошишга чақирармиз? Кейин мажбурият олиб, мусобақа уюштирсакмикан...— бас, майдалашмайликда — Япон ишчиларидан қаеримиз кам? — тикувчилик цехидаги ишчидан ошқора сўрадим.

— Биз ортиқроқмиз. Фабрика ҳам, ҳамма-ҳаммаси ўзимизники,— муғомбирона тиржайди ишчи, ҳазилни тушуниб.— Иш жойида соатлаб чекишимиз, ишхонада ноқулай ётган ортиқча нарсаларни қидириб... бемалол кезишимиз мумкин. Япония бизга етиб бўпти!

У қўли билан деворга ишора қилди — Мана, кўргазмали ташвиқот. «Ишчининг виждони — ҳалол назоратчи».


Фабрикада турар-жой олиш масаласи шу қадар қийинки, ҳатто кўпчилик уйдан умидини узиб қўйган. Турар-жой бинолари райиҷроқўм иштироки билан қурилади. Пойабзалчилар йил давомида 5—6 та квартира олишади. Ишхонадаги шароитни қойилмақом деб аташ мумкин.

Пойабзал елимининг бошни гангитувчи ҳиди цехда ишлаётганларнинг организмга оғудай таъсир этади.

— Ишчилар бепул сут, отпускага қўшимча кун, маҳсулот бошига зарарли меҳнат шароитида ишлаганлик учун бериладиган қўшимча ҳақ олишади,— дейди хушнуд 2-фабриканинг парторги.— Бугунга келиб ойига тўланадиган ўртача иш ҳақи 197,6 сўмини ташкил қилади.

Бу юксак кўрсаткичлар қанчалар қулай ва одатий! Аммо улар оёққа нима кийишимизни эътироф этишни иштамайди.

— Нега энди! — дейди хафа бўлиб фабриканинг ёш модельерлари,— энг инжиқ ҳаридорга ҳам ёқадиган моделлар бор. Мана, уларнинг



«КВН» ўйинининг иштирокчиларининг фикрича, бу ўйин қисқа ва қизиқарли, кишига янги билим бера оладиган бўлиши керак. Ваъзан ўйиннинг унча қиммати бўлмайди...

Бу қизиқарли мавзунинг зиддиятлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Интеллектуал — ижодий ўйинлар сирлари ҳақида ҳам соатлаб ҳикоя қилсак бўлади. Лекин бу ҳақда кейинги сабоқларимизда, яъни журналнинг кейинги сонларида фикр юритамиз.

Б. ЕРЕМИН,

«Нима? Қачон? Қерда?» интеллектуал — ижодий ўйинлар Москва клубининг раиси.

намуналари. Янаги йилдан бошлаб ишлаб чиқариш мақсадидамиз.

Мен жуда инжиқ харидорман, аммо у кўрсатган моделлар мафтун этди. Афсуски, мени ҳамон шубҳалар қийнади. Ахир қанча-қанча «янгилик», «кичик сериялар», «перспектив моделлар»ни кўрдик. Магазинга боргунча дабдабали бўлган бу моделлар, ҳар қанча уринишмасин сотилиб кетмади.

Ассортиментнинг шаклланишида савдо-сотикнинг ҳам роли катта, ҳозир у чиқарилаётган маҳсулотнинг сонига ҳам, сифатига ҳам таъсир кўрсата олади. Бироқ савдо ходимлари таъсир кўрсатишга ошиқаётгани йўқ. Чунки ёмон бўлса-да, келиб турган маҳсулотдан ҳам қуруқ қолишдан чўчишяпти, шекилли...

...2-фабрикада ёшлар кўп. Комсомол бошлиқлар ҳозирча ишлари дурустгина юришаётган корхонанинг ёнидан ўтиб кетаверишмас эди (айтганча, Чилонзор райкомсомоли анчагина яқинда жойлашган)...

Кенг стол, деразага гуллар қўйилган, хуллас, шинам, жиҳозланган хона.

— Сизнингча, 2-фабрикадаги аҳволни яхшилаш мумкинмикан?

— Балки, аввало уларнинг маҳсулотлари реализация қилиниши учун реклама қилиш керак,— дейди Исмаилов Неъматов, комитет ишчилар бўлими инструктори.

— Агар сиз, комсомол раҳбарлар иккинчи пойабзал фабрикаси ишлаб чиқарган туфлиларни кийсаларингиз ажойиб реклама бўлар эди.

Исмаиловнинг қулиб ёборишига оз қолди. Мен яширинча стол остига мўраладим. Комсомол раҳбарлари хориж молларини афзал билишади.

Л. МАШУРОВА

«Вура-сонда» жумуш-
Будуыр



Л. САЪДУЛЛАЕВ — «Еш куч» журналининг биринчи сони чиқдию... Сатира театрига ишга ўтдик.

ЧАҚҚОНБОЙ — Тушунмадим. Журнал қайда-ю, театр қайда?

Л. САЪДУЛЛАЕВ — Хўп деяверинг. Чунки бизнинг Сатира театримиз «Еш куч» чиқа бошлаган — 1986 йилнинг июль ойидан иш бошлади. Биз эса болалар театри билан хайрлашдик.

ЧАҚҚОНБОЙ — Охунбобоев номидаги театрда неча йил ишладингиз?

Л. САЪДУЛЛАЕВ — Йигирма уч йил! Орқага бундай ўгирилиб қарасанг юрагинг орқангга тортиб кетади-я!..

ЧАҚҚОНБОЙ — Лутфулла ака! «Биз» деганда яна кимни назарда тутяпсиз? Ахир...

Л. САЪДУЛЛАЕВ — Гулчехрани-да!.. Театр ҳақида гапирилганда бизда «мен» деган сўз бўлмайди. Чунки биз доим биргамиз.

ЧАҚҚОНБОЙ — Э-э, келинг, янга, ўзим ҳам сизни йўқлаб тургандим. Шу, маза қилиб болалар театрида юрсанглар бўлмасмиди?

Г. САЪДУЛЛАЕВА — Юрагимизнинг бир парчаси азиз болалар билан қолган. Лекинчи, Чаққонбой, ҳозир айти Сатира театрида ижод қизийдиган пайти келди-да.

ЧАҚҚОНБОЙ — «Тобутдан товуш» да сиз — Нетай, Лутфулла акам — Қори, «Жанжал» да Лутфулла акам — Шоғулом, сиз — у кишининг ожизалари, «Хўжа Насриддин ва Азройил» да сиз — Адолат, акам — Афанди. Шундайми?

Г. САЪДУЛЛАЕВА — «Хўжа Насриддин...» да бир диалог бор.

ЧАҚҚОНБОЙ — Қани, қани?

АФАНДИ — Адолат, ҳо Адолат!

АДОЛАТ — Адолат йўқ!

АФАНДИ — Аналгин-чи, аналгин борми?

АДОЛАТ — Йўқ!!

АФАНДИ — Адолат бўлмаса аналгин топилармиди?!

ЧАҚҚОНБОЙ — Қойил! Қойил! Тоза жигарига урибсизлар-ку!

Л. САЪДУЛЛАЕВ — Ҳа, адолат йўқолган жойда сатира-юмор авж олади. Биз эса шу йўлда хизмат қилишни лозим топдик. Хўп, бўлмаса, Чаққонбой, биз андак ошиқиброқ тургандик.

ЧАҚҚОНБОЙ — Ия, ия, янга, бу акам нима деяптилар! Ўзи, икковингизни қидира-вериб оёқда оёқ қолмади. Элнинг назарига тушган севикли актёр бўлибсизларку, уйингизга битта телефон битмаганига ҳайронман. Жилла қурса, журналхонларимизга бир нарсга атанглар.

Г. САЪДУЛЛАЕВА — Ана, акангиз айтиб берадилар.

Л. САЪДУЛЛАЕВ — Дабдурустан нима айтсамикан?.. Ҳа, Ш. Ш. ни эшитинг.

ЧАҚҚОНБОЙ — Ш. Ш. нимаси?

Л. САЪДУЛЛАЕВ — Эшитиб кўрингчи, мана:

Шеърят

*О, шеърят, шеърят,
Сенга тенгдир башарият.
Шоир ўқиса-ю, тингламаса
Уша одамга уят.*

Севги

*Боққа кирдим бақириб,
Севгилимни чақириб,
Хўкиз чиқди бўкириб,
Уйга қочдим ўкириб.*

*Соат этади чиқ-чиқ,
Йўллар балчиқдир жиқ-жиқ,
Эрлар кулганда хиқ-хиқ,
Аёллар йиғлар пиқ-пиқ.*

Адолат
қайдаю,
аналгин
қайда?

Республикада хизмат кўрсатган артистлар
Гулчехра САЪДУЛЛАЕВА ва Лутфулла
САЪДУЛЛАЕВ хузурида

Чигиртка

*Кўзлари така-пука,
Йўлда турар чигиртка.
Обози зўр чириллайди,
Сариқ итдек ириллайди.*

Байрам

*Кўчалар тўла одам,
Одам қўлида бодом.
Морожийлар ейишар,
Пенсикола ичишар.*

*Байрам нафаси зўрдир,
Учга бир қўшса тўртдир,
Ширин шоир ижодин
Билмаган сўқир кўрдир.*

Шоир

*Мухлисларга зор экан,
Кўнгли роса кенг экан.*

ЧАҚҚОНБОЙ — Индамасанг, шеър айта-верадиган Шилқим Шоир экан!
Г. САЪДУЛЛАЕВА
Л. САЪДУЛЛАЕВ — Ана, топдингиз!..

Фалсафий ҳазиллар — ҳазил фалсафалар

Денгиз тинч эди, балиқлар сувнинг юзида сузиб юрарди. Денгиз безовталаниши билан катта-кичик балиқлар сувнинг тубига шўнғиб кетди. У ер қоронғи, бироқ тинч эди.

* * *

Мен сени алдаяпман, сен эса мени алдаяпсан. Таажжуб, бир-биримизни мириқиб алдаяпмизу, юзларимизда табассум...

* * *

Бир куни овлоқда виждон виждонсизликни тоза дўппослади. Эртасига виждонсизлик, «Бунинг виждонсиз экан»,— деб диёнатга арз қилиб борди.

* * *

Висол Ҳижроннинг кетидан изма-из қувиб келарди. Муъолишда беркиниб турган Хиёнат Висолни чалиб юборди. Ҳижрон узоқ-узоқларга бориб тушди.

* * *

Тил дилга озор бериб турганда, тишлар тилни тишлаб толди.

* * *

Муҳаббат юлдузи кўзларингни қамаштириб юмиб қўяди. Юмуқ кўзларинг билан эса нималар қилиб қўйганингни ўзинг билмай қоласан.

Мирзаумар ХАЛИЛОВ

Антиқа эълонлар

* * *

Пахта мавсуми мобайнида тўй-маърака, туғилиш ва ўлиш колхоз правлениеси томонидан қатъиян таъқиқланади.

* * *

Уқитувчилар учун тайёрланган шўрва пишмай қолганлиги сабабли катта танаффус тўртинчи соатдан кейинга кўчирилди.

Ғайрат АБДУЛЛАЕВ,
Богдод райони.

Нимқайнама гаплар

Плани бажаргани учун Ҳошимжонни ҳурмат тахтасига осдик.

(Мажлисадаги нутқдан)

«Муштум» билан бошига бир солувдим лавлагиси чиқиб кетди.

(Дугоналар суҳбатидан)

Э-э, «Ракета» билан «Сават» модадан қолиб кетган.

(Сартарошхонада)

Ҳой, такалар, қани, бу ердан қуён бўларингчи!

(Тўйхонада)

Мен севган таомларим кабоб билан шашлик.

(Хўранда сўзи)

Маҳмуда ИҶЛДОШЕВА,
Тошкент, 111-мактаб ўқувчиси.

Хуштакчилар

(ҳажвия)

Ишдан чарчаб, уйга юк ортилган эшшакдай қайтпман. Шу тобда бир оғиз гап ортиқчалик, ярим оғиз сўз оғирлик қилади одамга. Мана, сабзавотлар магазинига яқинлашдим. Ие, нимага ур-йиқит бўляпти? Дарвоқе, картошка топмасам хотин уйга қўймайди. Ноилож тўхтадим, навбатга турдим. Бир пайт аллаким нақ қулоғим остида чинқиртириб хуштак чалса денг! Қайрилиб қарадим. Мендан кўра ёшроқ йигитча экан. Шуни кутиб тургандай янаям қаттиқроқ чалди.

— Ғалати йигит экансиз-у!— дедим, зора хуштакбозлигини тўхтатса деган умидда. Йигитнинг эса оғзи қулоғига етди. Гўё, мен уни мақтаб юборгандай.

— Ҳа-а, мен бошқачасига чалишним билман. Мана, қаранг...

У роса авж олди. Ҳали унақа, ҳали бунақа оҳангга солиб роса хуштак чалди. Мен эшитавериб адойи тамом бўлаёздим.

— Кечирасиз, мен картошка олмоқчи эдим...

Йигитча ҳиринглаб кулди. Яна хуштак чалди.

— Мен, картошка...

— Эшитяпсизми?— деди йигитча гапимни бўлиб.— Яхшилаб эшитинг.

Бошим лўқиллай бошлади. У эса ғалати-

ғалати оҳанглар кашф этиб қулоғимни қотиришда давом этди. Шундагина навбатда турганларнинг бари хуштак чалаётганини кўрдим.

— Нима гап? Нега одамлар харид қилмай нуқул хуштаквозлик қилишяпти?

Йигитчанинг ёнида бошқа тиржайган, лаби чўччайганлар кўпайди.

— Хуштак чалишни ўрганинг,— деди кимдир жиддий оҳангда.

— Менга хуштак эмас, картошка керак,— дедим жиғибийроним чиқиб.

— Бизга картошка ҳам, сабзи-ю помидор ҳам керак эмас, биз хуштак чалиб қорин тўйдирамиз. Хуштак чалишни ўрганинг!

Атрофимда хуштаквозлар кўпайди: учта, тўртта... ўнта, ўн бешта... «Э, ҳа-а!» деб секин хуштак чала бошлаган ҳам эдимки, «Қани, сотувчига учрайчи» деган хаёл келиб қолди миямга. Тиқилиб-суқилиб олдинга ўтдим. Не кўз билан кўрайки, оқ халатли сотувчи хуштак чалгани етмагандай қўлидаги бўш тоғорани чертиб-чертиб қўярди. У сўзсиз бош ирғаб мени хуштак чалишга ундади. Чалдим, чалавердим.

...Вақт алламаҳал бўлди, хуштак чалавериб лунжларим оғриб кетди. Қулоғим шангиллади. Бир пайт қарасам уйга етиб келибман. Қандай етиб келдим — билмайман. Ҳозир уйга кираман, хилма-хил оҳангда хуштак чаламан, лекин болаларимнинг онаси хуштагимга тушунармикан? Бу ёрига нима дейсиз?..

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ,
Наманган.

Футболдан гаплашайлик

1. Ноқулай рақиб

Конибахор қишлоғидан Бразилиядаги Сан-Паулу шаҳрига етиб бориш осон эмас. Бунинг учун конибахорликлар катта йўлга эшакда чиқиб, автобусда район марказига етиб олишлари, ундан кейин поездда Москвага боришлари, у ердан Рио-де-Жанейрога самолётда учишлари, у ердан Сан-Паулуга яна поездга ўтиришлари керак бўлади.

Шу боисдан маҳаллий нон заводи футбол командаси Сан-Паулунинг «Сантос» клуби билан бирон марта ҳам ўйнамаган.

2. Йўли топилди.

Телевидениени рақобатда синдириш, ишқибозларни стадионга келадиган қилиш учун «Пайпоқ» командаси рақиблари махсус қарор қабул қилишди. Бу қарорга биноан киритилган голларни ва дарвоза яқинидаги кескин вазиятларни футболчилар қаторасига беш мартадан такрорлайдилар.

3. Мукофот топширилди.

Футбол билагонлари конкурсига яқун ясалди. Унда голиб чиққан Ф. Латиповга энг кучли шахматчиларимиз дастхати ёзилган хоккейчилар човгани топширилди.

А. САМАДОВ,
Бухоро.

Симқоқди!

«Муштум» журнали чинакам кулги усталарининг бошини бирлаштира бошлади! Қутлаймиз!.. Аммо лекин Анвар ОБИДЖОН биздан кетиб қолгани кў-ўп чакки бўлди-да. Начора, «Кулгихонамиз»га икки йил мудирлик қилган Уста ГУЛМАТга «Муштум» тилини янаям бийронлаштириш йўлида омадлар тилаймиз!

Ҳурмат ила «Еш куч»



МЕХРИНГИЗГА ЗОРМИЗ, ОДАМЛАР!

(«...Одамлар ва етимлар» мақоласи муҳокамада)

Етимлар ва уларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида жамоатчиликнинг фикрини билишимиз керак эди. Биринчи галда етимларнинг улуғ онаси сиймосига айланган Антонина Павловна Хлебушкинанинг меҳридарё қиёфаси кўз олдимизга келди. Шу томон — 22-болалар уйига қараб йўл олдик.

Антонина Павловна Хлебушкина: — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 22-болалар уйининг директори.

— Етим болалар сони йилдан йилга кўпайиб бораётгани рост. Муаммолар, ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўп. Мен ҳаммиша ўшаларнинг ичидаман. В. И. Ленин номли совет Болалар фондининг раис ўринбосари сифатида ҳаммадан кўра кўпроқ шу муаммолар билан юзма-юз келаман. Лекин, тўғриси айтсам мен етимларнинг дардидан кўра, уларнинг улғайиб, вояга етган камолидан фахрланиб яшайман. Шундай болаларни кўчага ташлаб юборган, оналик ҳуқуқидан воз кечган кимсаларнинг қиёфасини хаёлимга келтирмасам дейман, аёл сифатида улардан ҳазар қиламан.

Шу чоғ суҳбатимиз узилди, телефон жинглади.

— Яхшиман, яхшиман болагинам...

Антонина Павловнанинг кўзларида ёш қалқиди, кейин телефонни секин жойига қўйди, — Қаранг, «Мамуля, қалайсиз?» дейди-я, вужудим қалтираб кетади шундай овозларни эшитганимда. Нима камчиликларингиз бор дейишадими, ҳаммаси жойида, дейман.


Мен она бўлиб, улар мени «Мамуля» деб вояга етганлардан 1500 дан зиёдроғи олий маълумотли бўлиб етишди. Улар орасида халқ артистлари, маориф ходимлари, министр ўринбосарлари, малакали врачлар... қайси бирини айтмай, ҳамма соҳалардан бор. Уларнинг қанчалари Хлебушкин, Хлебушкина, мамлакатимизнинг қайси бир бурчакларидан кўнғироқ қилиб қолишадими.

— Ҳозир қанча бола тарбияланыпти бу ерда?

— 150 та.

— Ҳаммалари ота-онасиз, етим болаларми?

— Йўқ, аксинча ота-онаси бор етимлар кўпроқ.



— Турмуш шароитларингиз яхшими?

— Нимасини айтасиз, яхшиси кўринг, хоҳлаган вақтингизда келинг, айланиб чиқинг, ошхонага ўтинг, Саодат билан гаплашинг.

— Ҳар қалай етим болаларнинг кўпайиб бораётганига айрим аёлларнинг ўз болаларини кўча-кўйга ташлаб кетаётгани, туғуруқхоналарда фарзандларини олмай, оналик ҳуқуқларидан воз кечаётганидан бошқа сабаблар ҳам бордир?

— Бор, буни ҳозир яшираётганимиз йўқ. Турғунлик даврида камчиликларимизни яшириб, «меҳнаткаш аёлнинг порлоқ тақдири», деб дабдаба қилган сохталаримиз аслида фожиага айланган аёлларимизнинг тақдири билан алоқадордир. Шу маънода етимликнинг пайдо бўлишига даҳлдор бўлган унинг туб моҳияти элга овоза қилинмай келинди. Аслида меҳнаткаш аёлнинг оғир меҳнатдан боши чиқмай қолгани, уларнинг қийин турмуши, химикатларнинг кўпайиши ва кундалик ҳаётимизнинг ҳамма соҳасига кириб бориши натижасида, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби ярамас иллатларнинг оқибатида ногирон бўлиб туғилаётган болалар ҳам тирик етимларнинг сонини борган сари кўпайтиряпти.

— Нимага муҳтожлик сезади болаларингиз?

— Меҳрга, инсон меҳрига.


— Болаларингизнинг яшаш тарзи, ўқишлар, меҳнат фаолияти ҳақида озгина сўзлаб берсангиз.

— Ҳамма қатори ўйнаб-қулиб фаровон яшаймиз десам ҳақиқатга унча тўғри келмас. Қийинчиликларимиз ҳам бор. Лекин биздаги қийинчиликларни бартараф этиш бошқа ҳукумат ташкилотларидан кўра ҳам кўпроқ ҳалоллик ва садоқатга алоқадор. Мана шу оёғимиз тагидаги гилам 38 йилдан буён, ўтирган столим 50 йилдан бери турибди. Ошпазимиз Саодат опа мабода болаларга бирон нарса етмай қолса уйдан олиб келса келадими, ташви кетиш деган нарсани хаёлига келтирмайди.

Болаларимизнинг ўқишлари яхши. Бу ерда уларнинг дарс тайёрлашлари учун ҳамма нарсани ҳозир қилиб қўйибмиз. Яна кўплаб маданият ходимлари болаларимизни оталиққа олишган, келиб тўғарак машгулотларини ўтказиб туришади. «Хасково»да 10 гектардан зиёд еримиз, боғимиз бор. У ерда ёз бўйи меҳнат қилиб, дам олиб, яна қишлоқ ғамимизни тайёрлаб қайтамиз. Хуллас, болаларнинг ўқимаслиги учун нима қилсак экан деган ўйдан бошқа ташвишимиз йўқдай. Айтмоқчи, болаларнинг биздан кейинги тақдири ҳам эътиборимизда туради. Уларни ишга жойлаштириш арафасида ҳар бирларига минг сўм ҳажмида уй-рўзгор буюмлари олиб берамиз.

— Хоналарингизни кўрдим, ошхонангизга ўтдим, ажойиб пазандангиз Саодат опа билан омонлашдим, жойларингиз худди дам олиш уйларига ўхшайди. Лекин барибир болаларнинг нигоҳлари ўксик...

— Шунинг учун уларни меҳрга муҳтож дедим. Инсон қудрати ожизлик қиладиган нарсалар кўп ҳали. Отанинг, онанинг меҳрини адо этиш мушкул. Шу маънода ҳукуматимиз мана шу мушкулликни эътиборга оляпти, улардан ҳеч нарсани аяётгани йўқ. Бир томонда олижаноб совет кишиларининг ҳиммати... Москвадаги айрим болалар уйларида уларга икра беришяпти. Мен ҳам шуни ният қилиб қўйдим. Ойда бир марта бўлса-да болаларимга икра



едираман, ҳа, ўша қимматбаҳо қора икрани, қизилини... — Антонина Павловнанинг ўпкаси тўлиб кетди, чуқур нафас олиб сўзида давом этди, — ахир инсон меҳрига муҳтож бўлиб тарбияланаётган бу болалар ҳеч бўлмаса ўз бошида совет мамлакатидай улуғ, инсонпарвар давлат турганини сезиб, уни чуқур ҳис этиб вояга етишсин.

— Кўп фарзанд кўриш ҳақида хилма-хил мулоҳазалар бўляпти...

— Тушундим, ниятингизга тушундим. Лекин серфарзандликнинг етимларнинг кўпайишига ҳеч қандай алоқаси, даҳли йўқ. Аёл киши дунёда минг бир орзу-ният билан яшайди, буларнинг ичида энг юксаги аёлнинг фарзандга бўлган муштоқлигидир. Аёл қанча серфарзанд бўлса, шунча болажон, меҳридарё бўлади, шунинг учун болаларни эмас, аёл бошидаги ташвишларни камайтириш керак. Гапнинг очигини айтиб қўя қолай сизга, агар турмуш ўртоғим Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлмаганида, аёл зоти қанча фарзанд кўриши лозим бўлса, шунча бола-чақани тарбиялаб вояга етказардим.

Шарофбек ота СОАТОВ, — Акмал Икромов район, 12-квартал маҳалла комитетининг оқсоқоли.

— Ёшим етмиш бешдан ошди, дунёнинг минг бир паст-баландларини кўрдим. Лекин ўз фарзандини кўчага ташлаган, поезд ойнасидан ирғитиб юборган, бўғиб ўлдирган аёлни эртақларда ҳам эшитмаганман. Энг оғир кунларда, ноннинг ушоғини тилимизнинг тагига қўйиб шимиб еган очарчилик йилларида ҳам, урушнинг даҳшатли дамларида ҳам кўчага ирғитилган чақалоқни кўрган эмасмиз. Рост, эшитганмиз, аммо улар фарзандига ўлим тилаб эмас, ноилжликдан, болам очликдан ўлиб қолмасин деган ниятда ўзига тўқроқ оилаларнинг остонасига ташлаб кетишган. Бугун содир бўлаётган қабохатни уларга солиштириб бўлмайди.

Баъзан ўйлаб, ўйимнинг тагига етолмайман. Жамиятимизда жиноятнинг барча кўринишларига қарши қонуний жазо бор. Лекин ўз фарзандини хор қилган, уни кўча-кўйга ташлаган, оналик ҳуқуқидан воз кечаётган кимсаларга ҳеч қандай чора-тадбир йўқми? Мен, дунёда онадай улуғ номни топтаган суюбоёқ аёлларга

нисбатан қонуний жазо берилиши керак, уларнинг фожияси баён этилиб, ёшларни бу кўчага киришдан асраш лозим деган фикрдаман.

Яна бир мулоҳаза етим болаларга нисбатан жамоатчиликнинг муносабати масаласидир. Мен отамни жуда яхши эслайман, у киши ҳам Чигатой маҳалласининг оқсоқоли эди. Уйимиз дарвозаси тун ярмида ҳам, тонг ёришмай ҳам, хуллас йигирма тўрт соатнинг исталган пайтида тақилларди. Кимдир вафот этган, битта ёки иккита бола қаровсиз қолган, қозон осмоққа масаллиғ йўқ, кафанлик ҳам тополмай қолган кунлар бўлган. Лекин ҳамisha жамоат энг аввало етимларнинг гамини еган, уларнинг бошини силаб келган. Бу инсонийлик фақат бефарзанд одамларнинг ишигина бўлган эмас, етимларни ҳамма ўз тарбиясига олган, серфарзанд оилалар ҳам етимларни ўз болаларига қўшиб вояга етказишган. Бу яхши аъналаримиз негадир хаёлимиздан кўтарилиб қолдими дейман. Яна бир томони бола асраб олувчиларга нисбатан овозагарчиликлар ортиқ даражада кўпайиб кетди. Шундай мисолларни биламанки, болага муштоқ бўлиб, уни ўз тарбиясига олмоқни истаган танишларим мана шу югур-югур, чоп-чоплардан безиллаб яхши ниятларидан қайтиб қолишган. Назаримда бу жараёндаги расмиятчилик, қоғозбозликларни ўзгартириш керак.

Людмила Александровна Тиян: — Тошкент шаҳар, уч ёшгача бўлган «Болалар уйи»нинг бош врач.

— Бизда асосан 3 ёшгача бўлган болалар боқилади. Бу болалар туғруқхоналарда оналари ташлаб кетган ёки кўча-кўйда қолдириб кетилган етимлардир.

— Бундай ноинсоний ишларнинг кўпайиб бораётганига нималарни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин, шахсий мулоҳазаларингизни айтиб кўринг.

— Масъулиятсизлик, маданиятсизлик ва ўз иззат-нафсини англаб етмасликда деб тушунаман.

— Кимнинг олдида масъулиятсизлик?

— Узининг, инсон сифатида ўз олдидаги масъулиятни англаб етмаслик.

— Сизнинг, яъни болалар уйи билан уларни ўз тарбиясига олувчилар ўртасида анча қийинчиликлар бор экан...

— Биз билан эмас, халқ маорифи бўлими, соғлиқни сақлаш бошқармалари билан. Гапнинг очиғи бу расмиятчилик ва қоғозбозликлар одамлар ва етимларни ўз тарбиясига олувчилардан кўра бизнинг жонимизга кўпроқ тегиб кетди. Мана ўзингиз ўйланг, туғруқхоналардан олиб келинган болаларни бизга расмий акт билан топширишади, унда аёлнинг «Фарзандим ҳақида ҳеч қандай даъво қилмайман» деган, ўз қўли билан ёзилган хати, имзоси бўлади. Кўчадан топиб келинган болалар милиция

акти билан расмийлаштирилади. Демак, болаларнинг тақдири деярли ҳал қилинган ва бизнинг ихтиёримизда бўлади. Ваҳоланки, шундай бўлишига қарамай болаларни бир йилгача ушлаб тураемиз. Негаки шу муддат ичида фарзандини кўчага ташлаб юборган аёл ҳам, туғруқхонада ўз боласини олмай оналик ҳуқуқидан воз кечган кимса ҳам даъво қилиб, болаларини олиб кетиши мумкин. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, оналикдай улуғ номга иснод келтирган аёл яна иккинчи бор шу ишни қилмайди, деб ким кафолат бера олади?

— Ўз фарзандини кўчага ташлаб юборган аёл «Фарзандимни бер» деб келадими, шундай ҳол учраганми ўзи?

— Эҳ-ҳе... учраганми дейсиз, уларнинг қўлини белига тираб қаршимизда туришини, ҳаёсизлигини кўрсангиз. Ҳеч нарсадан тап тортишмайди улар, яна қонунни рўқач қилишади. На-чора, қонун қонун экан, болани бир йил обдон боқиб берганимиздан кейин олиб кетишади.

— Қандай таклифингиз, шахсий мулоҳазаларингиз бор?

— Болаларни икки, узоғи билан уч ойдан ўтказмай уни ўз тарбиясига олувчи оилаларга бериш керак. Шунда тирик етимларни бунча кўпайтириб ушлаб туришга ҳожат қолмайди.

Қамчибек Кенжа: — ёзувчи:

— Биз ака-ука онадан жуда эрта ажралиб қолганмиз. Гарчи етимликнинг азобини кам тортган бўлсак-да, онадай улуғ зотнинг меҳрига зор-интизор бўлиб яшаганмиз. Шунинг учун ҳам бир ижодкор ва она меҳрига қониқмай вояга етган одам сифатида мени ҳам айрим аёлларнинг ўз фарзандларини билиб, тушуниб туриб она меҳридан маҳрум қилиб қўяётгани кўпроқ қийнайди. Албатта ўз боласини туғруқхонадан олмай кетган аёлни, ўз фарзандини кўчага ташлаб юборган хотинни лаънат-масликдан ўзга йўл йўқдир. Лекин, шу бугун турли сабабларга кўра жамиятимиз юзида пайдо бўлган доғларни аниқроқ кўряпмиз, ошқора гапиряпмиз. Нима, илгари аёллар, қизлар ўз жонига қасд қилмаганмиди, ёндирмаганмиди? Кўмир конларида портлаш, денгизларда кемаларнинг ғарқ бўлиши, темир йўллардаги тўқнашув, осмондаги фалокатлар натижасида одамлар ҳалок бўлмаганмиди? Бўлган эди, ҳаммаси бўлган эди. Лекин улар халққа ошқор айтилмаган, гўё социалистик жамият баъзан лоқайдлик, баъзан тасодифлар натижасида юз берадиган фожиялардан ҳолидай сохталаштирилиб, одамлардан, кенг жамоатчиликдан яшириб келинган эди. Бугун мана шу сохталик, ёлғонлар устидан чизик тортиляпти. Буларни шунинг учун айтяпманки, жамиятда қандай фожия юз берган тақдирда ҳам уни фақат қоралаш билан иш битмас экан. Ўзини ёндирган одамни қораладик, шундай фаровон ҳаётимиздан қувониб, жавлон уриб меҳнат қилмай, ўйнаб-кулиб яшамай ўз жонига қасд қилгани учун қораладик. Ваҳоланки, бугун бу ҳақда ошқор гапиряпмиз, ўз жонига қасд қилганлар ўйнаб-кулиб яшаш жонига текканидан эмас, таҳқирланганидан, азоб-уқубатларга тоқат этолмай «тўйдим бундай ҳаётдан» деб, исён қилаётган экан. Бугун ҳам мана шундай ҳақиқатнинг юзига тикка қараб гапириб кўрсак, муҳокама қилаётган мавзуимиз хусусида бизни ўйлашга мажбур этадиган баъзи сабаблар топилмасмикан, назаримда топилади.

Нега ташлаб кетяпти экан она бўлган аёл ўз фарзандини? Бир йилгача, умуман туғилган болани тарбиялашга мутлақо шароити бўлмаган аёллар йўқмикан? Уйлари бормикан уларнинг? Ишлар эканмикан улар бирон жойда... Булар эътибордан соқит қиладиган саволлар эмас. Агар шундай шароити бўлмаган аёллар бор бўлса, нега улар устидан фақат ёмонликка маҳкум этувчи ҳукм чиқаришга шошилаемиз?

Зулфия Салимовна Халилова: — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳуқуқшунос маслаҳатчиси.

— Қайта қуриш талаблари қонунларимизни ақл-идрок билан ишлатишга даъват этапти. Баъзан ўйлаймиз, бундан бошқачароқ йўл тутсак ишимиз янада яхши бўлармиди, деб мулоҳаза юритамиз. Мана шу мулоҳаза юритиш жараёнида баъзи фикрлар, истаклар туғилади.

— Масалан?

— Масалан, мана шу сиз сўраётганингиз —

етим болаларни асраб олиш масаласини олиб кўрайлик. Аввало бир нарсани айтиб қўяй, ўзим ҳуқуқшунос сифатида ҳукумат қонунларига амал қиламан, ҳурмат билан қарайман унга. Жумладан оналик ҳуқуқидан воз кечган аёлларга нисбатан ҳукуматимиз қонунларида ҳам ҳеч қандай хатолик, англашилмовчилик йўқ. Аксинча, у чуқур гуманистик характерга эга бўлиб, ўз фарзандидан воз кечган аёлнинг кейинчалик пушаймон қилиб қолмаслигини назарда тутган ва бир йилгача муддат белгиланган. Афсуски ҳозир давлат қонуни ва унинг гуманистик характерини айрим ўз ҳаловатини ўйловчи, оналик шаънига доғ туширувчи шахслар суистеъмол қилишяпти. Натижада халқимиз бундай диёнатсиз кимсаларга нисбатан жиддийроқ чора-тадбир кўрилишини талаб этапти. Қолаверса, ташлаб кетилган болаларни асраб олиш масаласи ва уларни тарбия қилувчига берилгунча бўлган жараён кўп қийинчиликларни келтириб чиқаряпти. Ахир ўз фарзандини кўчага ташлаган аёл уни ўлдириб юборишга журъат этолмаганидагина бу номаъқулчиликка қўл уради.

— Сиз бундай болаларни бир-икки ой ичида хоҳловчи оилаларга бериб юбориш керак, деган фикрдасизми?

— Ҳа, ахир одамлар навбат кутиб туришибди. Бу сўзни айтиш жуда хунук бўлсаям наилож, ҳақиқатнинг ўзи шундай.

— Яқинда СССР Министрлар совети В. И. Ленин номли совет Болалар фондининг етим болаларни тарбиялашнинг принципиал янги формаси — Оила типигада болалар уйлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифини маъқуллади. Буни батафсилроқ изоҳлаб бермайсизми?

— Бизда ҳали бу иш бошлангани йўқ. Тайёргарлик бўляпти назаримда. СССР Министрлар совети маъқуллаган таклиф кўпроқ жамоатчиликнинг, халқ маорифи бўлимлари, район, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг жиддий ва оқилона тадбирлари билан амалга оширилади. Агар ҳозир юз бераётган айрим қоғозбозлик ва расмиятчиликлар ўзгармаса, бу ишни йўлга қўйиш қийин. Баъзан битта бола асраб олган оила ўйлашиб, «укаси ҳам бўлсин» деган яхши ниятда яна бола асраб олишга боришса, бу соҳага жавобгар бўлган айрим шахслар «Яқинда бола олиб кетдингиз, ҳали навбатда турганлар кўп» деб беришмайди. Назаримда икки ва ундан ортиқ болани ўз тарбиясига олиш юқорида маъқулланган таклифларнинг бошланғич кўринишидир. Бундай саховатли ишнинг олдини тўсиш эмас, аксинча унга йўл очиб бериш керак.

Еқуб ЯКВАЛХУЖАЕВ



РЕДАКЦИЯДАН: — В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди тирик етимликнинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик учун, мавжуд етим болаларга бу оғир мусибатнинг азобини камайтириш ҳамда уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида кўпгина олижаноб ишлар ва тадбирларни амалга оширмақда. Бизда ҳам бундай саховатли қадамлар бўляпти. Лекин юқоридаги жамоатчилик мулоҳазаларидан шу нарса равшан сезилиб турибдики, республикамизда етим болаларнинг кўпайиб бораётгани бу фақат айрим аёлларнинг оналик ҳуқуқидан воз кечаётганигагина боғлиқ эмас экан, бунинг яна ҳам жиддийроқ сабаблари бор экан. Бу сабабларни чуқурроқ аниқлаш омманинг актив мулоҳазасига, бу жараёндаги камчиликлар, иш услубимиздаги бюрократизм ва қоғозбозликларни бартараф қилиш билан алоқадор эканлиги ўз-ўзидан равшан сезилиб турибди. Шунинг учун ҳам журнал редакцияси етимлар мавзуси билан боғлиқ бўлган масалаларни ўз назоратига олади. Журнализмизнинг бундан аввалги сониди эълон қилинган мақола ва юқоридаги мулоҳазаларни мазкур соҳадаги ишларнинг бошланиши ва илк қадами деб ҳисоблайди. Журналхонларимиздан эса бу борада жиддий фикрларни, йўл қўйилаётган камчиликлар, лоқайдликлар ҳамда бюрократик муносабатлар ҳақида дадил фош қилувчи хабарларни кутади.

Ёшлар техника ижодкорлигининг «калити» қаерда?

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВ: — Ёшларнинг илмий-техника ижодкорлигини рағбатлантириш мақсадида журналимиз 1988 йилдаги биринчи сондан бошлаб «Ихтиролар сандифи» номли фасл («рубрика»ни ўзбекчасига шундай десак бўларкан. Буни аниқлаб берганлари учун таниқли тилшунос олимимиз Алибек Рустамовга раҳмат!) очиб, барча ёшларни, хоҳ мактаб ўқувчиси бўлсин, хоҳ студент ёки ишчи, барчасини ўзлари ўйлаб юрган янгиларни ёзиб юборишга таклиф қилди. Шундан сўнг, редакцияга кўп-кўп хат келди. Хат эгаларининг ҳаммаси янги фаслдан беҳад хурсанд бўлганларини айтиб, кўпдан бери ўйлаб юрган ихтироларини ёзиб юборишди. Журналнинг 7-сонидан бошлаб бу хатлар берилди бошлади. Мана, энди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретариатининг қарори билан «Ихтиролар сандифи» конкурси ўтказишга қарор қилиндики, бу ҳаммамизни қувонтириб юборди.

Журналхонлар юрган ихтиролар ичида шу кунларда ишлаб чиқарса бўладиган ускуналар ёки амалга оширишга лойиқ илмий-техника ғоялари бор. Масалан, пахта териш машинасининг буткул янги-чи иш услуби (С. Қаландаров таклифи, Бухоро областандан), кўп қаватли уйларда чиқиндиларни йиғиш учун «Вертушка» (З. Бобожонов таклифи, ТошПИНинг кечки бўлим студенти), олма териш ускунаси (М. Сапарбеков таклифи, ирригация институтининг сиртки бўлим студенти) ва бошқалар.

Этиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар, таклифлар келиб турибди. Шунга қарамай, нимадир етишмаётгандек туюлади. Чет эллик ёшларнинг ихтироларини матбуот саҳифаларида кўриб одам хайрон қолади. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган велосипедлар, мотоцикллар, автомобиллар, ҳатто самолётлар бор. Шуларни кўриб, ўқиб ўйга толасан, «Нега бизда шунақа, одамни хайрон қолдирадиган ихтиролар бўлмайди? Нима, ёшларимизнинг қобилияти пастми?», деб ўйлаб қоласан, киши. Ёки, бизнинг шароитимизда ёшлардан жуда зўр ихтироларни кутиб бўлмайми? Балки, қандайдир тўсиқлар бордир йўлимизда? Ёшларнинг техника ижодкорлигини ривожлантириш учун нима қилиш керак? Сўхбатимиз ана шу мавзуларда бўлса. Аввал, қанақа ташкилотлар ёшларнинг техника ижодкорлиги билан шуғулланаркин, шуни бирма-бир санаб ўтсак.

Т. ҚОРАБОЕВ: — Республика-мизда 118 та ёш техниклар станцияси бор. 55 мингга яқин ўқувчи авиамоделистик, автоконструкторлик, кемасозлик, ракетасозлик, фотография, кино, музика асбоблари, компьютерлар ва яна қатор соҳа бўйича ҳунар ўрганадилар.

О. ИБРОҲИМОВА: — Тошкент-

даги пионер ва ўқувчилар саройига беш ярим мингга яқин ёшлар қатнашади. Бу ерда 5 йўналишда жами 89 та тўғарак ва клублар ишлаб турибди. Биргина фан ва техника бўлимида 24 та тўғарак бор. Республика-мизнинг бошқа шаҳарларида, район марказларида яна қанчадан-қанча саройлар бор.

А. СИКИОТОВ: — Ёшларнинг техника ижодкорлиги билан шуғулланадиган яна бир ташкилот бор. Унинг номи — ёшлар илмий-техника ижодкорлигининг маркази. Қисқа қилиб «РИТМ» деб атаймиз. Русча «Реализация идей творчества молодежи» сўзларининг бош ҳарфларидан ташкил топган. Янаям тўлиқроқ номи бор: «Координационный центр научно-технического творчества молодежи» дейилади, ҳужжатларда «КЦ НТТМ — РИТМ» деб ҳам ёзилади.

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВ: — Номи анча мураккаб экан.

А. СИКИОТОВ: — Қисқача «РИТМ» деб юрита қолайлик. Ана шу «РИТМ» ташкил этилганига эндигина икки йил бўлди. Уз номи билан ёшларнинг илмий-техника ижодкорлигини рағбатлантиради, уларнинг ғояларини амалга оширади. Хўжалик ҳисобида ишлайди.

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВ: — Шунча ташкилотлар ёшлар учун бериб қўйилган экан, уларнинг техника ижодкорлиги қай даражадайки?

Т. ҚОРАБОЕВ: — Қониқарли эмас. Республика-миздаги мактаб ўқувчиларининг бор-йўғи 8 фоизи техника тўғаракларига қатнашади. Шуниси ачинарлики, ўқувчилар оддий моделлар ясадан нари ўтмайдилар.

А. СИКИОТОВ: — Ҳозирча ёшлардан биронтаси ўзининг ихтироси ёки илмий-техника ғояси билан бизга келгани йўқ. «РИТМ» даги ишларни асосан олимлар, мутахассислар олиб борадилар. Ёшлар ана шундай ишларда қатнашсалар ҳам катта гап.

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВ: — Бундай қониқарсиз аҳволнинг сабаби нима?

Т. ҚОРАБОЕВ: — Сабаб кўп. Таъминот яхши эмас, хом ашё кам. Бизга кўпам хом ашё керак эмас, корхоналарнинг чиқиндисини ҳам кетаверади, аммо шуням осонликча ололмаймиз-да!

О. ИБРОҲИМОВА: — Бизга малакали тўғарак раҳбарлари кўплаб керак. Педагогика институтлари техника соҳасидаги ўқитувчиларни тайёрлагани билан, уларни айнан пионер ва ўқувчилар саройи ёки ёш техниклар станциясида ишлаш учун тайёрламайдилар. Бизнинг саройда автомобиль тўғараги йўқ, хонаки автодром Самарқанддагина бор. Қарши шаҳрида жуда чиройли сарой қуриб беришди-ю, ичига кирсангиз ҳеч нарсаси йўқ!

Ёшларнинг техника ижодкорлигига таъсир этадиган яна бир неча

Жамиятни қайта қуриш даврида ёшларнинг техника ижодкорлиги муҳим ўрин тутди. Қуйида республика пионер ва ўқувчилар саройининг директори Олия Жалоловна Иброҳимова, ёш техниклар марказий станциясининг директори Толибжон Пулатович Қорабоев, «РИТМ» ташкилоти бошлиғининг муовини Александр Леонидович Сикиотов ва «Ёш куч»нинг штатсиз муҳбири Қудрат Дўстмуҳамедов иштирокида ўтган давра сўхбати берилган.

омил бор. Масалан, мактабларда физика ва математика фанлари яхши ўқитилмайди. Техникани эгаллаш учун бу фанлар жуда зарур. Ота-оналар ҳам ўз фарзандларини техникага етаклаб келавермайдилар, енгил-елпи пул топадиган ҳунарларни ўргатишга ҳаракат қилмадилар. Тўғри, ҳамма ҳунарнинг ўз ўрни бор, бирини яхши, бошқасини ёмон, деб бўлмайти. Лекин, жамият тараққиётини белгилайдиган ҳунар техника-да. Мана шуни кўпчилик тушуниб етмайди.

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВ: — Мениям баъзи мулоҳазаларим бор.

Чет эллардаги ихтирочиликнинг юксаклиги мени кўпроқ ўзига жалб қилади ва бундай тараққиётнинг сабабини ўзимча топгандек бўламан.

Авалло шуни айтиш керакки, совет ёшларининг капиталистик мамлакат ёшларидан ҳеч қандай камчилиги йўқ, фақат турмуш тарзлари бошқача, холос. Капиталистик мамлакатда ҳамма «Ўзинг учун ўл етим» қабилда яшайди, шунинг учун ёшликдан бошлаб жон-жаҳдлари билан пул топиш йўлини тутадилар, табиийки, янги-янги ихтиролар қиладилар. Бизда эса, одамлар давлат томонидан иш билан ҳам, маош билан ҳам таъминланадилар. Бунинг учун озгина укув, интилиш бўлса бас, ишхонада бир юмушни ўрганиб олиб, ўша билан умр ўтказса бўлаверади. Мана, шу сабабдан бизда аксарият ёшлар ҳам, катталар ҳам янгилликка унчалик ўч бўлмайдилар, баъзиларнинг эса, янгилликни кўрага кўзи йўқ.

Лекин, бу, бизнинг мамлакатда талантили, ҳар нарсаси қизиқувчан ўз-ўзини келажакка тайёрлаб юрадиган иштиёқли ёшлар йўқ, деган сўз эмас. Бизнинг шу кунлардаги вази-фамиз уларни топиш, техникага жалб қилиш ва шароит яратиб беришдан иборат, деб ўйлайман. Шу йўналишда қандай ишлар қилин-пти?

Т. ҚОРАБОЕВ: — Маориф ташкилотлари ёшларнинг ижодини ривожлантиришнинг кенг миқёсли режасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Министрлар Совети ҳукмига ҳавола қилган эдилар. 1988 йил март ойида шу ҳақда қарор қабул қилинди. Унда, шу кунлардан бошлаб 2000 йилгача давр оралиғида мактабда ўқитиладиган фанларни ишлаб чиқариш корхоналари билан боғланган ҳолда ўқитиш вазифаси таъкидланган, 27 та янги станция, 237 та фан ва техника бўлими, 71 та автодром, кордодром, аквадром, 50 та «Ўзинг ясаб ол» деб аталадиган прокат пункти очиш мўлжалланган. Булардан ташқари янги бинолар қуриш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, ўқувчиларнинг мусобақаси ва дам олишини уюштириш, тўғарак раҳбарларининг малакасини ошириш каби қатор вазифалар ва бу вазифаларни бажарувчи масъул ташкилотлар

белгиланган. Хуллас, ёшларнинг техника ижодкорлигини ривожлантириш учун етарли чоралар белгиланган.

А. СИКИОТОВ: — «РИТМ» маркази учун Ленин номли паркда жой ажратилди. У ерда ёшларнинг техника ҳаваскорлиги клубини очмоқчимиз. Ҳозирча, биз билан ҳамкорликда ишлаётган олимлар, мутахассислар ўзлари лозим топган турли ташкилотларда иш олиб бора-яптилар. Кейинчалик ўзимизга қарашли ишлаб чиқариш база ташкил этилади.

Қ. ДУСТМУҲАМЕДОВ: — «РИТМ»нинг иш тартибини ҳали кўпчилик билмайди.

А. СИКИОТОВ: — Бизнинг программамиз қуйидагича:

— илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш;

— мактаб программасини жорий қилишда ижодкор ёшларнинг оталиғи;

— ёшларнинг бўш вақтдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш.

Кўриниб турибдики, «РИТМ» мактаб ўқувчилари ва ишчи ёшларни ҳам, студентлар ва олий маълумотли ёш ижодкорларни ҳам назарда тутди. Жуда кенг қамровли бу фаолиятнинг ҳамма йўналиши озми-кўпми амал қилиб турибди, аксари ишлар биринчи йўналишга тааллуқли. Бу ишлар қай йўсинда бажарилади, деган савол тўғилиши табиий.

«РИТМ»га турли корхоналардан қандайдир илмий-техника муаммони ҳал қилиб беришни сўраб буюртма тушади. Марказ ходимлари бу муаммони бажара оладиган ташкилотни ёки айрим мутахассисларни аниқлаб, икки ўртада воситачилик қилади, натижада, буюртмачилар билан бажарувчилар ўртасида шартнома тузилади. Бажарувчилар ўзларининг асосий ишларидан ажралмаган ва қўшимча маош олган ҳолда муаммони бажаришга киришадилар. Воситачилиги учун «РИТМ» ҳам ҳақ олади. Шу йўл билан тўпланган пулларни тажриба тариқасида бажариладиган ёки фойдаси гумон ишларга, ёшлар ташкилотларига холисона ёрдамга сарфланади. Масалан, «РИТМ» ёш техниклар марказий станциясида ЭХМларни бепул ўрнатиб, ишга тушириб берди. Ёки, бошқа бир мисол. Ҳўзаларнинг илдизини чилпиш йўли билан пахтани тезроқ етиштиришга бағишланган илмий-техника изланишини 40 минг сўм билан таъминлашни «РИТМ» ўз зиммасига олган. Олим Ж. Ф. Ҳамроев бошчилик қилаётган бу ишга қизиқиб қолган колхоз ва совхозлар бор. Яқин орада «РИТМ» ўз ёнидан сарфланаётган пулнинг ўрнини тўлдириб олади.

Ҳозир «РИТМ» ўзига етарли бой ташкилотга айланиб қолди. Давлатга миллион сўм фойда келтириш эҳтимол бўлса, юз минг сўмнинг



Олия ИБРОХИМОВА



Қудрат ДУСТМУХАМЕДОВ



Толібжон ҚОРАБОЕВ



Александр СИКИОТОВ

бахридан кечиби, тажриба ўтказишга ҳам қўрбимиз этади. Ҳозирги пайтда «РИТМ»нинг рўйхатида жами 3 миллион сўмлик 200 га яқин илмий-техника ва лойиҳалаш ишлари бор. 1988 йилнинг биринчи ярмида бир ярим миллион сўмлик иш бажардик.

«РИТМ» туркумидаги марказлар қардош республикаларда ҳам ишлаб турибди. Масалан, Минск шаҳрида «Новатор», Ригада «Спектр», Каунаста — оддийгина НТТМ.

Қ. ДУСТМУХАМЕДОВ: — Сиз бояги сўзингизда, ҳозирча ёшлар ўз ихтиролари билан бизнинг ташкилотга келмадилар, дедингиз. «Ёш куч»да эълон қилинаётган ихтиро авторлари сизларга мурожаат этишса, улар тақлиф қилаётган ускунанинг тажриба нуқсасини ясаган ёрдам беролмайсизларми? Айтилик, ихтиро авторлари «РИТМ»га ўз чизмаларини кўтариб келадилар; сизлар қайсидир ташкилот билан шартнома тузиб, пул ва моддий маблағ билан таъминлайсиз. Авторнинг иштирокида тажриба нуса яратилади.

А. СИКИОТОВ: — Шундай қилиш мумкин. Авторга ҳатто маош ҳам берамиз. У ўзининг асосий иш фаолиятдан ажралмаган ҳолда, бўш вақтларда ишлашни режалаштириши мумкин.

Қ. ДУСТМУХАМЕДОВ: — Агар шундай ҳамкорлик яхши йўлга қўйилса, қандайдир техника ангиллиги яратилиб, бу нарса умуман халқ хўжалигида, жамият ҳаётида бир мунча ўзгариш ясаган бўларди. Халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмасига қўйиш мумкин, кооператив ташкил қилса бўлади, хуллас, истиқбол катта. Энг муҳими, ёшларнинг ижодида кенг йўл очилган бўларди. Фурсатдан фойдаланиб, ёш ихтирочиларни «РИТМ»га мурожаат этишга даъват этамиз.

А. СИКИОТОВ: — Бизнинг ташкилот ҳозирча, Тошкентнинг қоқ марказида, Навоий театри яқинида ўрнатилган Йўлдош Охунбоев ҳайкали ортидаги иморатга жойлашган. Адресимиз: Дзержинский кўчаси, 19-уй. Яқин орада «Болалар дунёси» магазини (1-Май кўчаси) рўпарасидаги бинога кўчиб ўтиш мўлжалимиз бор.

Қ. ДУСТМУХАМЕДОВ: — Ёшларнинг техника ижодкорлигини ривожлантириш учун кўп тадбирлар белгиланган экан. Биз уларнинг тўла-тўқис амалга ошишига тилақдошмиз. Аммо, айтилган чораларнинг ҳаммаси амалга ошган тақдирда ҳам ёшларнинг техника ижодида кенг йўл очилу учун, менимча, яна бир нарса этишмайди. Гап шундаки, ҳозирги кунда мамлакатимизда яқка тартибда ёки кооператив шаклда меҳнат қилиш қонуний тус олди, энди ўз қў-

линг билан ясаган буюм ёки етиштирган маҳсулотни бозорга олиб сотиш уят саналмайди, болаларнинг меҳнати шунчаки эрмак, вақтихушлик, ишқивозлик чегарасидан чиқиб, бевосита моддий бойлик яратиш ёки эл-юртга хизмат кўрсатиш даражасига бориб қолди. (Қишлоқларда азалдан шундайку-я. Лекин мен бундай «меҳнат»ни назарда тутмаяпман). Буларнинг бари ҳаёт қонунилари асосида юзага келди. Модомики, шундай экан, ўқувчи ёшларнинг билагида, онгининг қатларида яшириниб ётган имкониятларни ишга солиб юбориш керак, образли қилиб айтсак, сувни тўсиб ётган тўғонни очиб ташлаш керак. Ана унда кўрасиз, неча-неча йиллар давомида тўпланиб ётган сувнинг кучи нималарга қодир эканлигини!

Мен назарда тутаятган «тўғон», бу — болаларни пулга ўргатмаслик керак, деган дунёқарашдир. Ахир, партия ва ҳукуватимиз мактаб ўқувчиларини ишга қабул қилиш ҳақидаги қарори бежиз бўлмади-ку. Биз бу тадбирдан тўғри хулоса чиқариб олишимиз ва ҳаётда фойдаланишимиз зарур.

Авалло, ҳалол меҳнат билан топилган пул ҳеч қачон беҳуда сарфланмайди. Қолаверса, биз катталар «пул ва ҳаёт» деган, бир-биридан ажралмас тушунчаларни болаларга тўғри ўргата оламизми? Менимча, йўқ! Узимиз ҳам яхши билмаймиз, ҳамма вақт ҳам тўғри тушунмаймиз! Болаларни «пул»га яқинлаштирмасликка ҳаракат қилишимиз ана шу ожизлигимизнинг меваси эмасмикан? Шундай фикрлардан келиб чиқиб, ҳаёт ўзимча хулоса қиламан: «Агар болаларнинг қўлига ўз пешона тери билан топилган пул тушса ва бу пулларнинг қаяққа сарфланаётганини одоб доирасидан чиқмай кузатиш, тегишли йўл-йўриқ кўрсатиш катталарнинг қўлидан келса, болалар ҳеч қачон пулдан бузилмайдилар, аксинча, ҳаётга эртароқ кириб борадилар, қийинчиликларга тайёрланадилар».

Чет эл ҳаётдан иккита мисол келтираман.

АҚШнинг қўли гул фуқароларидан бири, Генри Форд асримиз бошларида ўз устахонасида болалар аравачасига мотор ўрнатиб, энг биринчи автомобилни яратган. Бу ютуқдан сўнг у устахонани кенгайтириб, ёнига шериклар топиб, каттароқ, пухтароқ автомобиллар ясаб сотган. Қўлига пул тушиб, янаям кўп автомобиль ясаган. Шу тариқа ҳозирги даврнинг энг йирик автомобиль концернларидан бири юзага келган.

Бошқа бир фуқаро, 21 ёшли Стив Жобс 1976 йили отасининг машинаси сақланадиган гаражда ранг-баранг, ингичка симлар, темир-терсагу электрон қисмлар орасида

уймалашиб юриб, бор-йўғи 5 йилдан сўнг миллионер корхонанинг эгаси бўлди: у ёнига ишбилармон ўртоқларини жалб қилиб, кўпчиликка маъқул келадиган ЭХМларни ясади ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 1987 йилга келиб унинг «ЭППЛ компютерс» компанияси 2 миллиард долларлик маҳсулот сотди!

Бизда эса, бирорта завод қурилмоқчи бўлса, бемуболага айтиш мумкин, 5 йил лойиҳасини чизишди, 10 йил қуришди ва яна 5—10 йил лойиҳадаги қувватга етишга уриниб ётишди. Агар завод умуман ноқерак бўлиб қолмаса, бир амаллаб йўлга тушиб кетади.

Икки даврдан, бир-бирига боғлиқ бўлмаган иккита мисол. Қизиқ, уларнинг бир-бирига ўхшаш ери нима экан? Генри Форд ҳам, Стив Жобс ҳам ўз уйида устахона очиб, иш бошлаган. Яна битта ўхшашлик шуки, улар шунчаки вақтихушлик ёки ишқивозлик юзасидан машғул бўлмаганлар. Гарчи бу омилларни инкор қилиш тўғри бўлмаса-да, уларнинг асосий мақсади аниқ, ва бу — даромад эди! Бошқача айтганда, тирикчилик қилиш уларнинг мақсади бўлган!

Бизнинг ёшлар ҳам тирикчилик деган тушунчанинг мағзини эртароқ, мактаб ёшиданоқ билиб олсалар, нима бўпти? Елкасига тирикчиликнинг ҳуржуну тушганда боши деворга «тақ» этиб тегиши шартми? Уларнинг тарбияси мустаҳкам бўлса, ҳалол ишласалар, ўқисалар, биронинг ҳақиқа хиёнат қилмасалар, умумхалқ ишига содиқ қолсалар кифоя эмасми?

Ҳозир матбуотда шуларга ўхшаш фикрлар айтиляпти, лекин эски дунёқарашга тиш-тирноғи билан ёпишиб олган катталар ҳам анчамунча. Биз катталар фикримизни ўзгартирмасак, ёшларнинг ижодкорлиги ўсмай қоладигина эмас, балки қайта қуриш ишлари тўхтаб қолиши мумкин. Менга шундай туюлади.

Мана, Александр Леонидовичнинг сўзларига қараганда, «РИТМ»да ёшлар даромад келтирадиган иш қилишлари ва маош олишлари мумкин экан. Худди шундай ишларни ёш техниклар станциясида ёки пионерлар саройида жорий қилса бўлармикан?

Т. ҚОРАБОЕВ: — Ёш техникларнинг марказий станциясида даромад келтирадиган баъзи ишлар қилинади. Масалан, болаларнинг қўли билан ясалган ўзбек миллий музыка асбобларининг митти нусхалари, аэропланининг йиғма моделлари сотишга чиқарилади. Олинадиган даромаднинг кўп қисми маош ва хомашёни қоплайди, қолгани станция ихтиёрига ўтади, бошқа ташкилот жалб қилинса, уларга ҳам берилди. Масалан, «РИТМ» билан шун-

дай ҳамкорлигимиз бор. Болаларга маош берилмаган ва бу ҳақда ҳозир бир нима дейиш қийин. Бу — мураккаб масала.

О. ИБРОХИМОВА: — Болалар пионер саройларига ҳафтада 3 марта келиб, атиги 6 соат вақт машғул ўтадилар. Бу вақт ичида улар ҳунар ўрганиб олсалар ҳам катта гап, кооперация йўли билан маош олиб ишлашларига биз умуман қаршимиз. Бу — болаларнинг фикрини чалғитади.

Болаларни рағбатлантириш бўлса, бу бошқа гап. Биз ҳар йили тўғарагимиз иштирокчиларидан саралаб, иттифоқ миқёсида ўтказиладиган мусобақаларга, кўрикларга, туристик саёҳатларга олиб борамиз. Ҳатто чет элга ҳам бориб келдик. Тўғри, бир йилда 3—4 марта болаларнинг қўли билан ишланган буюмларни саройнинг ўзида сотишни ташкил қилиб турамыз. Тушган даромадни эса Тинчлик фондига, Бутуниттифоқ болалар фондига ўтказамиз. Яна бир хайрли ишимиз бор! Болалар ясаган жажжи, нодир буюмларни баъзан чет элдан келган меҳмонларга совға қилиб берамиз, баъзан ўз музейимизга қўямиз.

Қ. ДУСТМУХАМЕДОВ: — Айтган фикрларингиз чуқур мулоҳаза меваси эканлигига ва кўзлаган мақсадларингиз олижаноблигига ҳеч шубҳа қилмаган ҳолда мен айтган фикримда муқим тураман. Ҳозир плюрализмга кенг йўл очилган, фикрлар қарама-қаршилиги тараққиётга туртки бўлиши аён. Фақат сизлар бу одам бизга насиҳат қилаяптими, деган хаёлга бормаслигингизни сўрайман. Менинг назаримда ёшларнинг техника ижодкорлигини ривожлантириш учун боягина айтилган тадбирлар билан бир қаторда пионер ва ўқувчилар саройлари, ёш техниклар станцияларида тўғараклар билан бир қаторда ишлаб чиқариш цехлари очиб, унда меҳнат қиладиган ёшларни моддий рағбатлантириш керак. Албатта, ўқувчи бирданига шунга лойиқ иш қилолмайди. У аввал тўғаракларда ҳунар ўрганиб юради, бирор буюмни ясашни ёки махсус ишни бажаришни ўрганиб олгандан сўнг цехга ўтади. Сарой ва станциялар «план» деган тушунча билан «тушовлаб» ташланмайди, «бозор кўтарганча», қўлдан келганча ишлайверадилару, уларнинг тараққиёти ана шу натижаларга боғлаб қўйилади.

Бунда мен, болаларимиз оқилона программага асосланган мактабларда ўқийдилар, деб фараз қиламан.

Шундагина, аминманки, совет ёшлари ҳам фордлар ва жобслардан қолишмайдиган тадбиркор ва ижодкор бўлиб етишадилар. Бу билан улар капиталистлар каби очкўз ва олчоқ бўлиб қолмайдилар, чунки инсонпарварлик билан суғорилган мафкурамиз мустаҳкам турибди ва унинг айниб кетишига ҳеч ким йўл қўймайди.

Булар бир шахсий фикр, холос. Кимга маъқул келса қўшилади, бўлмаса — йўқ.

Умуман, давра суҳбатимиз журналхонларда фикр уйғотади, деб ўйлайман. Ёшларнинг техника ижодкорлигига мутасадди бўлган бошқа ташкилотлар, раҳбарлар бу суҳбатдан бирор фойдали фикр топа олсалару, унга амалий иш билан жавоб берсалар, аъло бўларди. Давра суҳбатидан умид ҳам шу.

Иккинчи тур жавоблари Математика:

1. Бир сўмлики 25 донга 1 тийинлик, 3 тийинлик ва 5 тийинлик тангалар билан майдалаш мумкинми?

Ечиш. Фараз қилайлик, x, y, z лар мос равишда 1 тийинлик, 3 тийинлик ва 5 тийинлик тангалар сонини билдирсин, у ҳолда масала шартларига бинвоан қуйидаги уч номаълумли иккита тенгламалар системаси тузамиз: $x + 3y + 5z = 100$,
 $x + y + z = 25$

Бу системани манфиймас бутун сонлардаги ечимини топамиз. Системанинг биринчи тенгламасидан иккинчи тенгламасини айирсак

$$2y + 4z = 75$$

ҳосил бўлади. Бу тенгламани бутун сонлардаги ечимга эга эмаслиги равшан, чунки чап томони номаълумларнинг ҳар қандай бутун қийматларида жуфт, ўнг томони эса тоқ сон бўлганлиги учун. Шунинг учун ҳам юқоридаги система ечимга эга эмас. Демак, масала ҳам ечимга эга эмас.

2. Е берилган ABCD квадратнинг ички нуқтаси бўлсин, у ҳолда AEB ва CED учбурчаклар юзлари йиғиндисини AED ва BEC учбурчаклар юзларининг йиғиндисига тенглигини исбот қилинг.



Ечиш. Е нуқтани квадратнинг учлари билан бирлаштирамиз. У ҳолда қуйидагиларга эга бўламиз:

AEB, CED, AED, BEC учбурчакларнинг юзи мос равишда

$$S_1 = \frac{1}{2} AB \cdot EF,$$

$$S_2 = \frac{1}{2} DC \cdot NE, S_3 = \frac{1}{2} AD \cdot PE,$$

$$S_4 = \frac{1}{2} BC \cdot EQ$$

бўлади.

AB=BC=CD=AD ҳамда AB=FN ва AB=PQ бўлганлиги учун қуйидагиларга эга бўламиз:

$$S_1 + S_2 = \frac{1}{2} AB \cdot EF + \frac{1}{2} DC \cdot NE = \frac{1}{2} AB(EF + NE) =$$

$$= \frac{1}{2} AB \cdot FN = \frac{1}{2} AB^2$$

Худди шунга ўхшаш

$$S_3 + S_4 = \frac{1}{2} AB^2 \text{ ни кўрсатиш}$$

қийин эмас. Демак $S_1 + S_2 = S_3 + S_4$. Шунини исбот қилиш талаб қилинган эди.

3. Тенгламани ечинг:

$$x^2 + \frac{25x^2}{(x+5)^2} = 416$$

Ечиш. $a^2 + b^2 = (a-b)^2 + 2ab$.

айниятига кўра берилган тенгламанинг чап томонини қуйидагича ёзамиз:

$$(x - \frac{5x}{x+5})^2 + 2x \cdot \frac{5x}{x+5} = 416$$

ёки

$$(\frac{x^2}{x+5})^2 + 10 \cdot \frac{x^2}{x+5} - 416 = 0$$

Агар $\frac{x^2}{x+5} = y$ десак, у ҳолда $y^2 + 10y - 416 = 0$ квадрат тенглама ҳосил бўлади. Бундан $y_1 = 16$, $y_2 = -26$

$$\text{Сўнгра } \frac{x^2}{x+5} = 16 \text{ ва } \frac{x^2}{x+5} = -26$$

тенгламаларини ечиб, биринчисидан $x_1 = 20$, $x_2 = -4$ илдизларни ва иккинчисидан эса,

$$x_{3,4} = -13 \pm \sqrt{39} \text{ ни топамиз.}$$

4. 111... 11 кўринишидаги сонлар учун қандай туб сонлар бўлувчилар бўла олади?


Ечиш. Бир рақамдан тузилган, 111...11 кўринишидаги сонлар 2 ва 5 туб сонларига бўлинмас-

лиги равшан. Фараз қилайлик, 2 ва 5 дан бошқа туб сон Р бўлсин. Қуйидаги Р+1 та сондан тузилган сонлар қаторини қараймиз:

$$1, 11, 111, \dots, \underbrace{111\dots11}_P, \underbrace{111\dots11}_P + 1$$

Бу сонлардан камида иккитаси Р га бўлганда бир хил қолдиқли бўлади. У ҳолда бир хил қолдиқли иккитасининг айирмаси 111... 1100... 00 сонини Р га бўлинади. Лекин, Р туб сонини 2 ва 5 дан фарқли бўлганлиги учун 111... 11 сонини Р га бўлинади. Шундай қилиб 111... 11 кўринишидаги сонларнинг 2 ва 5 дан бошқа барча туб сонлар бўлувчилари бўла олар экан.

5. Айланага ички чизилган учбурчакнинг бир учидан, айланага ўтказилган уринма қарши томонга перпендикуляр бўлса, у ҳолда учбурчакнинг томонлари орасидаги боғланишни топинг.



Ечиш. ABC учбурчакда AB=c, BC=a бўлсин. ABC учбурчакнинг C учидан ташқи чизилган айланага ўтказилган уринма AB томонига перпендикуляр бўлсин (Расмга қаранг). Сўнгра BM=x, CM=y дейлик. ACM ва BCM учбурчаклар ўхшаш, чунки улар тўғри бурчакли ҳамда $\angle CAM = \angle BCM$ бўлганлиги учун.

У ҳолда қуйидагиларга эга бўламиз:

$$\frac{x}{a} = \frac{y}{b} \text{ ва } \frac{y}{a} = \frac{x+c}{b}$$

бундан

$$x = \frac{a^2c}{b^2 - a^2}, y = \frac{abc}{b^2 - a^2}$$

BCM тўғри бурчакли учбурчакдан $x^2 + y^2 = a^2$

Кейинги тенгликка x, y қийматларини қўйсак

$$\left(\frac{a^2c}{b^2 - a^2}\right)^2 + \left(\frac{abc}{b^2 - a^2}\right)^2 = a^2$$


ҳосил бўлади. Бундан $(a^2 + b^2)c^2 = (b^2 - a^2)^2$ келиб чиқади.

Бу эса талаб қилинган боғланиш бўлади.





Бадриддин РИХСНОВ,
Тошкандой ҚўРҒОНОВ.

ХИМИЯ:

1. 0,1 моль сульфат кислотадан фойдаланган ҳолда ҳосил бўладиган сульфит ангидрид миқдори реакцияда қатнашувчи қайтарувчиларнинг табиатига қараб турлича бўлиши мумкин:



($n_{SO_2} = 0,1$; $1:2 = 0,05$ моль)





Демак, 0,1 моль H_2SO_4 сарф қилиб 0,05 дан то 0,3 мольгача сульфит ангидрид олиш мумкин экан. Бундан бошқа ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин.

2. Турли хил атомлардан ташкил топган бинар бирикмалар орасида масала шартини қаноатландирган мисоллар тариқасида катта даврлардаги оралик элементларнинг (одатда ўзгарувчан валентли бирикмалар ҳосил қилувчи элементлар) сульфидларини, доимий валентли металлларнинг ва бошқа металлларнинг гидроксидларини (бу ҳолда қисман хатога йўл қўйилади) ва бошқаларни олиш мумкин.


Одатда металл сульфидларининг айна металлнинг пастки валентли бирикмалари ҳолида бўлади (чунки сульфид ионлари қайтарувчи хоссага эгадир). Шундай сульфидларни куйдирилганда (кислород иштирокида) оксидланиш даражаси икки марта каттароқ бўлган металл оксиди ҳосил бўлади. Бунинг натижасида бошланғич масса тикланади.

Масалан:




Бундай сульфидлар қаторига Si_2S , SnS ларни мисол қилиб олсак бўлади.

Гидроксидлардан қуйидагиларни мисол қилиб олсак бўлади:



Бу ҳолларда массаларнинг тенглиги бироз хато билан бўлади.

3. Биринчи ҳолда қуйидаги реакция содир бўлади:




Реакцияда ҳосил бўлган иод эритма рангини қўнғир рангга бўяйди (бу реакция асосида газлар арашмасидаги озон миқдорини аниқланади), ажралиб чиққан кислород ҳажми реакцияга киришган озоннинг ҳажмига тенг бўлади.



Иккинчи ҳол водород пероксиднинг оксидловчилик ва қайтарувчилик хоссаларига асосланган, бу процесснинг химиявий тенгламаси:

$2KJ + H_2O_2 = J_2 + 2KOH$ (водород пероксид оксидловчи) Озон билан эса: $H_2O_2 + O_3 = H_2O + 2O_2$ (водород пероксид қайтарувчи) Бу ҳолда реакцияга киришган озон ҳажми ҳосил бўлган кислород ҳажмидан икки марта кам бўлади.


4. Тузаларни термик парчалаб металллар оксидларини олиш учун кўпинча металлларнинг нитратлари, баъзан уларнинг гидроксидлари ишлатилади. Лекин, ишқорий металлларнинг нитратлари термик парчаланганда оксидлари эмас, уларнинг нитритлари ҳосил бўлади:





Фақат активлиги ўртача бўлган металлларнинг нитратлари оксидлар ҳолигача парчаланishi мумкин:




Пассив металлларнинг нитратлари термик парчаланганда эркин металл ҳосил бўлади:



Металл оксидларни олиш учун баъзан карбонатларни ҳам парчалаш мумкин:





Металл нитратларни парчаланганда (шу ҳисобда карбонатлар ҳам) туз ҳосил қилмайдиган оксидлар ҳосил бўлмайди, лекин аммоний нитрат парчаланганда бундай оксид ҳосил бўлади:





5. Ароматик углеводород HBr билан реакцияга киришиши модда таркибидаги эфир группалари бор эканлигидан дарак беради, чунки улар HBr таъсирида парчаланadi. Масала шартидида модда таркиби монобромли икки атомли фенолларнинг диметил эфирлари бўлиш эҳтимоли катта.

Масала шартини қуйидаги реакция тенгламалари қаноатландиради:



Химия: Биринчи тур жавобларининг давоми Боши 2-сонда



5. Модда ёнганда унинг таркибидаги углерод тўлиқ карбонат ангидридга, водород сувга ва натрий Na_2O га ўтгани учун 6, 16 г CO_2 да 1,68 г С, 0,9 г H_2O да 0,1 г Н ва 0,62 г Na_2O да 0,46 г Na борлигини осонгина топамиз. Улар йиғиндиси 2,24 г ни 2,88 г дан айириб кислороднинг миқдори 0,64 г эканини топамиз. Процент таркиби эса С — 58,3%, Н — 3,4%, Na — 16%, О — 22,3% ёки масса сонлари:

$$C - \frac{58,3}{12} = 4,85; \quad H - \frac{3,4}{1} = 3,4; \quad Na - \frac{16}{23} = 0,69;$$

$$O - \frac{22,3}{16} = 1,4$$

Атомлар нисбати эса $C:H:O:Na=7:5:2:1$
Демак, модда формуласи $C_7H_5O_2Na$ ёки C_6H_5COONa экан.



ЁШЛИК—БЕБОШЛИКМИ? ЙЎҚ!

Физика-математика фанлари кандидати Маматмуса Мамадазимовнинг номи кўпчиликлари яхши таниш. Уларнинг турли мақолалари республика газета-журналларида кўп вақт эътиборга эришган. Бир неча китобларнинг атери. Маматмуса ака одоб-ахлоқ, ўқиш, ўрганишга бағишланган туркум мақолалар ёзиб келибди. Бугун шу мақолаларнинг бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз. У барча журнал-хонларга манзур бўлади деган умиддамыз.

Маҳалламизда бир йигит ўзидан кичкина болани аямай урди. Иши судга ошди.

Ёшлик — бебошлик-да, деди одамлар.

Яна бир танишимнинг ўғли саёқликни ўзига ҳунар қилиб олган. На ишлади, на ўқийди, қачон қарасанг маст-аласт, жанжал.

Ёш-да, қуйилиб қолар, дейишди яна у ҳақда гап кетганда.

Ана шу воқеалар сабаб бўлди-ю, қўлимга қалам олдим...

Биламан, ёшлик киши ҳаётининг энг нодир, энг қимматли палласи десам Америка очган бўлмайман. Бу ҳақда кўп ва хўп ёзилган, айтилган. Бироқ, афсуслар бўлсинким, жуда кам миқдордаги ёшларгина буни вақтида сезиб, унинг қадрига етади, аксарият ҳолда ёшлар ёшлик дейилувчи бойлик қўлдан кетгандан, бебаҳо хазинани қўлдан чиқарганларидан кейингина бундан бохабар бўладилар.

Шу боисдан эрамыздан олдин IV асрда ўтган машҳур юнон файласуфи Теофраст: «Инсон бошига тушиши мумкин бўлган йўқотишлар ичида энг оғири — вақтни бой беришдир», — деганида мутлоқ ҳақ эди.

Ёшлик даври энг аввало, маънавий бойлик тўплайдиган, ақлни пешлайдиган, ҳаётий тажриба, малака ва кўникмалар йиғадиган даврдир. Унинг қадр-қимматини англаб иш тутган кишигина ўз келажакнинг мустаҳкам пойдевори — асосини қура олади.

Ҳаётнинг шиддаткор одимлари, илм-техниканинг такомиллашуви ҳамда жамиятимиздаги умуммаданий ўсишлар муносабати билан бугунги кун қаҳрамони — инсон ҳаётга қандай тайёрланган бўлиши керак? — деган саволни кўндаланг қўймоқда. Бундай саволга жавоб беришда, келгусида инсонда намоён бўлиши мумкин бўлган жисмоний ва интеллектуал потенциаллардан ташқари, унинг кўпқиррали фаолиятининг барча жабҳаларини қамрайдиган эмоционал — рухий, ахлоқий ҳамда этик нормаларни ҳам эътиборга олишга тўғри келади. Маълумки, етук шахс бўлиши

учун инсон билим олиши, тажриба йиғиши, ўрганиши лозим. Бунга қанча эрта киришилса, шунча яхши.

Ёшликнинг масъулиятини ўз вақтида сезиб, уни беҳуда ўтказмаслик, ҳаётда қанчалик катта ютуқлар инъом қилишига тарихий шахслар, олимлар ҳаётдан чексиз кўп мисоллар келтириш мумкин. Шундай тарихий шахслар ичида улуғ рус физиолог Илья Мечниковнинг ҳаёти алоҳида таҳсинга сазовор. Ёш Илья гимназиянинг олтинчи синфида ўқиб юрган кезларидеёқ фаннинг асослари билан қаттиқ қизиқди. 15 ёшли ўсмирда бу қизиқишнинг туғилишида Броннинг «Ҳайвонот дунёсининг тартиби ва синфлари» ҳамда Ч. Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» китоблари катта роль ўйнади. Ўзи мустақил ўрганиб олган нарсаларини гимназия синфларида эшитиш жонига теккач, бўлажак олим, ўз билимини оширишнинг янги йўллари излади ва ниҳоят, топди. 15 ёшли гимназиячи Харьков университетидея профессор Масловскийнинг анатомиядан лекцияларини эшитишга қатнаш бошлади. Сал кейинроқ мазкур университетнинг физиолог-профессори И. П. Целковдан унинг лабораториясида тирик организмлар ҳужайраларини ўрганишга рухсат олди. Бу даврда Илья Мечников Гровенинг «Физик кучларнинг ўзаро таъсири» китобини французчадан русчага таржима қилди. Профессор Леваковскийнинг «Геологиядан қўлланма»сига тақриз ёзиб, унинг камчиликларини очиб ташлади. Тақриз чоп этилди.

Табиатни ўрганиш Москва жамиятининг журналыда олимнинг «Инфузорийлар ҳаётининг баъзи фактлар» мақоласи босилиб чиққанида у энди 16 ёшга тўлган эди. 1862 йили 17 ёшли Мечников Харьков университетининг табиёт факультетига ўқишга кириб, унинг тўрт йиллик курсини икки йилдаёқ муваффақиятли якунлади. Ёш олим 22 ёшида зоологиядан диссертация ёқлади ва 24 ёшида Новороссийск (ҳозирги Одесса) университетининг профессори қилиб сайланди. Мана Сизга беҳуда кетмаган ёшликнинг натижаси.

«Космонавтиканинг отаси» — Константин Эдуардович Циолковский эса 14 ёшида физика ва математикани чуқур мутолаа қилишга киришди. Оқибатда 24 ёшида газодинамиканинг асоси бўлмиш фундаментал газлар назариясини ишлаб чиқишга муваффақ бўлди.

Машҳур хирург Николай Иванович Пирогов 22 ёшида медицина фанлари доктори бўлди. Рус математиги Н. И. Лобачевский эса 14 ёшида Қозон университетига ўқишга кириб, 23 ёшида шу университетнинг профессори даражасига кўтарилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, таниқли совет физиги Лев Ландау 14 ёшида университетга кириб, 18 ёшида кўпчилик машҳур олимларнинг эътиборини тортган биринчи илмий ишини матбуотда эълон қилди. «Нисбийлик назариясининг отаси» — А. Эйнштейн ва атом планетар моделининг атери Э. Резерфордлар эса, уларни дунёга танитган илмий ишларини эълон қилганларида атиги 20 ёшда эдилар холос.


Дастлаб оддий юк ташувчи, сўнгра қора ишчи ва кейин электромонтёр бўлиб ишлаган Г. Флёровга студентлик насиб этгач, фан сирларидан огоҳ бўлишга шу қадар «муқасидан тушиб кетди»ки, у институт раҳбарларидан лабораторияда «текинга бўлса ҳам ишлашга рухсат беришларини» ўтиниби сўради. Студентлик давридаёқ бўлажак олим секин нейтронлар счетчигини ихтиро қилди. Институти битиргач 27 ёшида унинг уран атомини парчаланиши бўйича тадқиқотлари дунё олимларининг эътиборини ўзига тортди. 1953 йили (39 ёшида) Г. Флёров СССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси қилиб сайланди.

Бу мисоллар ёшлик даврини «бой бермаганлар»ни табиат «кам қилмаслиги»га, келгусида уларни ютуқлар билан тақдирлашига ёрқин далил эмасми?

«Ёшлик — бебошлик» деган нақл бор. Бу бежиз айтилмаган, бахтга қарши камдан-кам ёшлар ёшликдан ўзини қўлга олиб, «бебошлик»ни тўхтатади ва улкан мақсадларни кўзлаб ишга киришади. Бироқ, давримизнинг шиддатли одими, илмий-техникавий инқилобнинг бугунги талаби ўзгача, у зёли, интеллектуал, техник маданияти юқори бўлган ёшларга муҳтож. Уларсиз жамиятимизнинг қимматбаҳо техник қурилмалари, сунъий интеллектуалликка эришиш арафасида турган электрон ҳисоблаш машиналари кўргазма экспонатларига айланиб қолишдек хавф остидан қолишни бугунги ёшлар яхши англаб етишлари зарур.

М. МАМАДАЗИМОВ,
физика-математика фанлари кандидати.

Жавобларингизни текшириб кўринг



Қоралар: Крe5, Лa2, Сe4, п. d3. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Лe7+1 Крd4. Л:e4+
+Кр:e4 3. a8Ф+Л:e8 4. Сf3+Крd4
5. С:a8 ва оқлар дуранга эришиди.
2-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фс3, Лd6,
Кg3, п. a2, b2, c2, f4, g2, h2; Қоралар:
Крg7, Фg6, Лe8, Сg4, п. a7, b7, c6, f6,
f7, h7.

Юриш оқлардан.

Ечим: 1. h3! Сe6 2. f5 С:f5 3. Л:f6
Ф:f6 4. К:h5+; ёки 1... Лe6 2. hgЛ:d6

3. Кf5+ сунгра 4. К:d6 — ютук.

3-диаграмма. Оқлар: Крd4, Лf1, Кс3,
п. a4, h2;

Қоралар: Кр c6, Лс5, Кd6, п. f2, g6,
h7. Юриш қоралардан.

Ечим: 1... Кf5+2. Крd3. Л:c3+
3. Кр:c3 Кe3 4. Л:f2 Кd1+ 5. Крd4 К:f2
ва қоралар ютади.

4-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фb1, Лa1,
Лf1, Сb2, п. a2, b4, f6, f2, g2, h3; Қора-
лар: Крg8, Фb8, Лd2, Лd8, Сb7, п. a6,
b5, e6, f7, g7.

Юриш қоралардан.

Ечим: 1... Фg3! 2. fг Л : g2+ 3. Крh1
Лd2 4. Лf2 (акс ҳолда Лh2+ ва Лh1X)
4... Лg: f2. 5. Крg1 Лh2 ва мажбурий мот.

3-сондаги топшириқлар

5-диаграмма. Оқлар: Крe8, Фb8, Лh3,
Сg4, Кf5, Кh5, п. c2, c4, f4; Қоралар:
Крe4, Фa3, Лe1, Чh8, Кd1, Кg8, п. a6,
c6, e7. 2 юришда мот.

Ечим: 1. Фс8!
6-диаграмма. Оқлар: Крa7, Фe1, Лe4,
Лe7, Сa6, Сf8, Кb4, Кb8; қоралар: Крc5,
Лf3, Лh7, Сc6, Чh6, Кg4, п. d4. 2 юришда
мот.

Ечим: 1. Фa1!

Қоралар: Крe5, Лa2, Сe4, п. d3. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Лe7+1 Крd4. Л:e4+
+Кр:e4 3. a8Ф+Л:e8 4. Сf3+Крd4
5. С:a8 ва оқлар дуранга эришиди.

2-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фс3, Лd6,
Кg3, п. a2, b2, c2, f4, g2, h2; Қоралар:
Крg7, Фg6, Лe8, Сg4, п. a7, b7, c6, f6,
f7, h7.

Юриш оқлардан.

Ечим: 1. h3! Сe6 2. f5 С:f5 3. Л:f6
Ф:f6 4. К:h5+; ёки 1... Лe6 2. hгЛ:d6

3. Кf5+ сунгра 4. К:d6 — ютук.

3-диаграмма. Оқлар: Крd4, Лf1, Кс3,
п. a4, h2;

Қоралар: Кр c6, Лс5, Кd6, п. f2, g6,
h7. Юриш қоралардан.

Ечим: 1... Кf5+2. Крd3. Л:c3+
3. Кр:c3 Кe3 4. Л:f2 Кd1+ 5. Крd4 К:f2
ва қоралар ютади.

4-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фb1, Лa1,
Лf1, Сb2, п. a2, b4, f6, f2, g2, h3; Қора-
лар: Крg8, Фb8, Лd2, Лd8, Сb7, п. a6,
b5, e6, f7, g7.

Юриш қоралардан.

Ечим: 1... Фg3! 2. fг Л : g2+ 3. Крh1
Лd2 4. Лf2 (акс ҳолда Лh2+ ва Лh1X)
4... Лg: f2. 5. Крg1 Лh2 ва мажбурий мот.

3-сондаги топшириқлар

5-диаграмма. Оқлар: Крe8, Фb8, Лh3,
Сg4, Кf5, Кh5, п. c2, c4, f4; Қоралар:
Крe4, Фa3, Лe1, Чh8, Кd1, Кg8, п. a6,
c6, e7. 2 юришда мот.

Ечим: 1. Фс8!
6-диаграмма. Оқлар: Крa7, Фe1, Лe4,
Лe7, Сa6, Сf8, Кb4, Кb8; қоралар: Крc5,
Лf3, Лh7, Сc6, Чh6, Кg4, п. d4. 2 юришда
мот.

Ечим: 1. Фa1!

5-сондаги топшириқлар

1-диаграмма. Оқлар: Крc1, Фd4, Лh1,
Лh5, Кf3, п. a2, b2, c2, f2, g2, g5; Қора-
лар: Крg8, Фe6, Лa8, Лf8, Сc6, Ке4, п. a7,
b7, c7, d6, f5, g7. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Ке5! de 2. g6 Ф:g6 3. Фc4+
2-диаграмма. Оқлар: Крf4, Лh1, Сb5,
Кg6, п. d5, e4; Қоралар: Крg8, Лc2,
Сg2, Кf6, п. a7, b6, d6, g7. Юриш оқ-
лардан.

Ечим: 1. Лh8+Крf7. 2. Се8+К:e8
3. Крg5 ва кейинги юришда мот.

3-диаграмма. Оқлар: Крe1, Фd6, Лa2,
Лh1, Сc1, Ке2, п. a3, c3, f2, g2, h2; Қо-
ралар: Крe8, Фd3, Лa8, Лh8, Кd5, Кd6,
п. a7, b7, e5, f7, h7.

Юриш қоралардан:

Ечим: 1... Лd8. 2. Фc5 Фd1+ 3. Кр:d1
Кe3+ 4. Крe1 Лd1X.

4-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фh2, Лa8,
Лf1, Сc5, п. b4, b6, g2, h3; Қоралар:
Крc8, Фg6, Лd2, Лe5, Сb8, Кb3, п. b7,
c6, f6, g7, h7. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Л:b8+1 ва ютук, чунки
1... Кр:b8 га 2. Ф:e5+ ва ҳоказо.

6-сондаги топшириқлар

3-диаграмма. Оқлар: Крb1, Фa8, Лd7;
Қоралар: Крa3, п. a4, b4, c4. Икки
юришда мот.

Ечим: 1. Фg8!
4-диаграмма. Оқлар: Крe2, Лd4,
Сd8, Сf7, Ке3, п. b4; Қоралар: Крe5,
п. d7. Икки юришда мот.

Ечим: 1. Сd5!
5-диаграмма. Оқлар: Крh5, Фh4, Са7,
Сf3, Кg7, п. b4, e6, f2. Қоралар: Крe5,
Лb6, п. h6. Икки юришда мот.

Ечим: 1. Сb7!

10-сондаги топшириқлар

5-диаграмма. Оқлар: Крh1, Лf3, Сb2,
п. a5, b3; Қоралар: Крg7, Лf7, Сf6, п.
a7. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Л:f6! Л:f6 2. b4!! Крg6
3. С:f6 Кр:f6 4. b5 ва оқлар ютади.

6-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фe2, Лb1,
Лc4, Сg5, Кf3, п. a2, b2, f2, g2, h2; Қора-
лар: Крg8, Фa6, Лa8, Лf8, Са5, Ке4, п.
a7, b6, e6, f7, g7, h7. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Сf6! Лfс8 2. Фe5! Лc5 (2...
Ф:c4 бўлса, 3. Фg5, g6 4. Фh6) 3. Фg3 g6
34. Л:a4 ва оқлар ютади (Алехин-
Штрок, Будапешт, 1921 йил).

11-сондаги топшириқлар

3-диаграмма. Оқлар: Крh2, Фa3,
Лg2, Се1, Кf5, п. d4, e3, f4, h3; Қоралар:
Крh8, Фd7, Лa4, Сf7, Ке6, п. b7, d5, e4,
h7. Юриш оқлардан.

Ечим: 1. Чh4! h6 2. Фf8+! К:f8
3. Сf6+Крh7 4. Лg7+Крh8 5. Л:f7+
+Крg8 6. К:h6X (Грюнфельд — Тер-
раш, 1925 йил)

4-диаграмма. Оқлар: Крg1, Фd4,
Лc1, Лe1, Сf3, п. a2, b4, d5, f2, g2, h2;
Қоралар: Крg8, Фd6, Лa8, Лd8, Сc8,
п. a7, b7, e6, f4, g6, h7. Юриш қора-
лардан.

Ечим: 1... Сd7. 2. Лe5 ва қоралар
ютазади.



1... e6 бўлса, 2. С:d5+! Ф:d5 3. Лe8+
ва ютук.

Спорт разряди нормативларини ба-
жарган иштирокчиларнинг исми ва фа-
мильялари журналнинг келгуси сонла-
рида эълон қилинади.

Навбатдаги топшириқлар

Энди иккита топширик.

(1 ва 2-диаграмма).



Иккаласида ҳам оқлар бошлаб 2
юришда мот қилади. Муҳлат — бир ой.
Конверт устига «Шахмат» деб ёзиб
кўйинг.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий
безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 3 [33] март 1989.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор
Худойберди ТУХТАБОВ

Редколлегия
Шоҳрух АКБАРОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО

(бош редактор ўринбосари)

Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДУСТМУҲАММАД

Мирза КЕНЖАБОВ

Эркин МАЛИКОВ

(масъул секретарь)

Латиф МАҲМУДОВ

Вадим НОВОПРУДСКИЙ

Мирвосил ОДИЛОВ

Ҳақимжон ПИРМУҲАМЕДОВ

Абдуғафур РАСУЛОВ

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Бадий редактор:
Султон СУЛАЙМОНОВ

Техредактор Файзулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежёмёсячный
общественно-политический и литературно-
художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.

«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,

78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд
асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир
босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига
қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» —
«Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши
шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» 3 март, 1989.

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди 18.01.89 й. Босишга рухсат
этилди 9.03.89 й. Р—01098. Офсет усулда чоп этилди.
Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108¹/₈.
Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Наш-
риёт босма листи 11,4. Тиражи 330000 нуска. Буюрт-
ма 5107. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комите-
ти нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орден-
ли босмаҳонаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.



Рассом Исфандиёр Ҳайдаровнинг ижоди ранг-баранг. Нафис пейзажлар ҳам, тўлақонли портретлар ҳам, тарихий-инқилобий полотнолар ҳам ярата олиши унинг ижод қамрови кенглигидан далолат бера олади. Доимо ўлка бўйлаб сафарларда юрадиган рассом асарларининг мавзуини ҳаётдан олади. Асарларининг ҳаётийлиги ҳам шундандир.

Исфандиёр Ҳайдаровнинг асарлари Москвада ва бир қатор чет мамлакатларда намойиш этилган.

Р. ШАГАЕВ фотоси.



Дилларимиз яшнатар хон атласнинг жилоси
Рангини товлантирар ўзбегимнинг пиллоси.

В. МАЙОРОВ, А. КИРШИН фотолари.